

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ  
ДИН ИШЛАРИ БҮЙИЧА ҚЎМИТА  
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

## ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

*Ички ишлар тизими ходимлари  
(профилактика инспекторлари) учун  
ўқув-амалий қўлланма*

Масъул мухаррирлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Тошкент ислом университети проректори **З. Исломов**;  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академияси бошлиғи **Ш. Икрамов**

Тошкент

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг  
2015 йил 2 декабрдаги 5228-сонли хulosаси асосида тайёрланди*

**Тақризчилар:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари **Ў. Ҳасанбоев;**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш  
бош бошқармаси бошлиғи полковник **У. Нарзуллаев;**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот  
маркази бўлим мудири тарих фанлари номзоди, доцент **А. Абдуллаев;**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик  
курслари бошлиғи юридик фанлар номзоди, доцент **М. Зиёдуллаев**

**Э – 41      Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани:** Ички ишлар тизими ходимлари (профилактика инспекторлари) учун ўқув-амалий қўлланма / Масъул муҳаррирлар: З. Исломов, Ш. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 164 б.

Китобда Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни, диний бағрикенгликнинг тарихий ва ҳукукий асослари, диний адабиётларни нашр этиш ва экспертиза қилиш соҳасида Ўзбекистон тажрибаси, миссионерлик ва прозелитизмнинг жамиятга таҳдиди, уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, исломдаги ақидавий йўналишлар ва фиқҳий мазҳаблар, ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилишнинг моҳияти ва шакллари, инсонларни мутаассиб шахслар томонидан психолигик таъсирга солаётган омиллар, диний экстремизм ва терроризмнинг келиб чиқиши, шаклланиши, фуқароларни экстремистик оқимлар таъсиридан асрарнинг долзарб масалалари, экстремизм, терроризм ва ахборот хуружларининг намоён бўлиш шакллари, Марказий Осиё миңтақасида фаолият олиб боришга интилаётган диний-экстремистик ҳаракатларнинг хусусиятлари, профилактика (катта) инспекторларининг хорижга ишлашга бораётган ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш фаолияти, мутаассибликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, аёлларни мутаассиб шахслар таъсирига тушираётган омиллар ёритилган, шунингдек, маҳаллаларда диний-экстремистик оқимга мойиллиги бўлган оиласлар билан ишлаш бўйича тавсиялар берилган.

Кўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**ББК 86.38+67.99(5У)8я73**

*Биз ҳаммамиз тинчликни истаймиз, тинчликни орзу қиласиз, лекин тинчлик учун курашии керак, бу ёргу ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг беғубор кулгусини ҳар қандай хавф-хатардан асрашимиз лозим.*

**Ислом Каримов**

## **КИРИШ**

Тинчлик буюк неъмат, инсон ҳаётининг бирламчи шарти ҳисобланади. Чунки, осуда ҳаёт, яратувчанлик ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рӯёби энг аввало шу неъматга боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан барча халқлар тинчликни асраш учун моли-южони билан курашиб келганлар.

Аммо бугунги воқелик тинчликни кўплаб мамлакатлар учун ҳали ҳануз орзу бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Мутахассислар тинчликка рахна соловчи омилларни турлича келтирадилар – давлатлар ўртасидаги низоли вазиятлар, фуқаролик урушлари, миллий ва этник низолар, табиий оғатлар... Лекин бу омилларнинг ичида бугунги кунда энг хатарли ва ҳар қандай давлат тинчлиги, осойишталиги учун жиддий хавф солишга қодир бўлгани диний экстремизм ва терроризм эканини ҳар бир соғлом фикрли инсон тан олмоқда.

Диний экстремизм ёки терроризм иллатининг сўнгги пайтларда тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади. Президентимиз Ислом Каримов ҳам бу ҳақида сўз юритиб: «Бугунги таҳликали ва мураккаб замонда дунёда юз бераётган кескин зиддиятлар, тўқнашувлар ва қарама-қаршиликлар, миллатлар ва динлар ўртасидаги турли можароларни ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Айниқса, ёвуз мақсадлари йўлида муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олган ғаразли ҳаракат ва кучлар соғлом фикрлайдиган ҳеч бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас. Дунёning турли бурчакларида, мусулмон мамлакатларида рўй бераётган қўпорувчилик ва бузғунчилик ҳаракатларидан барчамиз тегишли хулоса чиқариб, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб яшшимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда», деган эдилар.

Бундай вазиятда юртимизнинг ҳар бир фуқаросидан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш, ён атрофда юз бераётган ҳодисаларга бефарқ қара-

маслик талаб этилади. Айниқса, бу масалада халқ тинчлиги ва хавфсизлигига бевосита мастьул бўлган соҳа ходимлари кўпроқ хушёр ва сергак бўлмоғи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича ўзига хос билим ва тажрибага эга бўлишлари муҳимдир.

Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, ИИВ Академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, X. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази мутахассислари томонидан тайёрланган ушбу қўлланма жойлардаги профилактика инспекторларининг диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишда ўзига хос аҳамият касб этади.

Қўлланмада Ўзбекистонда диний соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги ўрни батафсил ёритилган. Жумладан, Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий ва хуқуқий асослари, диний адабиётларни нашр этиш ва экспертиза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон тажрибасининг афзалликлари тарихий ва хуқуқий жиҳатдан атрофлича баён этилган. Шунингдек, турли диний секталарнинг юрт тинчлиги ва миллатлараро тотувликка жиддий хавф экани ва унинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар тизимли равишда тушунтириб берилган.

Бу каби мавзуларни теран англаб этиш профилактика инспекторларининг диний бағрикенглик борасидаги билимларини ошириш билан бирга, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи турли дин вакиллари билан боғлиқ муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, диний мазмундаги адабиётлар билан ишлашни қонуний тартибга солиш ва турли диний секталар билан боғлиқ амалиётларни олиб бориш йўл-йўриқларини ишлаб чиқишлирага кўмаклашади.

Маълумки, юртимиз аҳолисининг 90 фоизидан кўпроғини ислом дини вакиллари ташкил этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир профилактика инспектори ислом дини билан боғлиқ бўлган ибодат маросимлари ва диний тушунчаларни тўғри англаб этиши жуда муҳимдир. Чунки, ўз ҳудудида ислом дини вакиллари томонидан амалга оширилаётган диний ибодат ва маросимларнинг мазмунмоҳияти ва ўтказилиш тартиби ҳақида асосли билимга эга бўлмаслик анъанавий соғ ислом билан сохта диний оқимлар ўртасидаги фарқни

ажрата олмасликка, натижада дин борасида турли низоли вазиятлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шу мақсадда мазкур қўлланмада ислом дини ҳамда ундаги йўналиш ва мазҳаблар, диний тушунчаларни бузиб талқин қилинишининг салбий оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритилган. Жумладан, ислом динининг тинчлик дини экани, яъни дин номидан бузғунчи ишлар қилаётган шахслар аслида дин моҳиятини тўғри тушунмаган ва қайсиdir сиёсий гурухларнинг ноғорасига ўйнаётган кимсалар экани далиллар асосида ифодалаб берилади.

Шу билан бирга, исломдаги ақидавий йўналишлар ва фиқҳий мазҳаблар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бундан кўзланган мақсад, ҳозирда диний экстремистик оқимларга ёшларнинг аралашиб қолиши бевосита исломдаги ақидавий йўналишлар ва фиқҳий мазҳабларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етмаслик оқибатида келиб чиқмоқда. Профилактика инспекторлари диний мутаассибликка мойил оиласлар, шахслар билан муентазам иш олиб бориши ва тўғри йўлга қайтаришлари учун улар томонидан илгари сурилаётган ҳар қандай ғоялардан етарлича воқиф бўлмоқлари зарур.

Ички ишлар органларида фаолият олиб бораётган фуқароларнинг иш фаолияти масъулиятли ва шарафли касблардан ҳисобланади. Шу билан бирга, улар бу фаолият билан шуғулланиш орқали Ватан олдидаги фуқаролик бурчларини ҳам бажармоқдалар. Бу эса, соҳа ходимларининг ўз касб-фаолиятига ўта масъулият билан қарашини талаб этади. Қолаверса, уларнинг бу хизматлари муқаддас ислом динидан ҳам юксак қадрланади. Мазкур қўлланмада соҳа ходимларининг Ватан тинчлиги, сарҳадларининг дахлсизлигини асрашга қаратилган хизматлари учун юксак ажр-савобларга эга бўлиши Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида ёритиб берилган.

Айни пайтда, экстремистик оқимлар томонидан кишиларни ўз до-мига тортишда ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусияти, жинси, ёши, феъл-атвори ва руҳий кечинмалари билан боғлиқ жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олган ҳолда қўлланмада фуқароларни мутаассиб шахсларнинг психологик таъсирга тушиб қолиш омиллари мутахассислар томонидан атрофлича баён этилган.

Аслида, ислом дини – инсон қадри ва тараққиёти учун хизмат қила-диган энг эзгу ғоялар билан йўғрилган тинчликпарвар дин. Бироқ, турли диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғоя

ва тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, нотўғри талқин қилиб, одамларни тўғри йўлидан адаштиришга уринмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда мазкур китобда бугунги кунда ислом никоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ҳаракатлар ўзларига байроқ қилиб олган ғоя ва тамойилларнинг муқаддас динимизнинг асл моҳиятига зид экани Қуръони карим оятлари, ҳадислар, машхур уламоларнинг фикрлари ҳамда бошқа манбаларга таянган ҳолда очиб берилди. Бу эса, ички ишлар ходимларига диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда кўмаклашади.

Диний экстремизм ва терроризм жиноятларининг олдини олиш эса, энг аввало, мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, фуқароларнинг осойишта ҳаёт кечиришига хизмат қиласи. Ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган профилактик ишларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш тақозо этилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ишларини ташкил этишда ички ишлар органлари ходимлари маҳалла аҳолиси ўртасида ибодат маросимларини амалга ошираётган, диний ўқув юртларида ўқийдиган, диний рутбага эга кишилар ҳақида бирёқлама ва нохолис, айrim ҳолларда салбий муносабат шаклланиб қолишига йўл қўймасликлари жуда муҳимдир. Акс ҳолда, бундай хато фуқароларда давлатга, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланишига туртки бўлиши, шунингдек, фуқароларнинг Конституция ва қонунлар асосида кафолатланган виждан эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлиши мумкин.

Зоро, мустақилликдан кейин ҳалқимиз ўз диний маросимлари ва ибодатларини эмин-эркин адо этиб келаётгани, бу борада ҳеч қандай чекловлар ва тўсиқлар йўқлиги, бу ҳуқуқлар дунёвий давлатчилигимиз асоси бўлган Конституциямизда ҳам белгилаб берилгани катта саодатdir. Шунингдек, маҳаллаларда ўз вақтида турли гурух ва оқимларга аралашиб қолган фуқароларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, улар билан мунтазам тушунтириш ишларини олиб бориш ва одамлардан ажралиб қолишлиарнинг олдини олиш зарур.

Хозирда мамлакатимиз фуқароларининг узоқ муддатга чет эл давлатларига чиқишлиари ва қайтиб келиш жараёнларини тизимли равишда ташкил этиш ички ишлар органлари олдида турган асосий вазифалардан биридир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда

ички ишлар органлари тизимидағи тегишли соҳавий хизматлар ходимларининг барчаси ҳам республикамиз фуқароларининг узоқ муддатга чет элга чиқишилари ва қайтиб келишиларини тартибга солиш, улар билан виктимологик профилактика, шунингдек, қайтиб келган шундай фуқаролар билан тегишли тезкор-профилактик ишларни амалга ошириш борасида зарур қасбий билим ва кўникмаларга эга эмаслар. Қолаверса, бу борада уларга ёрдам кўрсатувчи ўқув, услубий ва амалий қўлланмаларнинг етарли даражада эмаслиги бугунги кунда ички ишлар органларининг ушбу йўналишида мавжуд муаммолардан бири ҳисобланади. Шуни инобатта олган ҳолда мазкур қўлланмада профилактика инспекторларининг хорижга ишлашга бораётган ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш фаолиятига доир йўл-йўриқлар ҳам баён этилди. Қолаверса, ўқувчига қулайлик яратиш мақсадида глоссарий қисмида мавзуга оид атамалар изоҳлаб берилди. Бундан ташқари, қўлланма сўнгига мавзуга доир саволлар берилган бўлиб, улар соҳа ходимларига мутаассиб шахснинг хусусиятларини аниқлашга кўмаклашади.

Умид қиласизки, китобда келтирилган маълумотлар ички ишлар органлари ходимлари, жумладан, профилактика инспекторларининг юртимизда амалга оширилаётган диний сиёсатни тўғри тушунишларида, диний экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда фуқароларни мазкур иллатлар домидан асрарда ўзига хос қўлланма вазифасини ўтайди.

# **I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

## **1.1. Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тариҳий ва ҳуқуқий асослари**

Тариҳий манбаларнинг далолат беришича, заминимизда маданият ривожининг уч минг йилдан ортиқ буюк тариҳи бор. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида қадим давлардан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилган халқлар яшаб келган. Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий нуқтаи назардан муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашгани, кўплаб давлатлар билан иқтисодий, маданий соҳаларда алоқалар қилгани диний ва маданий ҳаётга катта таъсир кўрсатган ва ўзига хос турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Асрлар мобайнида ўлкамизнинг шаҳару қишлоқларида масжид, черков ва синагогалар эмин-эркин фаолият кўрсатиб, турли миллат ва динга мансуб қавмлар ҳамжиҳатлиқда ўз диний маросимларини адо этиб келганлар. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир давларида ҳам улар ўртасида диний асосда мажаролар бўлмаган. Бу эса, миллати ва диний қарашидан қатъи назар, инсонни ардоқлаш ва ўзгаларни қадрлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш каби туйғулар ўлка аҳолисининг қон-қонига сингиб кетганидан далолат беради. Айнан шу сифатлар халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маънавий асосини ташкил қиласди.

Маълумки, ҳар бир диннинг ўзига хос ақидалари мавжуд. Улар баъзан бир-бирига мутаносиб бўлса, баъзан бир-бирига зид ҳам келиши мумкин. Диний бағрикенглик ана шу хилма-хиллик асосида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олади, турли эътиқодларнинг ёнма-ён ва бир пайтда мавжуд бўла олиши учун хизмат қиласди.

Қадим замонларданоқ ўлкамизда зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик каби динлар мавжуд бўлган. Энг қадимий ва кенг тарқалган динлардан бири бўлмиш зардуштийликнинг ватани ҳам бизнинг юртимиздир. Зеро, у қадимги Хоразмда шаклланиб, ривож топган.

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизм ҳам муҳим ўрин тутган. Ҳаттоқи, Бухоро шаҳрининг номи ҳам «ваҳара» – буддавий-

лар ибодатхонаси номидан келиб чиққан, деган фикрлар ҳам бор.

Марказий Осиёга ислом дини ёйилиши арафасида бу ерга Эрон орқали Суриядан кириб келган несториан йўналишидаги насронийлик дини муҳим мавқени эгаллаган. VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса митрополити хизмат қилган. Шунингдек, қадимда ҳозирги Тошкент ва Хоразм вилоятлари худудларида насроний динига мансуб аҳоли ҳам яшаган.

VIII асрда Марказий Осиё араблар томонидан забт этилганидан сўнг минтақага ислом дини кириб келди. Аҳолининг бу динни қабул қилиши аста-секинлик билан, бир текис бўлмаган ҳолда юз берди. Аҳолининг бир қисми ўзларининг қадимги динларига эътиқод қилишда давом этди. Бу вақтда ислом ва маҳаллий динларнинг, уларга хос қадрият ва одатларнинг қоришуви юз берди. Мовароуннаҳр халқларининг ислом динига зид келмайдиган маърифий-ахлоқий ғоялари, ҳуқуқий меъёр ва урф-одатлари тўла сақланиб қолди ҳамда ислом таълимоти асосида янада сайқалланди. Бу ҳолат Мовароуннаҳрда исломнинг ўзига хос хусусиятлар касб этишига сабаб бўлди. Бу ҳам юртимизда узок йиллар давомида шаклланган диний бағрикенглик самараси эди.

Ўлқада тинчлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлашда ислом таълимотидаги ўзга дин вакиллари билан ўзаро муроса йўлини тутиш, улар билан дунёвий ишларда ҳамкорлик қилиш ва ҳамжиҳатлиқда яшашга чорловчи тамойиллар ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Айниқса, ислом таълимотидаги динни қабул қилиш ёки қабул қиласлиқ қалбга боғлиқ, инсоннинг тўлиқ ихтиёридаги амал деб қаралиши минтақада диний бағрикенглик муҳити барқарор бўлиши учун асосий омиллардан бўлди.

Бу таълимот Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга таянار эди. Жумладан, Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 256-оятида **«Ла икроҳа фид-дин»**, яъни **«Динда зўрлаш йўқ»** деган қоида асосида динни қабул қилиш ихтиёрий амал экани ва инсонни зўрлаб бирор динга киритиш мумкин эмаслиги, ҳар бир инсон динга муносабатини белгилашда эркин экани қайд этилади.

Бундан ташқари, яна бир оятда: **«Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи)даги барча кишилар ёппасига имон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мўмин бўлишларига мажбур қиласизми?!»** (Юнус, 99) дейилади.

Шунингдек, ижтимоий масалаларда ҳам мусулмонларнинг ўзга эътиқод вакиллари билан ҳамкорлик қилиш, улар билан ҳамжиҳатлик

асосида муносабатга киришишга чақирилади. Жумладан, бошқа дин вакиллари (аҳли китоблар)нинг таомларидан ейиш, улар билан қуда-андачилик қилиш, улардан уйланишга рухсат берилган.

Бу ҳақида «Моида» сурасида шундай дейилган: **«Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, аҳли китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки маҳрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг иффатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёллари (ҳам ҳалолдир) (5-оят).**

Куда-андачилик инсонларни ўзаро боғлаб турувчи асосий ришталардан биридир. Мусулмон инсоннинг аҳли китоб (христиан ва яхудийлар)га уйланиши натижасида ўзга дин вакиллари билан қариндошлиқ ришталари боғланади ва улар ўртасида ўзаро меҳр-мурувват туйғулари пайдо бўлади. Ислом таълимоти эса ана шундай ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлайди.

Шунингдек, зарур бўлса, ўзга дин вакилларининг ибодатларинида, ҳурмат қилиш, уларни бажариб олиш учун имконият яратиб беришга ислом дини даъват қиласи. Жумладан, Муҳаммад (а.с.) ҳузурларига Нажрондан келган насроний дини вакиллари масжидда ўз диний ибодатларини бажаришга чоғланиб турганларида сахобийлар уларни қайтаришмоқчи бўладилар. Шунда Расулуллоҳ (а.с.): **«Қўйинглар, ибодат қиласишиң»**, деганлари юқоридаги фикрнинг яққол исботи ҳисобланади.

Шу билан бирга, ислом динида киши қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар уни инсон сифатида қадрлаш, унга ҳурмат кўрсатишга даъват этилади. Имом Бухорийдан ривоят қилинган қуидаги ҳадисда бунга ишорат бор: **«Набий (с.а.в.) олдидан бир жаноза олиб ўтилди. Шунда у зот ўринларидан турдилар. Одамлар: «Ё Расулуллоҳ, бу яхудийнинг жанозаси», дейишди. У киши: «У инсон эмасми?!» дедилар».** Демак, ислом динида миллати ва динидан қатъи назар ҳар бир инсон ҳурмат ва қадр-қимматга эга.

Минг йиллар давомида ислом дини тамойилларга содик ҳолда яшаб келаётган халқимиз ҳам бу каби гўзал фазилатларни тўлалигича ҳаёти, урф-одат ва анъаналарига сингдириб олганини кўриш мумкин.

Диёrimиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларида ҳам диний бағрикенглик билан боғлиқ қадриятлар тарғиб қилинган ғояларни учратамиз. Буюк аллома, мотуридия ақидавий йўналиши асос-

чиси Абу Мансур Мотуридийнинг асарларида баён этилган бағрикенглик ғоялари бунга ёрқин мисол бўла олади.

Самарқандлик фикҳ, муфассир Абу Лайс Самарқандий эса ўзининг «Баҳр ал-улум» номли тафсир китобида Қуръондаги «Мумтахана» сурасининг 8, 9-оятлари шарҳида «Сизлар билан динда уруш қилмаган ўзга дин вакиллари билан борди-келди қилинг, улар билан адолатли муомала қилинг», деб ёзади.

Шайх Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларида ўзга дин вакилларига яхши муносабатда бўлишни уқтирган:

*Суннат эрмиши, коғифир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қоттиғ дилозордан худо безор.*

Диёrimиздан етишиб чиқкан алломаларнинг бу каби ўгитлари узоқ йиллар давомида ҳалқимизнинг бағрикенг бўлишга, турли дин ва элатлар билан тинч-тотувликда ҳаёт кечиришга чорлаб келган.

Бой тарихий тажрибанинг давоми сифатида бугунги кунда ҳам юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ва ўндан ортиқ диний конфесияга эътиқод қилувчи шахслар бир оила фарзандларидек ахил-иноқ бўлиб яшаб келмоқдалар. Уларнинг урфодатлари, анъана ва қадриятларининг ривожланиши, таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаолият қўрсатишида мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, айниқса, тинчликсевар ҳалқимизнинг бағрикенглиги муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада юртимизда истиқомат қилаётган турли дин вакиллари учун тенг имкониятларнинг яратилиши, айниқса, диний бағрикенгликка доир қоидаларнинг қонуний асосларда мустаҳкамланиши таҳсинга сазовор. Бу борада, энг аввало, Конституциямизнинг 31-моддасида мустаҳкамланган «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатлана-ди. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришига йўл қўйилмайди», деган қоида диний бағрикенглик учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз дини ва эътиқодига амал қилишда эркинтир ва ҳар ким бу ҳуқуқга бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Бир кишининг дин борасидаги қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, Конституциямизнинг 18-моддасида ҳам «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб

чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт», деган норма асосида турли диний эътиқоддаги инсонларнинг дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги эътироф этилган.

Конституциямизнинг 61-моддасида эса, республикамиизда фаолият олиб борувчи диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Унда айтилишича, «диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларинг фаолиятга аралашмайди». Бу қоиданинг моҳияти шундаки, Ўзбекистонда ҳар қандай дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ва барча диний конфесиялар қонун олдида баробардир. Давлат диний конфесиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди ҳамда улар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик халқаро ҳуқуқ ҳимоясида экани таъкидланади. Жумладан, 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 18-моддасида «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгадир», деб таъкидланган. 1966 йили қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам «Бирор одам ҳам ўз ихтиёри билан ўз дини ва эътиқодига эга бўлиш ёки уларни қабул қилиш эркини камситадиган мажбурий хатти-харакатларга дучор бўлмаслиги керак», деб кўрсатилган. Бу эса, диний бағрикенгликнинг нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқий нормалар муҳофазасида эканидан ҳам далолат беради.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларнинг қонунчиликка киритилиши диёrimизда расмий фаолият олиб бораётган барча дин вакилларига катта имкониятлар яратиб берди. Жумладан, мустақилликкача республикада бир неча черков ва синагогалар фаолият олиб борган бўлса, қонуний асослар мустаҳкамлангач, дунёning турли минтақаларида диний ибодатларини амалга оширувчи Евангел-Лютеран жамоаси, Рим-католик черкови, «Еттинчи кун адвентистлари» диний ташкилоти, Баҳоийлар жамоаси, яхудийлар диний жамоаси каби диний конфесиялар юртимизда расмий фаолият юрита бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 16 конфесияга мансуб жами 2238 та диний ташкилот, жумладан 2039 та масjid, 20 та марказ, 12 та диний

таълим муассасаси, З та монастир, шунингдек, жами 164 та ноисломий диний ташкилотлар расмий фаолият олиб бормоқда<sup>1</sup>.

Хукуматимиз томонидан турли диний ташкилотларнинг ўз фаолиятларини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Жумладан, марказий телевидение орқали Ўзбекистон мусулмонлари идораси маънавий-маърифий кўрсатувларни бериб бориши, Бухорий, Термизий, Мотуридий каби машхур алломаларнинг таваллудига бағишлиланган анжуманларнинг кенг кўламда нишонланиши каби тадбирларни айтиб ўтиш ўринлидир. Айниқса, ҳаж ибодатини тўла-тўқис ва ҳамжиҳат ҳолда адо этиш учун барча шароитлар яратилгани таҳсинга сазовор.

Ўз навбатида, православлар учун Истроил, Греция ва Россия, католиклар учун Истроил ва Италия, арманлар учун Истроил ва Арманистон, яхудийлар ва баҳоийлар учун Истроил, кришначилар учун Ҳиндистон ва буддавийлар учун Кореяда жойлашган муқаддас жойларга зиёратлар ташкил қилинмоқда.

Бундан ташқари, Президентимиз фармонига кўра, 1903 йилда қурилган «Святая Богородица» ибодатхонаси нинг Арман апостол черковига топширилгани, ўз вақтида фаолияти тўхтатиб қўйилган Евангел-Лютеран черкови Кирхасининг республикамизда истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини қондириш мақсадида «Видергебурт» немис маданият марказига фойдаланиш учун қайтариб берилгани ва 1996 йилнинг декабрида ушбу конфессиянинг юртимизда фаолият бошлаганининг 100 йиллиги кенг нишонланиши ҳам юқоридаги фикримиз исботи бўла олади.

Шунингдек, христианларнинг «Рождество», «Пасха», яхудийларнинг Рош-Ашона (Янги йил), Йом-Кипур (Гуноҳлардан покланиш байрами), Песах (Пасха), буддавийларнинг Сагаалган (янги йил), Дончод-хурал (Будданинг туғилган куни) каби байрамларни нишонлаш учун юртимизда яшовчи шу дин вакилларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Бу юртимизда яшаётган барча дин вакилларининг ўз диний эътиқодларини эмин-эркин амалга оширишлари ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилаётган тадбирлар жумласига киради. Қувонарли жихати шундаки, бу тадбирлар диний барқарорлик, конфессиялараро самимий ва дўстона муҳитнинг вужудга келиши ва энг асосийси юртимиздаги тинчликнинг барқарор бўлишига сабаб бўлмоқда.

---

<sup>1</sup> Диний ташкилотлар бўйича батафсил маълумот олиш учун глоссарийга қаранг.

## **1.2. Диний адабиётларни нашр этиш ва экспертиза қилиш соҳасидаги Ўзбекистон тажрибасининг афзалликлари**

Дин ҳақида маълумот берувчи асосий воситаларидан бири – бу диний адабиётлардир. Одатда, диний адабиётларда ушбу диннинг асосий тушунчалари, қоидалари, шунингдек, алоҳида масалаларга доир диний хукмлар ўз ифодасини топади. Дунё динларининг кўп йиллик тарихи давомида айнан диний адабиётлар дин ҳақидаги билимларни берувчи асосий манба бўлиб келган. Бундай манбаларни ҳар бир диннинг кўзга кўринган намояндалари, олимлари ёзиб, инсонларга диний соҳада таълим бериб келишган.

Бугунги кунда ҳам дин уламолари ва диний соҳада муайян билимга эга бўлган ёзувчилар томонидан диний мазмундаги адабиётлар ёзилиб, ахолининг турли қатламларига етказиб берилмоқда. Албатта, бу ҳолатни табиий жараён сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки, муайян билимга эга бўлган шахс бошқаларга ҳам ўзидағи маълумотларни етказиши, улар билан ўртоқлашишга интилиши инсон табиатига хосдир. Лекин нафақат диний, балки ҳар қандай маълумотни етказишини ҳам муайян қонун-қоидаси, фойдали ва зарарли жиҳатлари мавжуд. Масалан, бедаво дардга чалинган инсонга ақл-фаросатли табиб ҳеч қачон «сен энди, тамомсан, тузалмас дардга йўлиқибсан» деб айтмайди. Ёки асраб олинган болага асраб олингани ҳақида вақти-соати етганда ётиғи билан тушунтирилади. Худди шунингдек, диний адабиётларни ёзиш ва кенг оммага диний маълумотларни етказишнинг ҳам ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд. Ўрнатилган мавжуд қоидалар ахолига диний маълумотларни соф ҳолда етказиш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қиласи.

Маълумки, дунё динлари асосан турли мамлакатларда пайдо бўлиб, кейинчалик ер юзининг бошқа минтақаларига тарқалган. Бунда, албатта, диний адабиётлар асосий ўрин эгаллаган. Ғоялар кураши авж олган бугунги кунда турли мамлакатларда нашр этилаётган диний адабиётларни ҳеч қандай назоратсиз ва мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқмасдан китобхонлар қўлига етиб бориши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, диний адабиётларнинг аксариятида ўзига хос ғоя ва мафкуралар мавжуд. Бу мафкуралар баъзи ҳолларда китобхонлар ўртасида тушунмовчиликни келтириб чиқариши ёки диний конфессиялар орасида низо ва довлат уруғи ёйилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа мамлакатларда нашр этилаётган ва ўзбек тилига тар-

жима қилиниб, юртимизга келтирилаётган адабиётлар, аввало, нашр этилган миңтақа шароити, ўша жойда яшовчи халқнинг менталитети ва яшаш тарзидан келиб чиқсан ҳолда ёзилган бўлади. Бундай адабиётларни юртимиз аҳолисининг урф-одати, турмуш тарзи, халқимиз минг йиллар давомида эътиқод қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳаби тамойилларини ҳисобга олмасдан тарқатилиши турли низо ва ихтилофларни келтириб чиқариши мукаррар.

Шу боис, Республикаиз қонунчилигида чет элда нашр этилган диний адабиётларни юртимизга олиб келиш ва тарқатиш қонунчилигда кўзда тутилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилиши белгиланган.

Республикаиз мустақилликка эришганидан сўнг диний соҳада ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда диний маълумотларни тизимли тарзда етказиб бериш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, тадрижий равища ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Диний адабиётларни ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб беришга доир норматив-хуқуқий ҳужжатларга «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 196-сонли ҳамда 2014 йил 20 январда «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 10-сонли қарорлари кабиларни айтиб ўтиш ўринлидир.

Диний адабиётларни ишлаб чиқаришга талабгор жисмоний ва юридик шахслар диний мазмундаги китоб ва бошқа ахборот материаллари, жумладан аудио ва видео материалларни юқоридаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариши ва тарқатишлари мумкин. Аммо, диний мазмундаги ахборот материаллари диний ихтилофлар, фуқаролар ўртасида душманлик туйғуларини вужудга келтирмаслиги лозим.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларни уларнинг иродасига, отоналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлар)нинг хоҳишига хилоф равища ўқитишга, таълим жараёнида уруш, зўравонлик, прозелитизм ва ҳар қандай миссионерлик фаолияти тарғиб қилинишига, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик, жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асослари, фуқаролар тинчлиги, миллат-

лааро ва динлараро тотувликнинг бузилишига, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишига ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий бойликлари бузиб кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Диний мазмундаги материалларнинг Ўзбекистондаги ҳар қандай ҳаракати, яъни уларни тайёрлаш, хориждан олиб кириш ва тарқатиш давлат диншунослик экспертизаси қўригидан ўтказилганидан кейингина рухсат этилади. Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат диншунослик экспертизасини Дин ишлари бўйича қўмита амалга оширади.

Дин ишлари бўйича қўмита диний адабиётларнинг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилаётган ғояларни ўрганиб чиққач, нашр этилиши ёки тарқатилишига рухсат беради. Диний мазмундаги адабиётларни экстремистик кайфиятда ёки ноанъанавий диний ғояларни тарғиб қилишини аниқлашда бир қатор тушунчаларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Аввало, диний мазмундаги адабиётларда Дин ишлар бўйича қўмитанинг муайян сонли тавсияси билан чоп этилганлиги ҳақида маълумот бўлиши зарур.



Шунингдек, нашр этилган диний адабиёт голограмма билан ҳимояланган бўлмоғи лозим. Голограмма айлана шаклда бўлиб, айлана бўйлаб: «\*O‘zbekiston\* Din ishlari bo‘yicha qo‘mita \* Committee of the Religion Affairs», айлана ичида: **Din ishlari bo‘yicha qo‘mita \* Committee of the Religion Affairs**» ёзуви туширилган китоб эмблемаси жойлаштирилган. Шу каби қоидаларга амал қилинмасдан нашр этилган диний адабиётнинг мазмун-моҳияти, унда ёритилаётган ғояларнинг соф диний ақидаларга мослиги ва тўғрилиги каби шартларга путур етган бўлиши эҳтимоли бор. Бундан ташқари, юқоридаги қоидалар четлаб ўтилган ҳолда нашр этилган адабиётларда экстремистик ва радикал ғоялар илгари сурилиши мумкин.

**Хўш, диний мазмундаги адабиётда экстремистик ва радикал ғоялар илгари сурилганини қандай аниқлаш мумкин?**

Экстремистик ва радикал руҳдаги диний адабиётларда бошқа дин вакилларига нисбатан жиҳод эълон қилиш бирламчи ўринни эгаллайди. Айниқса, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан оят ва ҳадислар кўр-кўrona кўчирилиб, уларнинг ботиний мазмунидан кўра зоҳирий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, бундай нашрларда республикамизда ўрнатилган конституцион тузумни қоралаш, тузумга хизмат қилаётган шахсларни

куфрда айблаш ёки халифалик давлатисиз яшашни имонсизликка тенглashingтириш кабилар учраб туради. Шу билан бирга, экстремистик ва радикал мазмундаги адабиётларда исломнинг асосий руқнлари, намоз, закот, рўза кабиларни бажармаганларга ҳам асоссиз равища куфр ҳукми берилади.

Шунингдек, айрим экстремистик диний адабиётларда конституцион тузумлар ўрнатилган мамлакатларни куфр диёри деб эълон қилиб, бундай юртлардан шариат ҳукми ўрнатилган минтақаларга қўчиб кетиш, яъни ҳижрат қилишга тарғиб қилинади. Бу эса, аҳолида давлатга нисбатан ишончсизлик, амалдаги қонунларга ҳурматсизлик кайфияти вужудга келишига хизмат қиласди.

Айни пайтда, юртимиз мусулмонлари эътиқод қилиб келаётган мотуридийлик таълимоти ва ҳанафийлик мазҳаби вакилларини адашганликда айблаш, мазҳабларни инкор этиш ёки бошқа минтақа аҳолиси эътиқод қилаётган мазҳабларга тарғиб қилувчи адабиётлар ҳам учраб туради. Бундай адабиётларда очиқдан-очиқ уруш ва зўравонликка тарғиб қилмаса-да, аҳоли ўртасида зимдан ихтилоф ва низоларни келтириб чиқариш мақсади яширинган.

Маълумки, юртимиз аҳолисининг 90 фоизидан кўпроғи ислом динининг ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилиб келади. Бу омилни халқимизнинг бирлиги ва жипслиги учун Яратган томонидан бизга берилган энг катта неъматлардан бири сифатида кўришимиз мумкин. Чунки, бу шаклда аҳолининг битта дин битта мазҳабга бирлашуви ҳар қандай вазиятда тинчлик ва барқарорлик учун хизмат қиласди. Афсуски, айрим минтақалардан республикамизга кириб келишига интилаётган ноанъанавий диний секталар аҳолини инжиллаштириш орқали юртимиздаги диний бирликка раҳна солишга уринмоқда. Улар ўзбек тилига таржима қилинган адабиётлар, аудио ва видео материалларни аҳоли ўртасида «беғараз» тарқатиб, керак бўлса имони, эл-юритини-да сотиб юборишга тайёр манқуртларни тайёрлашни мақсад қилишган.

Бугунги кунда ҳаётимизга ахборот алмашинув тизими тез суръатда кириб келмоқда. Ўз-ўзидан Интернет сайтларида ҳам катта ҳажмдаги диний мазмунда маълумотлар ўрин олган. Шундай экан, сайтлардаги диний мазмундаги материаллар билан ишлаш, уларни жойлаштириш ва тарқатиш муайян тартиб-қоида асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январда қабул қилган «Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тар-

тибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорида Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар мазмуни ҳам экспертизадан ўтказилиши назарда тутилган. Бинобарин, интернет сайтига маҳаллий тилларда жойланаштаган диний мазмундаги материалларнинг муайян қисмини ҳанафий мазҳаби таълимотларига зид бўлган ёки экстремистик кайфиятдаги нохолис маълумотлар ташкил этади.

Шу ва шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда диний мазмундаги адабиётлардан фойдаланишда унинг муаллифи, қаерда чоп этилгани, Дин ишлари бўйича қўмитанинг тавсияси асосида нашр қилингани ва маҳсус голограмма билан муҳофазаланганига эътибор қаратиш лозим. Интернетдаги диний маълумотлардан фойдаланётганда эса, огоҳ ва сергак бўлиш, имкон қадар uz доменидаги сайtlар (мисол учун, tiu.uz, religions.uz, muslim.uz, buxoriy.uz)га мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Зоро, сайтлардан юклаб олинган экстремистик мазмунга эга аудио, видео ва электрон шаклдаги турли адабиётларни саклаш, олиб юриш ҳам жавобгарликка сабаб бўлади.

### **1.3. Миссионерлик ва прозелитизм таҳдиidi ҳамда унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар**

Маълумки, бугунги қунда миссионерлик ва прозелитизм муаммоли, экстремизм ва терроризм билан бир қаторда, жамият учун жиддий хавф туғдиради. Зоро, миссионерларнинг зимдан олиб борадиган «даъват»лари жамиятни диний асосда бўлиб ташлаш, кишилар орасида адоват ва ишончсизликнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин. Мазкур иллатга қарши курашда эса профилактика инспекторларининг ўрни бекиёсдир.

Миссионерлик ва прозелитизмга қарши курашда, биринчи навбатда, мазкур харакатлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Зоро, таниқли хитой саркардаси Сун Цзининг ибораси билан айтганда «...агар сен душманингни ҳам ўзингни ҳам билсанг, юзлаб жангларда ғалаба қозонишинг мумкин. Агар ўзингни билсанг-у, рақибингни билмасанг, ютишинг ҳам мағлуб бўлишинг ҳам мумкин. Агар на ўзингни ва на рақибингни билмасанг ўзингни доим хавф-хатарга соласан». Шундай экан, профилактика инспекторлари, аввало, миссионерликнинг мазмун моҳияти, тарихи, фаолият усуслари ва мақсадлари ҳамда юртимизга хос бўлган хусусиятлари ҳақида билим ва кўнікмаларга эга бўлишлари талаб этилади.

**Миссионерлик** – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. Тарих китобларида бундай ҳаракат

дастлаб милоддан аввалги III асрда буддийлик, милодий IV асрдан эса христианлик доирасида пайдо бўлгани қайд этилади. **Прозелизм** эса миссионерлик фаолияти натижасида тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечиш ва ўзга динни қабул қилишга олиб келишдир. Демак, прозелитизм миссионерлик-нинг юқори чўққиси ҳисобланади.

Миссионерлик тарихи ҳақида сўз борар экан, у динларнинг пайдо бўлишига бориб тақалишини қайд этиш лозим. Чунки, ҳар қандай динда издошлари сонини ошириш учун даъват ишларига катта урғу берилади. Маълумотларга кўра, дунёда миссионерлик билан энг кўп шуғулланадиган дин христианликдир. «World Book» энциклопедиясида келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турганини алоҳида қайд этиш лозим. Маълумотларга кўра, бугунги кунда бундай секта<sup>1</sup>лар сони мингдан ортиқни ташкил қиласди.

Миссионерлик бугун сердаромад соҳа ҳамда муайян кучлар томонидан ривожланаётган давлатларга қарши ишлатиладиган қуролга айланиб қолган. Шундай экан, бугун унинг ташкилий-молиявий, ғоявий асослари ишлаб чиқилган. Дунёда юзлаб миссиялар, миссионерлик ташкилотлари, мактаблари ва уларнинг қўл остиларида миллионлаб қўнгилли миссионерлар бутун дунё бўйлаб фаолият юритмоқдалар. Афсус билан қайд этиш лозимки, уларнинг бир қараашда тинчликпарвар ва маърифий бўлиб кўринган фаолияти, охир-оқибат кишиларнинг хонавайрон бўлиши, руҳий касалликларга чалиниши, суицид, баъзи давлатларда эса ҳатто сиёсий ғалаёнлар ва сепаратистик ҳаракатларга олиб келмоқда. Умуман олганда, мутахассислар замонавий миссионерликдан асосан икки хил мақсадлар қўзланишини аниқлаганлар.

Биринчиси, диндорларнинг туйғуларидан фойдаланган ҳолда уларни хайр-эҳсон қилишга даъват этиш орқали катта бойликка эришиш. Тажриба, турли бузғунчи секталар ўз издошларидан қўпроқ маблағ ундириш мақсадида қиёмат қойимнинг аниқ санасини эълон қилиш амалиётидан кенг фойдаланишини кўрсатади. Чунки, инсон умри тугашини ҳис қилгач, иложи борича қолган ҳаётида эзгулик, хайр-эҳсон қилишга интилади, бор бойлигини сарфлаб жаннатга

<sup>1</sup> Секта фақат ўзини «ҳақ дин», инсонларни «нажотга етказувчи» деб даъво қиласдиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий мақсадларни қўзлайдиган гурухдир.

кириб олиш иштиёқида яшайди. Мазкур ҳолатдан эса секта раҳбарлари унумли фойдаланишади.

Миссионерликдан кўзланган иккинчи мақсад эса юкоридагидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, у сиёсий мақсадларга йўналтирилади. Бунда ўз диний таълимотларини тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гурухларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва ҳудуд устидан назорат ўрнатиш кўзланади. Диний хусусиятлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш оқибатида унинг бунёдкорлик моҳиятининг вайронкорликка, бирлаштирувчилик вазифасининг парчаловчиликка айланганига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, 2011 йилда Судан давлатининг иккига бўлиниб кетишида (Шимолий ва Жанубий) бундан деярли 100 йил олдин бошланган миссионерлик кампаниясининг роли катта бўлди. Айнан Жанубий Судан ўз даврида христиан миссионерларининг асосий иш майдони бўлди. Натижада, 2011 йилга қадар Африканинг энг йирик давлати бўлган Судан нафақат ўз ҳудудининг  $\frac{1}{3}$  қисмидан, балки нефт ва газ захираларининг  $\frac{3}{4}$  қисмидан ҳам айрилди. Шунингдек, Тайванинг ҳар қандай йўл билан Хитойга қўшилиб кетишининг олдини олишга қаратилган сиёсий стратегия доирасида фаолият олиб борган миссионерлар барча восита ва услубларни ишга соглан ҳолда орол аҳолисининг деярли 100 фоизга христианлашишига эришдилар.

Ўз мақсадларига эришиш учун миссионерлар томонидан хилмажил ва турли даврларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, христиан миссионерлари алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлган ҳудуд сифатида шимолий кенгликтининг 10 ва 40-паралеллари орасини танлаб олиб, уни «10/40 ОЙНА», деб атаганлар. Ушбу паралеллар орасида буддавийлик, конфуцийлик, хиндуийлик, ислом, синтоийлик ва даосизм динлари кенг тарқалган ҳудудлар хисобланиши баробарида, бу ҳудудда дунёдаги нефть ва газ захираларининг 70 фоизга яқини мавжудлиги эса миссионерликдан кўзланаётган ғаразли геосиёсий мақсадларининг асл моҳиятини теранроқ англашга хизмат қиласи.

Психологлар томонидан секталарни ажратиб олиш учун уларнинг белгилари ишлаб чиқилган. Куйида уларнинг баъзиларини санаб ўтамиз:

- ўз раҳнамоси ва гуруҳининг бошқалардан мутлақо устунлигини даъво қилиш;
- аъзоларининг ҳаёт тарзи ва бўш вақтларини қатъий назорат қилиш;

- ахборот олиш манбаларининг чегаралаб берилиши (телевизор ва газеталарнинг тақиқланиши ва ҳоказо);
- фаол ва узлуксиз равишда янги аъзоларни жалб этиш;
- ўз ғояларини сингдириш учун маҳсус онгни бошқариш ва манқуртлаштириш усулларидан фойдаланиш;
- «хослар» ва «оддий» одамлар учун алоҳида-алоҳида қоидаларнинг мавжуд бўлиши;
- анъанавий динлар, миллий-маънавий қадриятларга кескин муносабатда бўлиш ва инкор этиш;
- бошқаларга тушунарсиз бўлган маҳсус терминлар (ибодат тили)нинг ишлатилиши;
- ўз мол-мулки ва даромадини секта ихтиёрига топширишни тарғиб қилиш;
- охир замон ҳақидаги сұхбатларнинг кўплиги.

Ўзбекистондаги миссионерлик билан боғлиқ вазият ҳақида тўхталар эканмиз, бундай фаолият асосан протестантликка доир оқимлар вакиллари ҳамда қисман кришначилар, баҳойилар каби янги пайдо бўлган динлар томонидан амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Миссионерлар юртимизда фаол иш юритаётганига кўп бўлмаган бўлса-да, улар юртимиздаги шароит, аҳолининг миллий хусусиятларини яхши ўрганганларини қайд этиш лозим. Жумладан, миссионерлар миллий байрамларимиз, урф-одатларимиздан ҳам усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, улар «Янги йил», «Наврӯз», «Хотира ва қадрлаш куни» байрамлари, ҳар йили уюштириладиган умумхалқ ҳашарларида «ўзини кўрсатиш» орқали маҳаллий аҳоли орасида ижобий имидж яратишга уринмоқдалар. Масалан, «Янги йил» байрами муносабати билан болалар учун турли ширинликлар, ўйинчоқлар ва янги йил руҳини акс эттирувчи ҳар хил тўпламларни совға қилиш, тансиқ мева-чеваларни ўз ичига оладиган озиқ-овқат пакетларини тақдим этиш, муҳтож оиласлар фарзандлари учун кўйлак, шим ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни ўз ичига олган комплектларни тарқатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, уларнинг турли минтақаларимизда жойлашган кўзи ожизлар жамиятлари, меҳрибонлик уйларида шундай ҳаракатларни амалга оширишга интилганликлари фикримизнинг исботи бўла олади.

Миссионерлар «Хотира ва қадрлаш куни»да уруш қатнашчилари учун ташкил этиладиган оммавий маданий-маърифий тадбирларнинг «ҳомий»ларидан бири сифатида иштирок этиш, очиқ эшиклар кунини

эълон қилиб, ош дамлаш ва кишиларни черковга оммавий жалб қилишга уринаётганини ҳам қайд этиш лозим.

Айни пайтда, миссионерлар ҳудудий ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда фаолият олиб боришга ҳаракат қилишини ҳам таъкидлаш зарур. Чунончи, Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақаларидағи умумий экологик вазиятни ҳисобға олиб, миссионерлар ўз ҳамкорлари бўлган хорижий ҳалқаро ташкилотлар билан биргаликда «Ичимлик сувининг сифатини яхшилаш», «Экологик вазиятни барқарорлаштириш», «Болалар ва оналар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни оқилона ташкил этиш» деган шиорлар ва тамойиллар остида иш олиб боришга ҳаракат қилғанликлари маълум. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида кам таъминланган оиласлар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш, чўл ҳудудларда моторли қудуқлар ўрнатиб бериш, уйларида тегирмон очиш, «PAYNET» тўлов хизматларини уйларида ташкил этишга алоҳида урғу берилмоқда. Ачинарлиси, миссионерлар томонидан масжидларга келиб, мусулмонлар билан намоз ўқиб бўлиб, кейин даъват қилиш ҳоллари ҳам кузатилган.

Бугунги кунда миссионерлик ташкилотлари янги «ўлжа»лар ортиришда тиббий ва таълим соҳаларида фаолият олиб бориш, хайрия ёрдамлари кўрсатиш, уйма-уй юриб ташвиқот олиб бориш, маҳаллий тилларда христианликни тарғиб қилувчи адабиётлар, газета ва журналлар чоп қилиб тарқатиш, радио ва теледастурлар тайёрлаш, кино маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда Интернет тармоғида сайtlар ташкил қилиш орқали ўз қарашларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Сўнгги вақтларда миссионерлар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, улар билан мақсадли ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, улар асосий эътиборни аралаш миллат вакилларидан иборат оиласларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир хасталикка, жудоликка учраган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Шунингдек, санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланмоқда.

Шундай бўлса-да, миссионерларнинг асосий «мўлжал»лари асосан ёшлар ва аёллар ҳисобланади. Миссионерликнинг таниқли назариётчиси П.Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг «Дунё операцияси» китобида

шундай ёзади: «Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади». Энди тасаввур қиласи, ёшлигидан «муртад»лик йўлини танлаган, яъни ўз эътиқодидан қайтган инсон «йирик мансаблар»ни эгаллаганидан сўнг Ватан равнақи учун хизмат қиласмикин...?

Аёллар орасида иш олиб бориш эса, миссионерлар учун «бир ўқ билан камида уч қуённи уриш»дир. Биринчиси – аёлнинг ўзи, иккинчиси – унинг фарзандлари ва учинчиси – турмуш ўртоғи. Аёлларнинг улуши баптистлар ва пятидесятниклар черковларига қатнайдиганлар орасида 70, адвентистлар ва «Иегово шоҳидлари» орасида 80, пресвитериан черковларига қатнайдиганлар таркибида 90 фоизгача бориши эса миссионерларнинг ана шу мақсадлар йўлидаги хатти-ҳаракатларининг ҳаётий-амалий натижасидир.

Миссионерлар юртимиздаги меҳнат миграциясидан ҳам усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Жанубий Корея ёки Россияда ишлаб келаётган меҳнат мигрантлари орасида бошқа динга ўтиш ҳолатлари айниқса кўпроқ учраётгани ачинарлидир. Юқоридаги каби тактикани чет элда таълим олиш учун ҳаракат қилаётган ёшларга, хорижлик фуқарога турмушга чиқиб, ўз баҳтини топишга интилаётган аёл-қизларга нисбатан қўллаш ҳоллари учраётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Мазкур ҳолат ҳам уларнинг аниқ вазиятга мослашган ҳолда ишлашга ҳаракат қилаётганини яна бир бор исботлайди.

Шу нуқтаи назардан, чет элда ишлашни ният қилган ва ишлаб қайтиб келган фуқаролар орасида профилактика тадбирларни амалга ошириш профилактика инспекторлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Жумладан, ахоли орасида иш олиб боришида секталарнинг қўйидаги салбий жиҳатларига урғу бериш мақсадга мувофиқ:

- ўз ҳаётини назорат қилишдан маҳрум бўлиш;
- сектада бўлмаган эски дўстлар билан муносабатларнинг узилиши;
- руҳий безовталик: галлюцинация, воқеликни нотўғри англаш, депрессия, ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги ўйларга мубтало бўлиш;
- жамиятга нисбатан бегонасираш, душманлик кайфияти шаклланиб қолиши;
- гипноз техникалари ёрдамида соғлом фикрлашдан маҳрум қилиниш;

– ижтимоий яккаланиб қолиши: қариндошлар, дўстлар, яқинлар ва ишдан айрилиш.

Сектага кирган одам мусулмончиликдан чиққан, яъни муртад ҳисобланади. Ислом динига биноан, бундай одамларга никоҳланиш, улар тайёрлаган таомни ейиш, вафот этсалар ювиш, кафанлаш, жаноза ўқиши, мусулмонлар қабристонига қўйиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунига биноан, «Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар». Шундай экан, унга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланиши табиий. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишига ёки ўн беш сутка муддатгача маъмурий қамоқقا олинишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Республикализнинг Жиноят кодексида эса юқоридаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганда энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Миссионерлик миллат ва жамиятнинг келажагига таҳдид экан, унга қарши курашни тизимли ташкил этиш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда маънавий-маърифий тарбиянинг барча восита ва усулларидан самарали фойдаланиш, баландпарвоз шиорларни такрорлаш ва дабдабозлиқдан қочиши, миссионерликнинг реал таҳдидини ҳаётий мисоллар орқали ёритиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, олиб борилаётган маънавий-маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишлар аҳолининг қизиқиши ва интилишларидан келиб чиқиб ташкил этилгандагина ўзининг таъсир қувватига эга бўлишини ва аниқ амалий натижаларга эришишга замин яратишини таъкидлаш зарур.

Халқимиз бағри кенг халқ, бошқа дин вакилларини ҳурмат қилиб, ғайридин қўшнилари билан яхши алоқа қиласди. Буни ўзининг юксак инсонийлик бурчи деб билади. Фақат ўз фарзандининг ғайридин қўшниси томонидан эътиқоди ўзгартирилишига чидай олмайди.

Шундай экан, ота-оналаримизнинг ўз фарзандларида соғлом эътиқодни шакллантириш, хулқи ва фаолиятидаги ўзгаришларни назоратсиз қолдирмаслик, онги ва руҳиятини заҳарли мафкуралар таъсиридан қатъият билан ҳимоя қилишдек масалаларга алоҳида эътибор билан қарашлари уларнинг эртанги куни порлоқ бўлишини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундай эътибор эзгулик ва ёвузлик ўртасида азалдан давом этиб келаётган кураш, инсон маънавияти ва эътиқодига қарши қаратилган ҳаракатлар глобаллашув таъсирида ўзига хос шаклу шамойил касб этаётган бир даврда айниқса муҳимдир. Зеро, бугунги кунда бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Озгина бепарволик, кичкина лоқайдлик фарзандларимизнинг миссионерлар таъсирига тушиб қолишига, заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига замин яратиши мумкинлигини ҳеч қачон ёдан чиқармаслик лозим.

## **II боб. ИСЛОМ ДИНИ ҲАМДА УНДАГИ ЙЎНАЛИШ ВА МАЗҲАБЛАР. ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ БУЗИБ ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИННИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

### **2.1. Ислом – тинчлик дини**

Ислом – инсон қадри ва тараққиёти учун хизмат қиладиган энг эзгу ғоялар билан йўғрилган дин. Ислом – бу тинчлик. Араб тилидаги бир ўзакдан ясалган «силм», «салом» ва «ислом» сўzlари маъно жиҳатидан тинчлик ва омонликни англатиши бежиз эмас.

Ислом таълимоти, хусусан, Қуръони карим оятларида тинчликни сақлаш учун курашиш ва интилишга чақирилади: **«Эй, имон келтиргандар! Ёппасига тинчлик ишига киришингиз!...»** (*Бақара*, 208). Тафсир китобларида келтирилишича, оятдаги «ёппасига» сўзи барча инсонларнинг бирлашган ҳолда тинчлик йўлини тутишлари лозимилиги ва унинг барқарорлигини сақлашда қандай йўл билан бўлса ҳам ўз ҳиссаларини қўшиш зарурлигини билдиради.

Тинчлик инсониятга берилган неъматларнинг ичида имондан кейинги энг улуғ неъмат саналади. Бу ҳақида Муҳаммад (а.с.) шундай деганлар: **«Аллоҳдан афв ва тинчлик омонликни сўрангизлар, бирор кишига имондан кейин афв қилишилик ва тинчликдан афзалроқ неъмат берилгани йўқ».**

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Бақара сураси 126-оятида **«Эсланг, Иброҳим: «Эй, Раббим, буни (Маккани) тинчлик шахри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчилирига (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!»**, деб дуо қилганида аввало тинчлик, ундан кейин ризқ сўраш орқали дуо қилиш таълим берилмоқда. Бундан кўринадики, тинчлик-хотиржамлик ризқдан ҳам улуғроқ неъматдир.

Тинчликни қадрлаш ҳамда осойишта ҳаёт учун шукроналик уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ислом таълимотида масаланинг бу жиҳатига ҳам алоҳида эътибор берилгани Қуръони каримнинг «Наҳл» сураси 112-оятида **«Аллоҳ бир шаҳарни (Маккани) мисол келтирур: у тинч, сокин (шаҳар) эди, ҳар томондан ризқи кенгу мўл келиб турар эди. Бас, у (аҳолиси) Аллоҳнинг неъматига ношукурлик қилгач, Аллоҳ унга (аҳолисига) бу «хунарлари» сабабли очлик ва хавф либоси (балоси)ни «тотиши»га мажбур этди»**. Шукр қилиш орқали берилган неъматлар янада зиёда бўлар экан, уни асраб қолиш учун ушбу

неъматни эътироф этиш ва шукр қилиш муҳим омилдир. Инсон гўзал бир ҳолатда умр кечираётган бўлса унинг ўзи бу ҳолатни ўзгартирмагунича яъни, ношукурлик қилмагунича Яратган асло уларнинг неъматларини тўсиб қўймаслигини ояти карималарида айтиб ўтган.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар (а.с.) шундай дейдилар: «*Кимки, ўз уйида хавф-хатардан эмин ҳолда тонг оттирса ва ҳузурида бир кунлик озиғи бўлса, бас унга гўёки, дунё неъматлари тўлалигича ато қилинибди*».

Муқаддас манбалар орқали киши учун энг азиз неъмат бу – тинчлик экани билдирилмоқда. Аллоҳ тарафидан бандаларга ато этилган ушбу неъматга рахна солиш энг катта гуноҳдир.

Зоро, Пайғамбар (а.с.) ўз фаолиятларида доимо музокара, сулҳ билан тинчлик ёки мудофаа йўлини тутганлари ислом тарихидан ҳам маълум. Айниқса, «Худайбия сулҳи» деб ном олган тинчлик битимида уларнинг тинчликпарвар сиёsatлари яққол намоён бўлди. Мусулмонлар учун нокулай шарт-шароитлар асосида тузилган бу сулҳга саҳобийлар кескин қарши чиқсалар-да, Расулуллоҳ (а.с.) тинчликка эришиш ва қон тўқилишининг олдини олиш мақсадида ушбу ҳужжатга дарҳол имзо қўйдилар. Куръони каримда ҳам бу борада, «**Бордию, тинчликка мойил бўлсалар, бас, сен ҳам унга (тинчликка) мойил бўл ва Аллоҳга таваккул қил**», деб қаттиқ таъкидланган (*Анфол*, 61).

Дарҳақиқат, Худайбия сулҳи ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳар қандай жангдаги ғалабадан юқори туради. Зоро, бу сулҳ янги ислом динининг тинчликпарвар моҳиятини намоён этган эди. Пайғамбар (а.с.) ўзларининг зиёнларига бўлса ҳам тинчлик учун қанчалик жонкуяр эканлари маккаликларга ҳамда айрим мадиналик саҳобийларга сабоқ бўлди.

Кейинчалик эса, Пайғамбар (а.с.) Арабистон тарихида мисли кўрилмаган кучга эга бўлсалар-да, Маккани қон тўқмасдан тинч йўл билан эгаллаш йўлини тутганлари ҳам эътиборга молик. Ваҳоланки, Макка мушриклари неча йиллар давомида Расулуллоҳ (с.а.в.)га азият етказиб, уларга қарши чиқиб, кўплаб мусулмонларнинг умрига зомин бўлган эдилар. Расулуллоҳ (а.с.) шаҳарга киришдан олдин маккаликларга Абу Суфённинг ҳовлисига кириб олганлар, эшигини қулфлаб ўтирганлар, Масжид ал-Ҳаромга кириб олганларга омонлик берилишини кафолатладилар.

Маккага киргач эса, Расули Акрам шу вақтгача душманлик қилиб келган мушрикларни бир жойда тўплаб: «Эй, Курайш аҳли, сизларга мени қандай чора кўради, деб ўйлайсизлар?» Курайш деди: «Сахий

инсоннинг саховатли фарзандидан яхшиликнигина кутамиз». Шунда Расули Ақрам «Мен сизларга Юсуф (а.с.) ўз биродарлариға айтгани каби – **«Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ»**, (*Юсуф*, 12) – дейман. Кетаверинглар, ҳаммангиз озодсизлар», деб марҳамат қўрсацдилар. Ҳатто душманларга ҳам олижаноблик қўрсатиш, уларга кечиримли муносабатда бўлиш динимизнинг тинчликпарвар моҳиятини намоён этади. Зеро, ислом дини ҳар қандай шароитда жангга йўл қўймасликка, тинчликни асрашга катта эътибор берган. Пайғамбар (а.с.) сахобийларга доимо такрорлаб шундай деганлар: *«Қиёмат куни биринчи савол ноҳақ тўкилган қонлар тўғрисида бўлур»* (Имом Бухорий ривояти).

Тинчликни улуғ неъмат, деб эълон қилган динимизда бу йўлда нафақат амал, балки сўз билан ҳам зарар келтиришдан қайтарилиган. Пайғамбар (а.с.) *«Мусулмон киши шуки унинг тилидан ва қўлидан мусулмонлар озор чекмайдилар!»* деб марҳамат қилганлар. Зеро, сўз, яъни тилдан етадиган озор қўлдан етадиган заардан аввал зикр этилиши, қўл билан бошқаларнинг фақат бу дунёси – саломатлиги, оиласи, мулкига зарар етказиш мумкинлиги, тил билан эса инсонларни турли бузғунчи ғояларга тарғиб қилиш, кишиларни тўғри йўлдан чалғитиши орқали икки дунёсини барбод этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда айрим фирмә ва тоифаларнинг мусулмонман, деб турган аҳолининг ичидаги парокандалиқ, оиласида зиддиятларни келтириб чиқаришга уринишлари исломнинг асл моҳиятига бутунлай зиддир. Бу амалларни ислом номи билан боғлаш динимизга нисбатан тухматдир.

Ислом динида зўравонлик, экстремизм ва терроризмнинг ҳеч бир кўринишига, зулм қилиш, қўрқув солиш, тинч аҳолини ваҳимага тушириш, уларнинг моли ва жонига тажовуз қилишга асло йўл қўйилмайди. Инсон хуқуқлари, ҳаёти, дини, оиласи ва молини ҳимоя қилиш ҳам ислом таълимотининг асосини ташкил этади.

Пайғамбар (а.с.) шундай дейди: *«Биронтангиз, зинҳор ўз биродарига қурол билан ишора қилмасин (ўқтамасин), чунки, у билмайдики, шайтон унинг қўлини бузиши мумкин (яъни, унинг қалбига вассаса солиши орқали мусулмонга қаратма ўқ оттириши мумкин). Оқибатда эса у одам дўзах чоҳига қулайди»*.

Бир инсоннинг қони, обрўси ва молига тажовуз қилиш ислом динида ҳаром қилинган. Бу ҳақда Расулуллоҳ (а.с.)нинг видо ҳажида *«Эй одамлар»* деб бошланадиган ва бутун башариятга қаратилган қўйидаги гаплари тасдиқ бўла олади: *«Албатта, сизларнинг қонларингиз, молларингиз ва обруларингиз ўзларингиз учун худди шу*

*кунингиз, шу ойингиз ва шу шаҳрингиз каби ҳурматлидир. Шу ерда ҳозир бўлган киши ҳозир бўлмаганларга етказсин».* Ушбу сўзлар билан бутун инсоният ўзаро тинч-тотув яшашга, бошқаларга нисбатан адолат ва шафқатли бўлишга чақирилади. Зоро, инсон ҳаёти Яратган томонидан берилган буюк неъмат бўлиб у тинчлик мавжуд ерда қарор топади.

Юқоридаги мулоҳазалар якунида яна бир ҳолатни алоҳида қайд этиш лозим. Баъзи неъматларнинг шукури тилда «Худога шукур», дейиш билан адо этилса, айрим неъматларнинг шукурини амалий ҳаракатлар билан адо этиш талаб этилади. Тинчлик ана шундай амалий шукр талаб қиласиган неъматлардан бири.

## **2.2. Исломдаги ақидавий йўналишлар ва фикҳий мазҳаблар**

Ислом дини пайдо бўлганидан кейин Пайғамбар (а.с.) ижтимоий ҳаётда вужудга келадиган мусулмонларнинг барча саволларига фикҳий ва эътиқодий жиҳатдан жавоб бериб, уларга ислом моҳиятини тушунириб борганлар. У зотнинг вафотларидан кейин эса, саҳобийлар ижтимоий ҳаётдаги масалаларни Муҳаммад (а.с.)дан эшитган-кўрган билимлари асосида ҳал қилишга интилганлар.

Кейинчалик, ислом дини жуғрофий жиҳатдан турли минтақаларга тарқалди. Бу эса фикҳий ва эътиқодий масалаларда фикрий хилмасхилликка сабаб бўларди. Чунки, ислом дини кириб борган ўлкаларда илк мусулмонлар учун янги урф-одат ва анъаналар мавжуд бўлиб, улар Муҳаммад (а.с.) замонларида кузатилмаган ва ўз навбатида Қуръон ва ҳадисда ҳам ўз ечимини топмаган эди. Бу ҳолат мусулмон уламолари олдига ислом дини соғлигини саклаб қолиш, динни янги қабул қилган инсонларнинг турли саволларига шариатга хилоф бўлмаган тарзда жавоб бериш вазифасини қўярди.

Саҳобийлар, тобеийлар ва улардан кейинги мусулмонлар илгари кузатилмаган масалаларга ҳам Қуръон оятлари ва Пайғамбар (а.с.) суннатларига таянган ҳолда ечим топиб беришга ҳаракат қиласиганлар эди. Шунинг учун улар «Суннийлар» ёки «Аҳли сунна ва жамоа» номини олдилар.

«Аҳли сунна ва жамоа» вакиллари эътиқодий жиҳатдан ё мотуридийлик ёки ашъарийлик йўналишига эътиқод қиласиганлар. Юртимиз мусулмонлари мотуридия ақидасига эргашадилар. Гарчи мазкур йўналишлар бир-биридан муайян жиҳатлари билан фарқланса-да, бу икки таълимот вакиллари бир-бирларини ҳурмат қиласиганлар. Мотури-

дия ва ашъария таълимоти вакиллари эътиқодий масалаларда айрим ихтилофга борсалар-да, лекин бу ихтилофлар диндаги иккиламчи – фаръий масалаларга тегишлидир. Аникроқ қилиб айтганда, икки таълимот ўртасидаги ихтилофлар лафзий бўлиб, моҳият ва ҳақиқатда бири иккинчисини қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам икки таълимот вакиллари бир-бирини «адашган», «бидъатчи» ёки бошқа бир салбий ном билан атамайди.

Мотуридия ва ашъария ўртасидаги асосий фарқ имонга берилган таърифда кўзга ташланади. Мотуридияга кўра, имон (яъни кишининг мусулмон бўлиши) тил билан иқрор бўлиш ва дил билан тасдиқ этиш, яъни ишониш орқали юзага келади. Амал (яъни диний арконларни бажариш) эса имоннинг таркибиға киритилмайди.

Афсуски, ҳозирги кунда мутаассиб оқимларнинг намоз ўқимаган ёки бошқа диний амалларни бажармаган ёки катта гуноҳ содир этган кишилар имонига шубҳа билан қарашиб, уларни куфрда айблаш ҳолатлари кузатилмоқда. Имом Мотуридий томонидан асослаб берилган амалнинг имон таркибиға кирмаслиги ҳақидаги таълимот эса инсонлар ўртасида такfir фитнаси уруғини тарқатишига қаратилган ғояларга қарши етарлича асос вазифасини ўтайди.

Шунингдек, мутаассиб оқимлар конституциявий тузумлар ўрнатилган давлатларда яшаш, бундай ҳукуматга хизмат қилиш ва бўйсуниш мусулмончиликка хилоф деб ҳисоблаб, бундай тузумларни ағдариб ташлашга даъват қилишмоқда. Уларнинг сохта даъволарига кўра ҳукм, яъни қонун-қоидаларнинг жорий қилиш ҳуқуқи фақат Аллоҳда ва ҳукумат томонидан қонун-қоидаларнинг жорий этилиши ислом таълимотига зид, деб ҳисобланади. Ваҳоланки, дунёвий давлатчилик тамойиллари ҳам ислом таълимотига зид эмаслигини ҳозирги кунда дунёвий тараққиёт йўлини танлаган ва аҳолиси мусулмон мамлакатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мутаассиб гуруҳларнинг бундай қарашлари илк ислом даврида ҳам кузатилган бўлиб, ўшанда хорижийлар номи билан танилган бузғунчи оқим вакиллари «Ҳукм фақат Аллоҳни кидир», деб халифа Ҳазрати Али (р.а.)нинг қабул қилган қарорларини бекорга чиқармоқчи бўлганларида Ҳазрати Али (р.а.): «Ҳақ сўз билан ботил ирода қилинибди», яъни бузғунчилик ишларини дин номидан амалга ошириб, ўзларининг мудҳишилмишлари ва жиноятларини дин билан никобламоқчи бўлишибди, деган эканлар.

Ҳозирда ҳам ғараз мақсадларни кўзлаган мутаассиб оқимларнинг бундай фитнаси қўплаб бегуноҳ одамлар, айниқса аёллар ва норасида болаларнинг қони тўкилишига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, Пайғамбар

(а.с.) ҳадисларида «*Агар сизларга боши қора майиз сингари қоп-қора қул бошлиқ қилинган бўлса ҳам, унга қулоқ солинг ва итоат қилинг*», дейилади. «Ахли сунна ва жамоа» уламолари ҳам бу каби масалаларга диққат билан ёндашган ҳолда раҳбарга итоат этишни Аллоҳ ва унинг расулига итоат этишдан кейинги энг муҳим диний кўрсатма сифатида қабул қилганлар.

Кўриниб турибдики, Мотуридия ва ашъария таълимотлари, яъни «Ахли сунна ва жамоа» йўналиши эътиқод масаласида Пайғамбар (а.с.) ва у зотнинг саҳобийлари йўлини тутган бўлиб, бу йўл диний мутаассиблиқдан ҳоли тарзда ҳамда ҳар доим замон билан ҳамнафас ҳолда ривожланишда давом этмоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда дунё мусулмонларининг 90 фоиздан кўпроқ қисмини «Ахли сунна ва жамоа» йўналишига эътиқод қилувчилар ташкил этади.

Ислом динида «Ахли сунна ва жамоа»дан ташқари иккинчи йўналиш – «Шиа» йўналиши ҳам мавжуд бўлиб, у исломнинг илк даврида юзага келган диний-сиёсий йўналиш ҳисобланади. «Шиа» сўзи араб тилида «ёрдамчилар» ва «тарафдорлар» деган маънони англатади. Усмон (р.а.) вафотидан кейин мусулмонлар икки гурӯхга бўлиндилар: биринчи катта гурӯх «Шиату Али (Али тарафдорлари)» ва иккинчи гурӯх «Шиату Муовия (Муовия тарафдорлари)» деб номланди. Кўп вақт ўтмай «шиа» сўзи муайян бир маънони англатувчи номга айланди, яъни Али (р.а.), фарзандлари ва набираларининг ёрдамчиларига нисбатан ишлатиладиган бўлди. Шиалар шиалик, яъни ахли-байт (Муҳаммад (а.с.)нинг оила аъзолари)га тарафдорлик қилиш эътиқодини холис диний ақида, деб биладилар.

Шиалик оқимида қуйидаги ақида илгари сурилади:

Имомат, яъни пайғамбар Муҳаммад (а.с.) ўринbosарлиги ёки ислом давлати раҳбарлиги пайғамбар васиятига биноан фақатгина пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган Алиниңг эркак авлодларига хос бўлиб қолади.

Шиалар ақидасига биноан, «**Имомлар**» оддий инсонлар жумласидан бўлмай, қуйидаги хусусиятларга эга бўладилар:

*биринчидан*, фақат пайғамбарнинг қизи Фотимадан туғилган зотлар ва уларнинг болалари пайғамбар оиласи ҳисобланиб, имомлик ваколатининг ҳақиқий ва қонуний эгалариidlар;

*иккинчидан*, имом пайғамбар эмас. Аммо пайғамбар билан оддий инсонлар ўртасида туради;

*учинчидан*, имом ҳар қандай гуноҳдан пок бўлиб, ҳеч қачон гуноҳ ва хато қилиши мумкин эмас;

*тўртинчидан*, имом барча бўлиб ўтган ва қиёмат кунигача юз берадиган ишлардан илҳом орқали воқифдир;

*бешинчидан*, Қуръонни тафсир қилиш фақат имомга хосдир.

Шунинг учун шиалар имом суннийлар имоми (халифаси)дан фарқли ўлароқ биринчи муаллиф, ғайби билувчи пайғамбар билимларининг меросхўри бўлган зот ҳисобланади.

Шиалар асосий бешта фирмага: *кайсония, зайдия, имомия, исмоилия ва ғулувга кетган шиаларга бўлинади*. Бугунги кунда ислом оламида аҳли сунна ва жамоа мазҳабидаги мусулмонлар билан яшаб келаётган шиалар асосан икки групга бўлинади: *имомия* (исна-ашария, жаъфария) ва *зайдийлар*. Шиаларнинг мазкур икки групни ҳам эътиқод жиҳатдан бир мунча мўътадил ҳисобланади. Хусусан, зайдийлар Али (р.а.)ни бошқа саҳобийлардан афзал деб билса-да, у зотдан олдинги хулофои рошидунларнинг халифалигини эътироф қиладилар. Мутъа никоҳини суннийлар каби ҳаром, деб ҳисоблайдилар. Зайдийлар асосан Яманда яшайдилар. Имомия шиалари Эрон аҳолисининг учдан икки қисмини, Ироқ аҳолисининг ярмини, Ливандада бир неча юз минг кишини, Ҳиндистонда ва Озарбайжонда ҳам бир неча миллион кишини ташкил қиласди. Имомия шиаларининг ақидаси ҳам биз юқорида айтиб ўтган умумий шиаларнинг ақидаси бўлиб, яъни улар ҳам Али (р.а.)ни имом ва Пайғамбар (а.с.)нинг васийси деб имон келтиради, *васоят* у зотдан кейин фарзандларига ўтган, дейдилар. Имомия шиаларининг ичидан энг кўп сонлиси исна-ашария шиалари бўлиб, улар бугунги дунёнинг кўплаб мамлакатларида истиқомат қиласди. Бугунги кунда шиалар дейилганда айнан шулар назарда тутилади. Улар кетма-кет ўн иккита имомга имон келтирсанликлари учун «Исна-ашария» («Ўн иккичилар») деб ҳам номланган.

Исна-ашария фирмаси муайян баъзи бир ҳолатларни эътиборга олмаганда, имомия шиаларининг ичидан энг мўътадили ҳисобланади. Исна-ашарийлар ҳар қандай ровий ёки муҳаддисдан ривоят қилинган ҳадисларни қабул қилмайдилар. Балки улар қабул қилиши учун аҳли байт тарафидан, яъни асосан Али (р.а.)дан ривоят қилинган бўлиши керак. Мана шу нарса шиалар билан суннийларнинг ўртасида энг катта хилофлардан биридир.

Улар зулҳижжа ойининг ўн саккизига тўғри келадиган «Ғодир ал-хум» (гўёки Пайғамбар (а.с.) мана шу кунда Али (р.а.)га халифаликни васият қилган) кунини байрам қиласди. Улар бу кунни «Катта ҳайит» деб номлайдилар ҳамда бу кунда рўза тутишни таъкидлайдилар. Мухаррам ойининг ўнинчи куни азахонлик, дод-вой солиб

йиғлаш, турли расмлар чизиш ва кўксиларига уриб, юзларини тирнаш каби кўпгина ношаръий ишларни эътиқоди билан бажарадилар. Ўзлари муқаддас ҳисоблаган Карбало, Нажаф, Машҳад ва Кум шаҳарларини зиёрат қилган кишига улуғ савоблар ваъда қиласидилар.

Ҳозирда «Шиа» йўналишидаги мазҳабларга мусулмонларнинг тахминан 7,5 фоизи эргашадилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда шиаларнинг Адлия рўйхатидан ўтган бешта (иккитаси Самарқанд шаҳрида, учтаси Бухоро вилоятида) жаъфарий йўналишидаги масжид фаолият юритади. Тарихий манбаларда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида истиқомат қилувчи шиалар ўрта асрларда кўчиб келгани зикр қилинади.

**Фиқҳий мазҳаблар.** «Мазҳаб» (арабча – йўл) атамаси исломнинг бир неча соҳаларида кенг кўламда ишлатиладиган атама бўлиб, ижтимоий ва диний масалаларнинг ечимини фиқҳий қоидалар асосида ўзига хос тарзда ҳал қилиб берган йўналиш, таълимот, фиқҳий мактаб маъноларини англатади.

Даврлар ўтиши билан «Аҳли сунна ва жамоа» йўналиши бўйича турли фиқҳий мазҳаблар юзага келди. Унга кўра, мусулмонларнинг амал қилишлари учун ҳар томонлама қулай, енгил ва камчиликлардан холи бўлган мужтаҳидлар тутган йўлларига эҳтиёж сезилди. Пайғамбар (а.с.) ҳам ҳаётда дуч келинадиган масалалар хусусида тўхталиб: «*Аввало Аллоҳнинг китоби – Каломуллоҳга мурожсаат қилинг, унда нима дейилган бўлса, ана ўшанга амал қилинг, агар Қуръонда бирон масаланинг ечимини топа олмасангиз, у ҳолда мендан қолган суннатимга мурожсаат қилинг, ҳадисларимдан ҳам топмасангиз, саҳобийларим айтган гапларга эргашинг, чунки саҳобийларим йўлдаги йўлчи юлдузга ўхшайдилар*» деб, марҳамат қилганлар. Бу ўринда пайғамбарамизнинг бир неча минглаб саҳобийлари бўлганлиги маълум ва машҳур.

Мана шу ўринда мазҳаб тарафдорларининг фикрларига мурожаат этиш лозим бўлади. Демак, суннийликдаги мазҳабларнинг далил ва хужжатларга асосланган қарашлари мавжуд. Улар орасида деярли фарқлар бўлмаса-да, фақатгина баъзи ибодат ва муомалот (оила ва никоҳ, савдо-сотик)га оид масалаларда айрим жиҳатлар кўринади. Бу фарқлар, масалан, афзал ва жоиз деган нисбат билан ўлчанади. «Биз амал қилган мазҳаб афзал, бошқаси диндан адашган» дейишига ҳеч қандай асос йўқ. Булар ичидан тўрттаси суннийликнинг (ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий) асосий мазҳаблари сифатида мустаҳкам шаклланган бўлиб, уларнинг барчаси тўғри йўлдаги мазҳаблар ҳисобланади.

**Ҳанафийлик.** Мазҳаб асосчиси Абу Ҳанифа Нўймон ибн Собит бўлиб, «Имоми Аъзам» лақаби билан шуҳрат қозонган. У зот Куфа шаҳрида (699 –767) таваллуд топиб, ўша ерда вафот этган. Устози Шаъбийдан калом, ҳадис, тафсир, фикҳ илмларини мустаҳкам эгаллаб, айниқса фикҳ илмига катта қизиқиш билан қарайди. Абу Ҳанифа яшаган давр Умавийлар ва Аббосийлар сулоласининг давлат бошқаруви вақтларига тўғри келди. Абу Ҳанифа Қуръони карим, сунна, сахобийларнинг сўзлари, қиёс, истеҳсон, ижмо, урф каби фикҳий манба ва услубларга кўра ҳукм чиқарган. Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида тарқала бошлаб, нафақат Куфа, балки Ирок, Жазоир, Тунис, Марокаш, Индонезия, Малайзия, Эрон, Мовароуннахр, Хурросон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия ва бошқа мамлакатларга тезда тарқалиб улгурди. Ҳанафийлик мазҳабининг маҳаллий халқлар урф-одатлари, турмуш тарзига хурмат билан қарагани, ислом ҳуқуқининг асосий тамойилларига зид бўлмаган урф-одат ва анъаналарни эътироф этгани унинг кенг жуғрофий ўлкаларга тез суръатда тарқалишига замин яратган.

Бу мазҳаб дастлаб Аббосийлар, Сомонийлар, Корахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Мисрда Айюбийлар, Мамлуклар, шунингдек, Темурийлар, Бобурийлар, Шайбонийлар давлатлари ҳамда Усмонийлар империяси томонидан расмий мазҳаб сифатида қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ундан кенг кўламда фойдаланилди.

Ҳанафий мазҳаби Ирокнинг Куфа шаҳрида юзага келиб, Мовароуннахрнинг йирик шаҳарлари – Самарқанд ва Бухорода ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди. Мўътадиллиги, миллий урф-одатларга бағрикенглиги, турли минтақалардаги шарт-шароитларга мос келиши, исломга янгидан кириб келаётган маҳаллий аҳоли манфаатлари ҳимоячиси сифатида майдонга чиқаётгани ва бошқа омиллар туфайли ҳанафийлик кўплаб мусулмон мамлакатлари халқлари томонидан қабул қилинган. Ҳозирда мусулмонларнинг таҳминан 47 фоизи ҳанафий мазҳабига эргашадилар. Жумладан, юртимиз мусулмонларининг ҳам аксарияти айнан шу мазҳабга амал қиласи.

**Моликийлик.** Мазҳаб асосчиси Имом Молик ибн Анас (713–795) Мадинада туғилиб, ўша ерда вафот этган. У зот Мадина ҳуқуқий мактабига асосланиб суннийликдаги кенг тарқалган мазҳаблардан бири «моликий»ликка асос солди. Мужтаҳид олимнинг «Муватто» асари мазҳаб тамойилларини атрофлича қамраб олган. Кейинчалик ушбу асарга қатор шарҳлар ёзилган. Мазҳабга кўра, асосий манба сифатида

ҳадислар қамраб олинади. Шунинг учун мазҳаб тарафдорлари «аҳли ҳадис» деб ҳам аталади. Ҳанафийлик каби ушбу мазҳабда ҳам урғодатлар тан олинади. Ҳозирда моликий мазҳаби Миср, Фаластин, Судан, Сомали, Ливия, Тунис, Марокаш каби марказий ва Ғарбий Африка, Гамбия, Нигерия, Қувайт, Баҳрайн, Уммон ҳудудларида кенг тарқалган. Ҳозирда мусулмонларнинг тахминан 17 фоизи моликийлик мазҳабига эргашадилар.

**Шофеийлик.** Мазҳаб асосчиси Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Идрис Шофеийдир. Мужтаҳид олим (767–820) йилларда фаолият юритиб Мисрда вафот этган. У зот ўз даврида тарқалиб улгурган бошқа мазҳаб вакилларининг таълимотларини ҳам пухта ўзлаштира олди. Жумладан, Яман, Бағдод олимларидан, Мадинада моликий мазҳаби асосчиси Молик ибн Анасадан сабоқ олди. Шунингдек, Ироқ ва Куфа шаҳарларига келиб мазҳаб боши Абу Ҳанифанинг машхур шогирдларидан ҳам таълим олди. Ҳанафийлик таълимотини асосан Мұхаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан ўзлаштириди. Имом Шофеий асос солган шофеий мазҳаби VIII аср охири ва IX асрда деярли барча араб мусулмон мамлакатларига тарқалган. Бу мазҳаб қатор мамлакатлар томонидан расмий мазҳаблардан бири сифатида фойдаланилди. Ҳозирда мусулмонларнинг тахминан 27 фоизи шофеийлик мазҳабига эргашадилар.

**Ҳанбалийлик.** Мазҳаб асосчиси Имом Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Мұхаммад ибн Ҳанбалдир. Олим Бағдод шаҳрида милодий 780 йил таваллуд топиб, 855 йили ўша шаҳарда вафот этган. Имом Ҳанбал асос солган ҳанбалий мазҳаби асосан VIII аср охири ва IX аср ўрталарида тарқалса-да, фақат маълум ҳудудлар билангина чекланиб қолди. Унинг тарафдорлари Макка, Мадина ва бошқа баъзи араб мамлакатларида учрайди. Имом Ҳанбалнинг «Муснад» номли китобига жами қирқ мингдан зиёд ҳадислар киритилган. Ҳозирда мусулмонларнинг тахминан 1,5 фоизи ҳанбалийлик мазҳабига эргашадилар.

Бу тўрт фиқҳий мазҳабнинг ташкил топиши Пайғамбар (а.с.)дан кейин икки аср орасида ниҳоясига етди. Улар орасида баъзи бир-биридан фарқли жиҳатларнинг бўлиши табиий. Шундай бўлса-да, тўртала мазҳаб ҳам ҳақ йўлда ҳисобланади. Лекин инсон ҳар бир ишда бу мазҳабларнинг фақат биттасигагина эргашиши мумкин, яъни, бир масалада у мазҳабга кейингисида бошқасига амал қилиш дуруст эмас.

2005 йил 4–6 июнь кунлари Иорданиянинг Аммон шаҳрида «Ислом ҳақиқати ва унинг ҳозирги дунё ҳамжамиятида тутган ўрни» шиори остида бўлиб ўтган анжуман чиқарган қарорга кўра бугунги

кунда мусулмонлар «Аҳли сунна ва жамоа»нинг тўрт мазҳаби: ҳанифий, моликий, шофеий ва ҳанбалий, шунингдек, жаъфарий (имомия, исна-ашария), зайдия, ибодия ва зоҳирия мазҳабларига эргашувчиларнинг бирортасини «коғир» дейиш, қони, моли ва обрўсига тажовуз қилиш ҳаромлиги таъкидланган. Демак, шиалик эътиқодидаги санаб ўтилган мазҳаб вакиллари ҳам мусулмон деб эътироф этилади ва уларга нисбатан ҳам хайриҳоҳ муносабатда бўлиш талаб этилади.

### **2.3. Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилишнинг моҳияти ва шакллари**

Ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ҳаракатларнинг инсон онги ва қалбини эгаллаш мақсадида ҳар қандай разил йўллардан фойдаланиш ҳоллари авж олаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Бундай кучларнинг динимиз асосларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши, жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни гўёки, ислом дини кўрсатмаси ўлароқ содир этаётгани эса, уларнинг ҳар қандай қабих ишлардан ҳам қайтмаслигидан далолат беради.

Воқелик шуни қўрсатмоқдаки, улар Ер юзининг турли нуқтадаридан давлатга қарши тарғибот олиб бориш, жамият асосларини, мамлакатдаги тинчлик ва тартибни, мавжуд тузум ва бошқарув тизимини издан чиқаришда ҳам ислом дини ғояларини ғаразли талқин этиш услубидан фаол фойдаланмоқда.

Қуйида экстремистлар ўзларига байроқ қилиб олган баъзи ғоялар ва тамойиллар тизимли таҳлил қилиниб, уларнинг ислом таълимоти асосларига мутлақо зидлиги бирламчи манбалар – Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга таянган ҳолда очиб берилади.

«Такфир» (араб. «куфрда айблаш») – мусулмонни имонсизликда, коғирликда айблаш.

Ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳнинг ягоналиги, Пайғамбар Мұхаммад (а.с.) унинг элчиси эканига имон келтирган, ислом динига эътиқод қиласиган ҳар қандай киши мўмин ҳисобланади. Инсоннинг имонини ўлчаш, уни мусулмон ёки коғирлигини аниқлаш ҳуқуки ҳеч кимга берилмаган. Чунки имон инсон қалбида бўлади. Қалб эса, фақатгина Аллоҳнинг ҳукмидадир. Лекин бугунги кунда кўплаб диний-экстремистик гуруҳлар мусулмонларга «коғир» деб айб қўйиб, диндошларига қарши «жиҳод» эълон қилишгача бормоқда. Айрим радикал оқимларнинг ўз жамоатларидан четлашган, «хижрат» қилма-

ган, уларнинг наздида кофир ҳисобланган кишини кофир демайдиганларни «куфр»да айблаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Ваҳоланки, ислом таълимотига кўра, ширқдан ташқари ҳар қандай гуноҳ қилган инсон токи ўша гунохини ҳалол деб ҳисобламас экан, кофир бўлмайди. Мусулмонлар жамоасидан четлашиш эса, фақатгина исломни тарқ этиш (муртадлик)да намоён бўлишини инобатга оладиган бўлсак, экстремистларнинг ўз жамоаларидан чиқканларни кофирликда айблаши бутунлай асоссиз эканини англаш мумкин. Ҳадисда «*Кимки мўмин кишини «кофирсан» деб ҳақоратласа, гўёки унинг қонини тўкканчалик гуноҳ қилган бўлади*» дейилади. Яъни, ҳеч кимга мусулмон инсонни «кофир» деб ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилмаган.

«Хижрат» – арабча сўздан олинган «бир жойдан иккинчи жойга кўчиш», «тарқ қилиш» маъноларини англатади. Истилоҳда эса, Расулуллоҳ (а.с.) даврларида мусулмонларнинг Ҳабашистонга, кейинчалик Расулуллоҳ (а.с.) ўзлари бошчилигида Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади.

Пайғамбар Мұхаммад (а.с.) Макка шаҳрида яшар эканлар чиройли хулқи ва инсонларга бўлган гўзал муомаласи билан ён-атрофдаги кишиларнинг ислом динига қизиқишига сабаб бўлаётганди. Бу эса, ўз навбатида, мусулмонлар сонининг кун сайин ортиб боришига туртки бўлар эди. Бундан ташвишга тушган Макка мушриклари Расулуллоҳ (а.с.)га суиқасд уюштириб, у кишини қатл қилишга келишадилар. Бироқ Аллоҳ таоло ўз Расулини фитнадан огоҳ қилиб, Мадинага ҳижрат қилиш тўғрисида ваҳий юборади.

Уламолар ҳижрат тўғрисида нозил бўлган оят ва ҳадисларни ўрганиб, уни икки қисмга ажратадилар. Биринчиси, юқорида таъкидланган «кўчиш» маъносидаги ҳижрат бўлиб, бу борада Қуръони каримнинг «Нисо» (97 ва 100-оятлар), «Анфол» (74-оят), «Наҳл» (41 ва 110-оятлар) сураларида баён қилинган. Мазкур манбаларда исломга нисбатан қарши турган маккаликлар томонидан мусулмонларни турли кўринишда азоблаш ҳамда уларни ўз танлаган эътиқодларидан воз кечтириш мақсадида жисмоний ва бошқа кўринишлардаги зўрликлар ишлатилгани баён қилиниб, динлари ва ҳаётларини саклаш мақсадида тинч ва осойишта жойга кўчиш буюрилгани таъкидланади.

Иккинчиси, инсон гуноҳлардан ўзини тийиши ва уларни тарқ қилиши тушунилади. Бу борада Имом Бухорийдан ривоят қилинган қўйидаги ҳадиси шариф далил сифатида келтирилади. Расулуллоҳ (а.с.): «*Тили ва қўлидан бошқалар азият чекмаган киши ҳақиқий*

мусулмондир. Аллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ҳижрат қилган инсон ҳақиқий муҳожирдир», дейилган. Уламоларни ҳадисни шархлаб, ундаги «хижрат»дан мурод «тарк қилишдир», деганлар. Бошқа бир ҳадисда эса, Умму Анас (р.а.) Расулуллоҳ (а.с.)дан насиҳат қилишни сўрайдилар. Шунда, Расулуллоҳ (а.с.): «Гуноҳлардан тийилгин, ўша ҳижратнинг энг каттасидир. Фарзларга риоя қилгин, ўша жиҳоднинг энг афзалидир. Зикрни кўпайтиргин, Қиёмат куни Аллоҳ таолонинг ҳузурига борганингда унга энг маҳбуб амал шу бўлади», дейилган. Лекин ислом дини ақидасини бузиб, ғараз мақсадларни кўзлаётган кимсалар «хижрат қилмаганлар кофир, конституцион тузумлар ўрнатилган юртларда яшамоқлик куфр» деган соҳта даъво билан ватандошларимизни алдаб, хориждаги жанггарилар тайёрланадиган марказларга жўнатишга харакат қилмоқда. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш ислом таълимотига зиддир.

«Жиҳод» (араб. «ғайрат қилиш», «кучни ишга солиш») сўзи «жидду-жаҳд», яъни инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, харакат қилишини англатади.

Истилоҳда эса, ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади. Жумладан, «жиҳод» – Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ йўлида инсоннинг ўз ҳавои-нафсига қарши кураши, ота-онага хизмат қилиши ва ёвга қарши курашишдек турлари мавжуд. Бунга далил сифатида И мом Термизийдан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда «Жиҳоднинг афзали Аллоҳ таолонинг розилигини деб инсон ўз ҳавои нафсига қарши жиҳод қилишидир», дейилган. Шунингдек, И мом Бухорий ва И мом Муслим ривоят қилган: «Бир киши Расулуллоҳ (а.с.)га: «Мен жиҳодда қатнашмоқчиман», деди. У зот: «Ота-онанг борми?» деб сўрадилар. «Ҳа», деб жавоб қилди у киши. Шунда Пайғамбар (а.с.): «Уларнинг ҳузурига бориб, ёрдам бер, хизматини қил! Шу сенинг жиҳодингдир», дедилар». Шундан келиб чиқсан ҳолда, мусулмон уламолар фарзанднинг ота-онага қилган хизмати ҳам жиҳодни олиб бордилар. Чунки, у киши мушриклар етказган азоб ва уқубат-

Расулуллоҳ (а.с.) Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, Мадинада мусулмонлар учун олдин бўлмаган нарса, яъни давлат юзага келди. Пайғамбар Муҳаммад (а.с.) исломнинг илк – Макка даврида юқорида келтирилган, жанг маъноси бўлмаган жиҳодни олиб бордилар. Чунки, у киши мушриклар етказган азоб ва уқубат-

ларга сабр қилиш ҳамда улар билан фақат Куръон асосида мужодала – баҳс юритиш, тўғри йўлга даъват қилишга буюрилган эдилар.

Мусулмонлар Мадинага кўчиб ўтганларидан сўнг, Аллоҳ таоло мусулмонларга мушриклардан ўзларини мудофаа қилишга рухсат берди. Бу борада Куръони каримда: «(Мушриклар томонидан) ҳужумга учраётган (мусулмон)ларга, мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилишга) изн берилди. Албатта, Аллоҳ уларга ёрдам беришга қодирдир» (Ҳаж, 39), деб таъкидланади. Шу аснода, ҳижратнинг иккинчи йилида Ватан мудофааси мазмунидаги жиҳодга изн берилди.

Ушбу оят тафсирида айтилишича, «Пайғамбаримиз Мұхаммад (а.с.) Маккада турган йиллари мусулмонлар мушрик ва кофиirlардан ҳар қанча азият чеккан, турли тазийқ ва зулму истибдодларга дучор бўлсалар ҳам, Аллоҳ куфр ва ширк аҳлига қарши жанг қилишга рухсат бермаган, балки улар билан муроса қилишга, сабр-қаноатли бўлишга буюрилганлар».

Ислом тарихини чуқур ўрганган мутахассис олимлар, тарихда юз берган ҳар қандай жиҳод, фақатгина, мудофаа мақсадида олиб борилганини таъкидлайдилар. Хусусан, сурялийк машхур уламо Рамазон Бутий: «Мусулмонлар томонидан олиб борилган жиҳод ёв бостириб келганда ҳимоя мақсадида ёки душман тарафдан ҳужум хавфи пайдо бўлганда унга қарши бориш учунгина юз берганини кўриш мумкин», деб таъкидлаган. Лекин, бугунги кунда ғаразли мақсадларни қўзлаб, олиб борилаётган урушларнинг «жиҳод» деб аталаётгани мутлақо асосиздир.

Ислом таълимотига кўра, мусулмон бўлмаганлар билан ўзаро мулоқот ўрнатишнинг асли тинчлик орқалидир. Мудофаа мазмуини англатувчи жиҳод жорий қилинишининг асл сабаби ҳам «доимий тинчлик»ни сақлаб туриш бўлган. Шундай экан, тинчликнинг бир учқуни сезилган заҳотиёқ уни қабул қилиш ҳар бир мусулмондан талаб қилинади. «Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!» (Анфол, 61).

Бу борада ислом тарихида юз берган Ҳудайбия сулҳида Пайғамбаримиз (а.с.)нинг тинчлик учун кўрсатган марҳаматлари маълум ва машхурдир. Унда Расули Акрам ракиб томоннинг жуда ноўрин талабларига ҳам кўниб, сулҳ, тинчлик ўрнатишга қанчалик интилиш кераклигини мусулмонларга таълим бериб кетдилар. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мудофаа маъносидаги жиҳод халқаро шартномалар ва давлатлар ўртасида ўзаро келишувлар бўлмаган бир ҳолатда юз берган. Бугун эса буларнинг барчаси ўзгарди. Деярли

барча давлатлар халқаро ташкилотлар аъзолари бўлиб, турли ҳамкорлик шартномалари, битим ва протоколларга имзо қўйганлар. Шундай экан, бутун дунё давлатлари ислом таълимотларига кўра «муоҳад» яъни «ахд қилинганд» тоифасига киради. Расулуллоҳ (а.с.) бир ҳадисларида шундай дедилар: «*Ким муоҳадни ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди қирқ ишлик масофадан таралиб туради*» (Имом Бухорий ривояти).

Шариатга оид матнларни ўрганиш шуни қўрсатадики, Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи ҳар қандай эзгу иш жиҳод ҳисобланади (масалан, ота-онага яхшилик қилиш, нафсига қарши курашиш ва бошқа.). Ҳадисларда «*У иккиси (яъни ота-она) борасида (хизматларини қилиб) жиҳод қилгин*» (Имом Бухорий ривояти), «*Мужсоҳид – Аллоҳ таоло итоатида ўз нафсига қарши курашган кишиидир*» (Имом Аҳмад ривояти) дейилади. Шундай экан, ислом жаннатта киришга ҳамда дўзахдан узоқлашишга сабаб бўлувчи Аллоҳ таолонинг зикри, инсонларга яхшилик қилиш, Ер юзида осуда ҳаёт кечириш каби жиҳодга, яъни саъй-ҳаракат қилишга чақиради. Зоро, асл жиҳод ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи солиҳ амалларни ўз ичига олади. Бинобарин, ҳалол тижорат, ишлаб чиқариш ёки қудук қазиб сув чиқариш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир. Демак, тинчликка рахна солиш, жамият равнақи ва халқ фаровонлигига зиён етказиш, фитна қўзғатиш, тоифаларга бўлиниб ўзаро низолашиш умуман ислом динига ёт ҳолат ҳисобланади. Буни қуйидаги Қуръон оятларида ҳам кўриш мумкин: «**Аллоҳ фасод (бузғунчилик)-ни ёқтирмайди**» (*Бақара*, 205). «**Уларга: «Ер юзида фасод (бузғунчилик) қилмангиз!»** – дейилса, улар: «**Албатта, биз чин ислоҳчилармиз**», – дейдилар. **Огоҳ бўлингки, айнан уларнинг ўzlари бузғунчилардир, лекин (буни ўzlари) сезмайдилар**» (*Бақара*, 11-12). «**Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир**» (*Бақара*, 191).

«*Шаҳид*» – (араб. «гувоҳлик», «ҳозир бўлмоқ») ушбу даражага эришган инсонларга жаннат ёки қўплаб яхшиликлар башорат қилинганига фаришталар гувоҳ, яъни шоҳид бўлгани сабабли, айнан ушбу сўз ишлатилган.

Уламолар наздида, шаҳид дейилганда Аллоҳ таоло йўлида душман билан бўлган жангда Ватани, дини, оиласи, миллати шаънини ҳимоя қила туриб вафот этган инсон назарда тутилади. Аммо инсон Ватан сарҳадлари, миллат шаънини ҳимоя қилиш учун эмас, балки мол-давлат тўплаш, ўзидан ном қолдириш каби дунёвий нарсаларни қасд қилган бўлса, бу тоифа кишилар шаҳид ҳисобланмайди.

Шунингдек, баъзи инсонлар борки, бу дунёда қўпчиликка нафи тегадиган хайрли ишлар қиласи ва қорин (ички) касаллиги, чўкиш, куйиш каби сабаблар билан вафот этадилар. Улар кишилар наздида оддий инсондек туюлса-да, Расулуллоҳ (а.с.) ўз ҳадисларида зикр қилганларидек, Аллоҳ наздида шаҳидлар мақомида бўлади. Демак, шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, ислом дини нуқтаи назарида шаҳидлик ҳам мусулмон кишининг ихлос-у эътиқоди, хайрли амали ҳамда мусибатларга сабр-тоқати эвазига Аллоҳ томонидан бериладиган мукофотдир.

Афсуски, бугунги кунда баъзи кимсалар ўзини портлатиш билан гўё «шаҳидлик» мақомига сазовор бўлишга интилмоқда. Аслида мусулмон одамнинг ўзини ўзи ўлдириши, айниқса, ўзини портлатиб юбориши гўёки «дин йўлида» деб эълон қилинса-да, шаҳид деб ҳисобланмай, балки «ўз жонига суиқасд» деб баҳоланади. Шунингдек, уларнинг бу ғайриинсоний ҳаракатлари туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда.

Куръони каримда эса бу борада **«Ўзларингизни ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир»** (*Niso*, 29) дейилган бўлса, яна бир оятда **«Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир»** деб, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш ҳам қаттиқ қораланган. Ҳадиси қудсийда **«Бандам ўзини ўзи ўлдириб, унга берган умримга шукур қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жсаннатни абадий ҳаром қилдим»** дейилган. Демак, ислом таълимоти бундай ҳолатларни кескин қоралайди.

**Мазҳабсизлик.** Бугунги кунда мутаассиб оқимлар томонидан илгари сурилаётган ғоялардан яна бири бу – мазҳабсизлик ғояси бўлиб, у ислом дини моҳиятини тўғри тушунишга хавф solaётган хатарли омиллардан биридир. Мутаассиб гуруҳларнинг мафкурасига кўра, фикхий мазҳаблар ишлаб чиқсан категориялар шариатни тўғри тушуниш методологияси сифатида тан олинмай, тўғридан-тўғри шариат аҳкомларини амалга татбиқ этиш энг тўғри йўл, деб ҳисобланади.

Мантиқан мушоҳада қилиб кўрилса, мазҳабсизлик ғояси ўтган минглаб олимларнинг қилган меҳнатларини, қанча машаққат билан умр сарфлаб яратилган ноёб манбаларни бекорга чиқаради. Асрлар давомида барча мусулмонлар амал қилиб келган анъаналар нотўғри, шунча мусулмон адашган экан, деган холосага олиб келади. Энг аянчлиси, мусулмонларни бирлаштириб, жамлаб турган тўғри йўлга птур етказади. Бунинг натижасида эса, мусулмонлар орасида ўзаро

парокандалик, бекарорлик ва тараққиётда тўхташ юзага келади. Бундай даъват мазҳаблар моҳияти ва қийматини умуман билмасликдан келиб чиқади. Гарчи аҳли сунна ва жамоада мазҳаблар тўртта бўлса ҳам, улар ягона аҳли сунна ва жамоанинг йўналишлари сифатида эътибор қилинади ва мусулмон умматини жамлайди, бирлаштиради. Зеро, Пайғамбар (а.с.) шундай марҳамат қиладилар: «*Аллоҳ умматимни бирор залолатга жамламас*». Яна бир ҳадисда «*Мусулмонлар яшии деб билган нарса Аллоҳнинг ҳузурида ҳам яшиидир*», – дейилган.

Маълумки, Пайғамбар (а.с.) ҳаётларининг охирига келиб, турли қабила ва юрт одамлари исломни қабул қила бошладилар. Янги мусулмонлар олдида йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида нозил бўлган оятларни ўрганиш, шариат аҳкомларини ўз ҳаётларига татбиқ қилиш вазифаси тураг эди. Табиийки, ёш саҳобийлар ўзларидан катталардан, янги мусулмонлар эса, аввалги мусулмонлардан шаръий масалаларни ўргана бошладилар.

Ислом дини дунё бўйлаб, турли минтақаларда тарқалгач, турли араб бўлмаган халқлар ҳам мусулмон бўлдилар. Табиийки, улар ўзларига Куръони карим ва Пайғамбар (а.с.) суннатларидан шариат аҳкомларини чиқариб, тартибга солиш имконига эга эмас эдилар.

Шундай қилиб, жамиятда аста-секин кишиларга диний ҳукмларни ўргатадиган, уларнинг саволларига жавоб бера оладиган, муайян илмларга эга инсонларга эҳтиёж тобора ортиб борди.

Шу тариқа турли диёрларда олимлар етишиб чиқа бошладилар. Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеий ва Имом Аҳмадлар бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган тўрт фиқхий мазҳабга асос солдилар. Улар ибодатлар ва бошқа барча масалаларни Қуръони карим ва ҳадиси шарифга кўра маълум қоидаларга солиб чиқдилар. Манбанинг бойлиги ва Расулуллоҳ (а.с.)нинг айрим вақтларда бир амални турлича бажарганлари, бир масала бўйича турлича тасарруфлари ҳақидаги ҳадис ва хабарлар, ривоятлар бу олимларнинг ишларида ҳам маълум жузъий фарқларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, турли минтақалардаги шароитларнинг турличалиги, шариат масалаларида табиий тафовутларнинг юзага келишига асос бўлди. Масалан, шофеий мазҳабида таҳоратдан сўнг юз-қўлни артмаслик афзал бўлса, ҳанафий мазҳабида артиш афзалдир. Демак, мазҳаблар тарқалган ҳудудлардаги иқлим шароити ҳам эътиборга олинган. Бинобарин, Расулуллоҳ (а.с.)дан икки ҳолатни ҳам тасдиқловчи ривоятлар етиб келган.

Юқорида зикр этилганидек, жузъий масалаларда ихтилоф қилингани билан, тўрт сунний мазҳабда исломнинг асосий масалалари

бўйича ихтилофлар йўқ. Чунки ҳар бир мазҳаб асосчиси ўз сўзларини ишончли далиллар билан исботлаган.

Асрлар давомида мусулмонлар тўрт мазҳаб – ҳанафий, моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларидан бирига амал қилиб келганлар. Ҳеч ким буни инкор қилмаган. Қанча-қанча фақих, муҳаддис, мутакаллим ва мутасаввиф олимлар ҳам шу мазҳабларга асосан ўз фаолиятларини олиб бордилар.

Мазҳабсизлик ғояси ўзида миллатни ортга тортиш, қолоқликка маҳкум қилиш хавфини мужассамлайди, тараққиётдан четга чиқиб қолишга олиб келади. Чунки турли соҳа мутахассислари мазҳабсизлик ғоясига эргашса, унда умрларини ўз касбий маҳоратларини юксалтириш, изланишлар олиб боришга эмас, балки тубсиз диний масалаларга ўралашиб қолиб, ҳаётларини фақат ўзлари учун диний ҳукмлар чиқаришга сарфлайдилар. Оқибатда турли соҳалардаги мутахассислар ҳам тез ўзгарувчан глобаллашув шароитида ўзларини йўқотиб қўядилар: яхши мутахассис ҳам, етук уламо ҳам бўла олмайдилар. Натижада мутахассислардан мосуво бўлиб бориши баробарида, миллат аввалида турғунлик, кейинчалик эса танazzулга юз тутади. Аслида эса ҳар бир мутахассиснинг ўз соҳасини пухта эгаллаши, жамият ривожи учун хизмат қилиши, одамлар оғирини енгил қилиши, юрт равнақига ҳисса қўшиши ҳам улуғ ибодатdir.

## 2.4. Ватанга хизмат – юксак фазилат

Ватан остоидан, инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқдан бошланади. Инсон туғилиб ўсан уйи, маҳалласи, қишлоғи, яқинлари – Ватан деган тушунчада мужассам. Унга муҳаббат эса, аввало, отона, ака-ука, ёру биродарларга ҳурмат-эҳтиромда намоён бўлади. Улгайиб вояга етган заминга меҳрли бўлиш, унинг ҳар бир ҳовуч тупроғини муқаддас, деб билиш, кўзга тўтиёдек суртиш, бир умр фарзандлик садоқати билан яшаш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

Маълумки, инсон жамият ҳаётининг ҳаракатлантирувчи қучи сифатида кўп қиррали фаолият юритар экан, ана шу жараён давомида турли кишилар, гуруҳлар билан алоқада бўлади. Ҳар қандай алоқадорлик эса инсонга қандайдир мажбурият юклайди, ана шу мажбуриятни бажариш бурчини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, бурч, оддий қилиб айтганда, адo этилиши, бажарилиши шарт бўлган вазифа, мажбуриятdir.

Ички ишлар идоралари ходимлари зиммаларига юклатилган бурчлари, вазифалари ва мажбуриятларини амалга оширишлари конституциявий-хуқуқий нормалар билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида кўрсатилишича: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатлариға хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Шунингдек, 15-моддасида давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари белгиланган.

Халқимизда «Ватанин севмоқ имондандир», дейилади. Ушбу ҳикмат мазмунидан элимиз инсон ўзи туғилиб ўсган юрти, ёрдўстлари ва яқинлари билан боғловчи Ватанини севиши, уни ардоқлаш турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни имон даражасига кўтариб, ватанпарварлик фазилатининг муқаддас маъно-мазмун ва юксак мақомга эгалигини эътироф этганини англаш мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятларини бошлашлари, яъни касбга киришишлари, ўз халқига, эл-юртига садоқат билан хизмат қилиш учун қасамёд қиладилар. Қасамёд тантанали равишда яқинлари, кенг жамоатчилик иштирокида қабул этилади. Чунки Қасамёд халқ ишончининг рамзидир. Шу боис у халқ, Ватан, яқинларининг ишончини оқлаш масъулияти ҳамдир. Бундай шарафга юксак маънавият соҳибларигина лойиқ.

Сўнгги нафаси қолгунча она Ватанинг содик фарзанди бўлиб қолишга, хизматнинг бутун машаққату қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга Ватан ва аждодлар руҳи олдида қасамёд қилиш учун сафланган йигит ва қизлар ушлаб турган замонавий қуролга боқар экансиз, Ўзбекистон Президентининг «Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан қурашиш» ҳақидаги даъватлари хотирангизга келади. Зоро, миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни теран англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишишни орзу қилган ҳар бир йигит-қиз учун соғлом фикр, бунёдкор ғоя ва теран маърифат энг қудратли қурол бўлмоғи лозим. Улар қабул қилган қасамёдларига садоқат рамзи сифатида қарайдилар.

Барча даврлар, эллар ва динларда Ватан ҳимояси муқаддас амаллардан саналган. Ислом динида ҳам ватанин севиши, уни ардоқлашга даъват этилади. Мусулмон инсон Ватанин севмоқликни Пайғамбар (а.с.)нинг суннати сифатида қабул қилмоғи лозим бўлади. Чунки, Муҳаммад (а.с.) Маккадан Мадинага кўчиб кетишга мажбур бўлганинида ўз туғилиб ўсган она шахри – Маккага қараб: «Сен қандоқ пок

*Ватансан! Мен сени севаман. Агар қавмим мени сендан чиқарманида, сендан бошқа ерни маскан туттасдим», деганлар. Бу эса, ҳар бир мусулмон учун ибрат бўлмоғи лозим.*

Ватанин севиш – инсон ўз оиласи, яқинлари, туғилиб ўсган диёрининг ҳар бир қарич ерини ардоклаши, унинг тинчлиги ва хавфсизлигини ҳар қандай ёвуз кучлар тажовузидан жони эвазига бўлсада, асраб-авайлашида намоён бўлади. Ислом таълимотида бу масаланинг ўта муҳим эканини Ватан ҳимояси ҳар бир мўмин учун фарзи айн, яъни барчага баробар буюрилган амал, даражасига кўтарилиганидан ҳам билиш мумкин. Демак, Ватанин ҳимоя қилиш, душманлардан асраш, равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарзdir. Шу билан бирга, Ватанга хиёнат қилиш, айниқса, уруш шароитида юртни ҳимоясиз ташлаб қўйиш оғир гуноҳлардан экани муқаддас манбаларда таъкидланади.

Ислом динида Ватан ва ватанпарварликнинг юксак қадрланишини, шунингдек, Ватанга хиёнат қилиш ислом моҳиятига зид эканини Пайғамбаримиз (а.с.) ҳадислари ва уламоларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди.

Кунларнинг бирида Мұхаммад (а.с.) сахобийларга ким мусулмонларни кечаси қўриқлаб чиқади деб сўрадилар ва ортидан «*Кечалари Аллоҳдан қўрқиб ёш тўккан кўзни ва Аллоҳ йўлида тунлари посбонлик қилиб, мижжса қоқмаган кўзни дўзах ўти куйдирмайди*» (Имом Термизий ривояти), дея эл-юрт ҳимоясида туришнинг улуғ савоб эканини айтиб ўтганлар.

Шу билан бирга, Пайғамбаримиз (а.с.) юрт сарҳадлари дахлсизлиги, аҳолининг тинч-тотув яشاши ва мол-мулкининг омонда бўлишини таъминлаш мақсадида кечаю кундуз хизматда турган кишилар фаолиятини юксак ибодат эканлигини ҳам таъкидлаганлар. Жумладан, Имом Табаронийдан ривоят қилинган бир ҳадисда Мұхаммад (а.с.): «*Аллоҳ таоло розилиги йўлида бир кун чегара ҳудудида посбонлик қилиши, бир ой кечалари ибодат қилиб, кундузлари нафл рўза тутшишдан афзалдир*», деб бундай хизмат учун Яратган томонидан улкан мукофотлар берилишини ваъда қилганлар.

Эл-юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган соҳа ходимлари ўз раҳбарларининг қонун доирасидаги топшириклиги масъулият билан ёндашиши ҳам ислом динининг муқаддас кўрсатмаси хисобланади. Бу ҳақида Аллоҳ таоло ўз каломида «**Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!**» (*Niso*, 59), деб марҳамат қиласи.

Ватан хавфсизлиги, тинчлиги, халқнинг осуда яшashi учун холис хизмат қилган кишига бериладиган ажру савоб битмас-туганмас экани ҳақида ҳам ҳадисларда таъкидланади. Жумладан, Имом Аҳмад (р.а.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Расулуллоҳ (а.с.): «Тўрт кишига вафотидан кейин ҳам ажр оқиб келаверади: Аллоҳ йўлида чегарада посбонлик қилган ҳолда вафот топган кишининг ажри, бир илмни ўргатган ва у илмга амал қилганларнинг ўргатувчи-га борадиган ажри, молидан садақаи жория қилган кишининг ажри, ортидан дуо қилувчи солиҳ фарзанд қолдирган кишининг ажри», дедилар». Демак, Ватан тинчлиги, эл-юрт омонлиги учун холис хизмат қилган ва шу йўлда жон фидо қилган шахсларга вафотидан кейин ҳам тўхтамай савоб бориб турар экан.

Шу билан бирга Ватан хизмати, эл-юрт тинчлиги учун масъул бўла туриб бу вазифага совуққонлик билан қараган, душман хавф солиб турган паллада ўзини четга тортган кимсаларга нисбатан улкан гуноҳ бўлиши ҳам оят ва ҳадисларда айтиб ўтилган. Хоссатан, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда ҳам шундай дейилади: «Расулуллоҳ (а.с.): «Ҳалокатга элтувчи еттита гуноҳдан четланинглар!» – дедилар. Саҳобийлар: «Ё Расулуллоҳ, улар қайси-лар?» – деб сўраши. Ул зот: «Аллоҳга ширк келтириши, сеҳргарлик қилиши, Аллоҳ ўлдирмоқни ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдириши, суд-хўрлик қилиши, етимнинг молини ейши, ёв бостириб кирган вақтда орқага қочиши ҳамда иффатли, мўмина, бузуқлик нималигини билмайдиган аёлни фоҳишаликда айблаши», деб жавоб бердилар».

Бу ҳадисдан кўринадики, Ватанга душман бостириб келиш хавф бўлиб турган маҳалда ўзини ортга тортиш, турли баҳоналар билан эл-юрт мудофаасидан ўзини олиб қочиш ислом динида энг оғир гуноҳлардан ҳисобланади. Бунга 630 йилда мусулмонлар яшаб турган Мадина шаҳрига румликлар ҳужум қилиш хавфи бўлиб турган паллада айrim кишиларнинг ҳеч бир сабабсиз Ватан мудофаасидан ўзини олиб қочгани воқеаси ёрқин мисол бўла олади. Бу жанг тарих китобларига «Табук» номи билан киритилган. Ўшанда румликларнинг Мадинага ҳужум қилиши ҳақидаги совуқ хабар етиб келганида, Пайғамбар (а.с.) балоғатга етган ва мудофаага ярайдиган ҳар бир эркак кишини умумий сафарбарликка чақирдилар. Аммо айrim саҳобийлар Ватан ҳимоясига қодир бўла туриб, бу чақириқдан ўзларини олиб қочдилар.

Мұхаммад (а.с.) Табук сафаридан қайтгач, жангга бормаган кишилар у зотнинг ҳузурларига келиб турли сабабларни узр сифатида

келтирдилар. Каъб ибн Молик, Мирора ибн Рабиъ, Ҳилол ибн Умайя исмли уч саҳобий эса, ҳеч қандай узр ва сабабсиз Ватан ҳимоясига чиқмаганларини баён қилдилар. Бундан жуда ғазабланган Пайғамбар (а.с.) мазкур уч кишининг ҳукмини Аллоҳга ҳавола қилиб, умматга сабоқ бўлсин деб, уларга нисбатан жуда оғир жазо тайин қилдилар. Жазо шундан иборат эдики, мусулмонларнинг бирортаси ҳам улар билан гаплашмас, улар билан бир даврада ўтирмас ва ҳаттоки, ўз аёллари ҳам ўзини улардан четда тутиши керак эди.

Бу жазо муддати 50 кун давом этди ва уч саҳобий қилган ишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, астойдил тавба қилдилар. Сўнгра Қуръони каримдаги: «**Яна** (жангга чиқмай) **қолган уч кишининг ҳам** (тавбаларини қабул этди). **Уларга Ер** (шунча) **кенглиги билан торлик қилган, диллари танг бўлган ва Аллоҳ** (ғазаби)дан **фақат ўзига қочиш билан паноҳ топилишини билишгандан сўнгра улар тавба қилувчилардан бўлишлари учун Аллоҳ тавбаларини қабул этди. Албатта, Аллоҳ Таввоб** (тавбаларни қабул этувчи) **ва Раҳим** (рахмли)дир» (*Тавба, 118*) оятларини нозил қилиш билан уларнинг гуноҳлари кечирилди.

Демак, бундан англаш мумкинки, киши Ватан мудофааси учун чақирилганида қодир бўла туриб чақириққа жавоб бермаслиги Яратган хузурида ҳам энг қабиҳ амаллар қаторида ёзиб қўйилар экан.

Шундай экан, юрт тинчлиги ва хавфсизлигига хавф-хатар туғилган паллада, айниқса, ҳар бир фуқаронинг хушёр бўлиши, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажармоғи талаб этилади.

Оят ва ҳадисларда айтилганидек, Ватанга хиёнат қилиш гуноҳи фақат ёв бостириб келганда жанг майдонини ташлаб қочишида намоён бўлмайди. Ватан, элу юрт тинчлиги ва хавфсизлигига масъул бўлган шахс юклатилган вазифасига бепарволик қилиши ва бу ишининг салбий оқибатини ўйламаслиги натижасида бекарорлик келиб чиқшига сабаб бўлса ҳам динимиз таълимотларига кўра юқорида кўрсатилган гуноҳга шерик бўлади.

Айни пайтда, ислом дини тинчлик замонида ҳам тинчлик ва хавфсизлик масаласига катта эътибор қаратишга даъват этади.

Соҳа ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларини энг юқори даражада бажариш учун тинмай изланиши, замонавий фан-технология ютуқларини эгаллаши, тинчлик даврида ҳам ўз устида мунтазам ишлиши, жисмоний қувватини ошириб бормоғи талаб этилади. Чунки, ислом дини мусулмонларнинг ҳар томонлама мукаммал бўлиши учун ўз устида изланишга чақиради. Мухаммад (а.с.)нинг:

*«Кучли мусулмон заиф мусулмонга қараганда Аллоҳга маҳбуброқдир»* деган ҳадислари ҳам бу фикримизга кучли далил бўла олади.

Шундай экан, эл-юрт тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўз олдига мақсад қилган ҳар бир шахс билмоғи лозимки, жонажон Ватани, азиз ота-онаси, қадрдан ака-укаси, опа-синглиси ва оиласи-нинг ҳимояси йўлида бел боғлаб, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажариши ва белгиланган тартиб, қонун-қоидаларга бўйсуниши нафақат унинг фуқаролик бурчи, балки муқаддас динимизнинг ҳам кўрсатмаси ҳисобланади.

## **2.5. Дунёвийлик – даҳрийлик эмас**

Бугунги кунда турли мутаассиб кучлар томонидан динийлик ва дунёвийлик нисбати бузиб талқин қилиниб, давлатга оид дунёвий ишлардан динни ажратиш даҳрий давлат ва ахлоқсиз жамият қуришга олиб келиши ҳақидаги нохолис дъявлар тобора янграмоқда.

Мусулмонларнинг дунёвий давлатда яшаши мумкинлиги илмий исботлар талаб қилмайди. Нафақат Ғарбий Европа, Америка ва Австралиядаги аҳолининг озчилигини ташкил қилувчи мусулмонларнинг тажрибаси, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардан иборат Туркия ёки Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат беради.

Аммо айрим гуруҳларнинг сиёsat билан дин ажралмасдир, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ислом дини қоидалари асосида бошқарилиши керак, деган демократия тамойилларига зид дъявлари бирёклама кайфиятларни уйғотмоқда.

Виждон эркинлиги барча демократик тизимларда кафолатланган ва Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Халқаро декларацияда белгилаб қўйилган муҳим ҳуқуқ ҳисобланади. Демократик назария, бир томондан, динни ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга уринишлардан сақлайди, бошқа томондан эса, уни мутаассиблик ва жаҳолатда айблашлардан ҳимоя қиласди.

Дунёвийлик тушунчасини динийлик билан мутлақ қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Маълум маънода, динийлик ва дунёвийлик бирбирига мутлақ зид тушунчалар ҳам эмас. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қарашиб усуслариидир. Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили туради. Диндорлик эса қалбга боғлиқ ҳиссиёт. Уни барчага мажбурий сингдириш ҳеч қайси диний тамойилларга тўғри келмайди.

Миллий ва диний қадриятлар халқлар маънавий қиёфасининг муҳим қисмларидан ҳисобланади. Бугунги кунда диний қадриятларни эътиборга олмай иш тутиш мумкин эмаслигини Президент Ислом Каримов ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади: «Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди».

Биз барпо этаётган дунёвий, демократик жамият, ҳуқуқий давлатдаги давлат ва дин муносабатлари мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида очиқ-ойдин ифода этилган. Унга кўра, республикамизда дин давлатдан ажратилган. Бироқ, диннинг давлатдан ажратилганлиги унинг жамиятдан ажратилганини билдирамайди. Дунёвийлик тушунчасида диний ташкилотларни сиёсий ташкилотлардан ажратиш ва динийликни барча учун асос қилиб олмаслик тамойили туради. Бас, шундай экан, бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида курилиши ягона мақбул йўлдир. Давлатни идора қилиш, жамиятни бошқариш – сиёсий раҳбарларнинг вазифаси. Диний раҳбарлар эса кишиларни ислом қадриятлари асосида тарбиялаб, жамият олдида турган вазифаларни амалга оширишда, ҳаётий масалаларни ҳал этишда ҳукumat раҳбарларига ёрдам беришлари, давлат қонунлари ва сиёсатини ҳурмат қилишлари лозим. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт». Шундагина жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаёти мутаносиб ривожланади.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳиятини белгиловчи қатор тамойиллар қаторига қуидагилар киради:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини teng кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни кўзлаган давлатимизнинг динга муносабатини белгиловчи юқоридаги мезон ва тамоилиларидан иккита асосий хулоса чиқариш мумкин:

*биринчидан*, Ўзбекистонда дин барча қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинади;

*иккинчидан*, соф диний эҳтиёжларни қондиришдан ташқарида бўлган ҳар қандай ғаразли мақсадга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимиёт учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонунчиликка алашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз».

Дунёвий, демократик давлатнинг динга нисбатан сиёсати принципларига кўра диндорлар ва диний ташкилотлар қўйидаги талабларга риоя қилишлари лозим:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш;

– диндан давлатга ва конституциявий тузумга қарши тарғибот олиб бориш, миллатлараро адоват уйғотиш ва фуқаролараро тотувликни бузиш воситаси сифатида фойдаланмаслик;

– диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтиши;

– диний ўқув юртларида диний фанлардан дарс берувчи шахсларнинг диний таълим олган бўлишлари ва диний ташкилот раҳбарияти рухсати билангина ўқитиш ишларини олиб боришлари;

– диндорлардан мажбурий пул йиғими йиғмаслик ва тўловлар ундиринаслек;

– тақиқланган ғоялар, адабиётлар, кино, фото ва видео маҳсулотларни тарқатмаслик ҳамда ишлаб чиқармаслик.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига кўра диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракатларини тузиш тақиқланади.

Шунингдек, диндорлар ва диний ташкилотларнинг давлат ҳокимиёти ва бошқарув органларига тазиқ ўтказиши; яширин диний фаолият билан шуғулланиши; давлат рўйхатидан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши; диний ташкилотлар хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодининг рўйхатга олиниши; диний ташкилотлар хизматчиларининг ҳокимиёт вакиллик органлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олиниши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунининг «Виждан эркинлиги» номли З-моддасига кўра эса «Фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодат қилишда диний расм-руsumлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди». Шунингдек, мазкур қонун талабига кўра, расмий хужжатларда (масалан, фуқаро паспортида) фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб ҳуқуqlари чекланмайди ёки уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмайди.

Ислом динида ҳам дунёвийликка динга ёт тушунча сифатида қаралмайди. Ислом динининг муқаддас манбалари – Куръони карим ва Суннада ҳам дунёвийлик тамойиллари асосини кўришимиз мумкин. Жумладан, Бақара сураси 201-оятда: **Яна шундайлари ҳам борки, улар: «Эй, Рabbимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик** (ато этгин) **ва бизни дўзах азобидан асрагин», – дейдилар.**

Ушбу оятда инсон бу дунёси учун ҳам ҳаракат қилиши кераклигига ишора қилинади. Куръони каримдаги «Динда (динга) зўрлаш йўқ» (Бақара, 256) оятида дунёвийликнинг энг муҳим асосларидан бири мужассам бўлган. Унга кўра диний ҳаёт тарзини мажбурлаб сингдириш мумкин эмасдир. Ушбу оятнинг сўнгги нозил бўлган оятлардан экани ҳам алоҳида эътиборга молик.

Шунингдек, «Қасас» сурасида баён қилинган: **«Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин»** (Қасас, 77) оятини Абу Лайс Самарқандий «Бу дунёдаги насибангни тарк қилмагин, токи охиратинг учун хизмат қилсин» дея тафсир қилган.

Мазкур оятда охиратни ёдда тутган ҳолда, бу дунё неъматларини ҳам ёддан чиқарма, дейилмоқда. Чунки сенда тананг, оиланг, қўни-қўшни, жамият, қўл остингдагиларнинг ҳаққи бор, ҳар бир ҳақдорнинг ҳаққини адо этиш керак.

Шулар билан бирга Куръонда кўплаб оятлар дунёвий масалаларни ҳам қамраб олади. Мисол тариқасида Куръондаги энг катта оят ҳам айнан дунёвий масала – қарз олди-бердиси ҳақидаги «Бақара» сурасининг 282-ояти бўлиб, унда масаланинг моддий ва маънавий жихатларига эътибор қаратилган.

Пайғамбар (а.с.)нинг ҳаёт йўлини ўрганган уламолар у ердаги дунёвийликка эътибор берилган нуқталарни алоҳида ўрганганлар.

Мұхаммад (а.с.) диний масалаларда барчага муаллим бўлсалар ҳам, дунёвий масалаларда мутахассисларнинг фикрларига қулоқ тутардилар. У зот (а.с.) Мадинада ансорларга қарата «Менга ўз фикрингизни билдиринг, эй одамлар!» деб маслаҳат сўраб, мурожаат қилганлари тарих китобларида қайд этилган. Расулуллоҳ (а.с.) Бадр куни ўз қўшинлари учун қароргоҳ танлаганларида эса саҳобий Ҳубоб ибн Мунзир ҳарбий мутахассис сифатида у зотга мурожаат қилиб: «Ё Расулуллоҳ, бу ерга тушишни Аллоҳ сизга буюриб, биз бу ердан бошқа жойга тушишга ҳақли эмасмизми ёки бу шахсий фикр, ҳарбий режава уруш услубими?» деб сўради. «Йўқ, бу шахсий фикр, ҳарбий режава уруш услуби», деб жавоб бердилар. «Ё Расулуллоҳ, ундан бўлса, бу маъқул жой эмас», деб бошқа стратегик қулай жойни кўрсатиб, ўз фикрини асослаб берди. «Тўғри маслаҳат бердинг», деб Расулуллоҳ (а.с.) унинг фикрини қабул қилдилар. Ушбу ҳарбий стратегия жангда катта устунликни таъминлади. Ҳудди шунга ўхшаш «хурмо чанглатиш» ҳақидаги ҳадисда ҳам Пайғамбар (а.с.) дунёвий ишларида соҳа мутахассисларининг фикрига таяниш кераклигига ишора қилганлар. Жумладан, Имом Муслимнинг Анас (р.а.)дан келтирган ривоятда:

*«Пайғамбар (а.с.) хурмо чанглатаетган бир қавмнинг олдидан ўтаётуб, буни қилмасангиз ҳам бўлаверади, дедилар. Ўша иили ҳосил ёмон чиқди. У зот яна ўшаларнинг олдиларидан ўтаётуб, хурмоингизга нима бўлди? деб сўрадилар. Улар, шундоқ, шундоқ, деган эдингиз... деб айтдилар. У зот: «Сизлар дунёнгиз ишини билувчироқсиз» дедилар.*

Яъники, Расулуллоҳнинг баъзи гаплари динийдан кўра тажрибавий асосга ёки шахсий раъйга таянган. Шунинг учун ҳам саҳобийлар Расулуллоҳнинг баъзи амрлари борасида «шахсий фикрингизми ёки Аллоҳнинг амрими?» деб сўрар эдилар. Шахсий фикрлари бўлса, унда баъзан бошқа афзалроғини таклиф эта олардилар. Расулуллоҳ (а.с.) бундай таклифни қабул қилиб, ўз раъйларини ўзгартирап эдилар. Яъни шу дунёвий соҳа мутахассисининг фикрини албатта инобатга олар эдилар.

Расулуллоҳ (а.с.)дан кейин чаҳорёрлар ҳам шу йўлни тутдилар. Ҳазрати Умар (р.а.) «Сизларнинг яхшингиз у дунё ва бу дунё учун ҳаракат қилганингиздир» деб алоҳида таъкидлаган. У зот масжидда эртаю-кеч ибодат билан машғул бўлган ёшларни таёқ билан уриб ҳайдаб, дунёвий иш билан шуғулланишга чақиргани ривоятларда машхурдир. Али (р.а.) эса «Бу дунё учун абадий яшайдигандек, охиратинг учун эртага вафот этадигандек ҳаракат қил», деб марҳамат қилган.

Динийлик ва дунёвийлик ҳақида сўз борганда, давлатчилик мавзусини ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас. Уламоларнинг қайд этишларича, исломда диний давлат тушунчаси Пайғамбар (а.с.) давридагина жорий бўлган. Аммо, шу билан бирга, Пайғамбар (а.с.) Мадина гурӯҳи тозига тузган Мадина саҳифаси (замонавий тилда Мадина конституцияси)да дунёвий давлатчиликнинг муҳим жиҳатларини кўриш мумкин. Набий (а.с.) 52 моддадан иборат тузган «Мадина саҳифаси»да муҳожирлар, ансорлар (Абс ва Хазраж қабилалари), аҳли китоб (яхудий қабилалар) ва бошқа тоифаларнинг барчаси учун тенг ҳуқуқ, мажбурият ва жазо чоралари белгиланган эди. Ушбу «Саҳифа» Мадинада яшовчи турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро тинч-тотув яшашларини таъминлашга қаратилган эди. «Саҳифа»да эски урф-одат ва анъаналар эътироф этилди, барча тоифаларнинг дини, келиб чиқишидан қатъи назар тенглиги кўрсатиб ўтилди, ички ва ташқи хавфсизлик ҳамда ҳамкорлик масалалари қайд этилди. Шулар билан бирга сиёсий ташкилотнинг тамомила янги кўринишдаги тамойиллари ишлаб чиқилди: ташқи душманга қарши бирдамликда ҳаракатланиш ва жамоанинг (шахар аҳолисининг) барча вакилларини бирдек ҳимоя қилиш, ҳар қандай жиноятчини яккалаб қўйиш, яъни унинг уруғ ва қабиласи ҳимоясидан ажратилиши туфайли қабилалараро низоларга барҳам берилиши, барча аҳоли ягона халқ (уммат) деб қаралиши ва бошқа.

«Саҳифа»нинг 25-банди Мадина аҳолисига диний қарашлар ва эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган эди. Унда: **Бану Авғ яхудийлари мўминлар билан бир** (жамоат) умматдир. **Яхудийларнинг ўз дини, мусулмонларнинг ўз дини бор.** «Саҳифа»нинг кейинги бандларида бошқа яхудий уруғларига Бану Авға татбиқ этилган ҳуқуқлар татбиқ этилиши айтилади.

«Саҳифа»да фуқаролик, яъни бир давлатнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлиш имконияти ҳам ёритилган эди. Яъни дини, қабиласи, уруғидан қатъи назар бир давлат ҳокимияти остида фуқаролик таъминланиши, уларнинг барчаси ўз динини сақлаган ҳолда бир жамиятга бирлашиши «Саҳифа»нинг 1, 2, 25-35 ва бошқа бандларида қайд этилди. «Саҳифа»да барча тоифалар давлатнинг таркибий қисмини ташкил этувчи унсурлар сифатида эътиборга олиниб, улар ўзаро ёрдам олиш-бериш, ватан ҳимоясида ҳамкорлик қилиш каби ҳуқуқлар белгиланди. Кўриниб турибдики, Расулуллоҳ (а.с.) бу хужжатда мусулмонлар ва бошқа дин вакиллари ўртасидаги муносабатни фуқаролик асосига қурдилар. Мадина ва унинг атрофида яшовчи барча

учун тенг бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар кўрсатилган «Саҳифа» тарафлар томониданadolatli деб топилди, уларнинг ҳаммасини қониктириди ва тезда имзо билан тасдиқланди. Натижада турли диний, сиёсий қарашларга эга бўлган инсонларнинг бир давлат ҳокимияти остида тенг ҳуқуқли бўлиб яшашлари «Мадина саҳифаси»да кафолатланди.

Ҳозирги замонавий давлатлар ҳам ўз пойдеворини эътиқодий тамойиллар эмас, балки фуқаролик негизига қурадилар. Юқорида келтирилганидек, «Мадина саҳифаси»да ҳам деярли шундай тамойиллар назарда тутилган эди. Пайғамбар (а.с.)нинг жамият қурилиши ва давлат бошқарувига оид тузган илк ҳужжат – «Саҳифа»да ҳам кўриб турганимиздек дунёвийлик тамойили етакчилик қиласди. Ушбу ҳужжатга биноан Мадина аҳолисининг ҳеч бир вакилига диний ақидаларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаган, фуқаролик ҳақ-ҳуқуqlari диний мансублик нуқтаи назаридан белгиланмаган. Ҳатто-ки, турли эътиқодий қарашларга эга Мадина аҳолисига ҳам бир халқ деб қаралган.

Пайғамбар (а.с.) вафот этаётганларида ҳам ўринларига бошқарувни амалга оширадиган халифани тайинлаб кетмадилар, балки мусулмонлар ихтиёрига қолдирдилар. Яъни, давлатнинг кейинги раҳбарларини сайлаш жараёнлари диний шаклда амалга ошмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам Абу Бакр Сиддик (р.а.) раҳбар этиб сайланганларида бошқарув ишида хато қилишлари мумкинлигини эътиборга олиб, саҳобийлардан уларни тўғрилаб туришни, тўғри иш қилсалар уларни қўллаб-куватлашни сўраганлари ривоятларда машҳур. Ислом дини таълимотида давлат сиёсий тузилмасининг муайян шакли кўрсатилмаган. Фақатгина умумий тамойиллар белгиланган. Уламолар бу тамойиллар 4 та эканини айтадилар: тенглик, эркинлик,adolat ва машварат. Ушбу тамойиллар ўрнатилса, давлат қандай шаклга эга эканидан қатъи назар, у ислом динига мувофиқ келади.

Давлат бошқарув тизими ўз диний қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши Пайғамбар (а.с.)дан сўнг бошқарган 4 халифа (*хулафоърошидун*) даврида яққол намоён бўла бошланган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, халифа Умар (634–644) давридан бошлаб, давлат бошлиғи *амир ал-муъминин* – мўминлар амири деб атала бошлади. Ана шу даврнинг ўзидаёқ давлат ахлоқ ва диннинг уйғун ҳолда дунёвий тус ола бошлади. Турли вазирликлар шаклида девонлар тузилди, давлатда вазифалар тақсимоти амалга оширилди. Бу девонлар асосан дунёвий мақсадлар юзасидан барпо этилган эди: почта, қўшин, муҳрдорлик, ишчилар девонлари ва бошқалар. Пайғамбар (а.с.)дан

кейинги даврда диний масалалар бўйича жамоатчилик фикрини халифалар эмас, балки айнан мусулмон уламолари ва факихлар шакллантирганлар, халифаларга мутлақ диний раҳнамо сифатида қаралмаган. Чунончи, ҳанафийлик-мотуридийлик анъанасига кўра ҳам соф диний теократик давлатчилик ислом дини таълимотларига зид ҳисобланади. Аллома Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафийя» асарида келтирилишича, сахих ҳадисда халифалик Пайғамбар (а.с.)дан кейин ўттиз йил, ундан кейин подшолик ва амирликлар бўлиши башорат қилинган. Али (р.а.) вафоти билан ушбу ўттиз йил тугал бўлди. Муовия ва ундан кейингилар халифа эмас, балки подшо ва амирлар бўлдилар. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, айрим халифалар даврида сиёсий ва диний бошқарувни жамлашга бўлган ҳаракатлар турли муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, аббосий халифа Маъмуннинг (813–833 й. бошқарган) мўътазилия диний таълимотини давлат мафкурасига айлантириб жамиятга мажбурлаб сингдиришга қаратилган ҳаракатлари тезда муваффақиятсизликка учраб, ҳозирга қадар ислом уламолари томонидан қораланиб келади.

Бугунги кунда айрим бузғунчи кучлар томонидан замонавий дунёвий қонунчилик асосида ҳаёт кечириш мусулмонлар учун мақбул эмаслиги ҳақида сохта даъволар тарқатилмоқда. Ваҳоланки, дунёвий қонунлар ҳақида ислом уламоларининг фикрларини қўйидагича умумлаштириш мумкин: замонавий жамият талабларига мувофиқ чиқарилган қонунлар шариатга зид келмаса, ундей қонунлар шариатдандир. Зеро, ҳар бир шариат инсон манфаати учун юборилган, жамиятларнинг ўз манфаатларини кўзлаб чиқарган қоидалари гарчи шариатдан олинмаган бўлса-да, лекин шариатга зид келмаса улар ҳам шариатга мувофиқ (шаръий) ҳисобланаверади.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, ислом динида дунёвийликка динсизлик сифатида баҳо берилмаган. Дунёвий ишлар шахс ва жамият манфаатини кўзлар экан улар дин таълимотларида доим қўллаб-қувватлаган. Дин дунёвий ишларнинг маънавий жиҳатларини тартибга солиб турган. Масалан, бу ишнинг савобли ёки савобсизлиги, маънавий жиҳатдан мумкин ёки мумкин эмаслиги каби. Умуман олганда демократик тизимларнинг конституциявий нормаларида давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар масаласидаги икки жиҳат яққол ажралиб туради:

– дин жамиятда инсонпарварлик рухиятининг шакланишида юксак маънавият булоғи, бекёс ахлоқий тарбия манбаи, инсонларни ҳалоллик, поклик каби фазилатларга ундовчи қадрият сифатида эътироф этилади;

– диндан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, диний омилдан фойдаланиб сиёсатга аралашиш, ҳокимиятга интилиш каби ҳолатлар ман этилади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш босқичида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмади. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган уринишлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳаракатларнинг аниқ қўринишлари сифатида ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли оқимларнинг фаолиятида кўриш мумкин.

Дунёвийлик тамойили мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни билан хуқуқий кафолатланган. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли – дунёвий демократик йўл. Дин ахлоқий тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга вазифани бажаради. Бироқ динни сиёсий мақсадлар учун ниқоб қилиб олиш, диний давлат барпо этиш дунёвий қадриятларга асосланган конституциямиз ва амалдаги қонунларимизга зиддир. Халқимиз диний эътиқодни чуқур ҳурмат қилган ҳолда дунёвий тараққиёт йўлидан бормоқда.

Минг йиллар давомида ислом дини тамойилларига содик ҳолда яшаб келаётган халқимиз гўзал фазилатларни тўлалигича ҳаёти, урфодат ва анъаналарига сингдириб олган. Халқимизнинг урф-одат ва асрий анъаналарини ўзида акс эттирган республикамиз қонунчилигига кимнинг қандай эътиқодга эга бўлиш-бўлмаслиги унинг виждонаига ҳавола этилади. Лекин ҳавола этилаётган эътиқод қонунга хилоф бўлмаслиги шарт.

## **2.6. Кишиларни мутаассиб шахслар томонидан психологик таъсирга солаётган омиллар**

Бугунги кунда дин омилиниң сиёсийлашуви қатор норасмий оқим ва ўналишларнинг фаолиятларида янада яққол намоён бўлмоқда. Бу эса фуқароларнинг диний оқимлар таъсирига тушишларига сабаб бўлмоқда. Турли ҳуқуқий ва маънавий тадбирларнинг амалга оширилиши бевосита фуқароларнинг норасмий диний оқимларга тушиб қолишидан қисман ҳимоя қилмоқда. Аммо фан ва технологиянинг жадал ривожланиши турли оқимлар фаолияти такомиллашувига ҳам олиб келмоқда. Улар нафақат турли ғоявий тарғиботлар билан чекланиб қолмасдан, балки инсон руҳиятига турли усул ва воситалар

ёрдамида таъсир этишга алоҳида аҳамият қаратмоқдалар. Бу эса бевосита ички ишлар ходимларига қатор масъулияtlар юклайди. Улардан:

- фуқаролар билан мулоқот қилишнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўзлаштириш;
- фуқароларнинг кайфияти ва йўналганликлари (шахснинг бирор ҳодиса ёки нарсани баҳолашида маълум меъёр ёки қадриятнинг устунлик қилиши)ни аниқлай олиш;
- психологик ёрдам асосларини билиш;
- фуқароларнинг психологик қиёфасини яратা олиш;
- муаммоли вазиятларда мулоқот ва руҳий таъсир усулларини қўллай олиш ва бошқа.

Бу ўринда “мутаассиблик” тушунчасига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Илмий психологик энциклопедияда мутаассибликка берилган шундай таъриф учрайди: «мутаассиблик – одамнинг ўз фаолияти ва муомаласида намоён бўлувчи турли муқобилларни рад этиб, муайян фикрни ҳимоя қилишга интилишидир». Мутаассиблик руҳий ҳодиса сифатида керагидан ортиқ саъй-ҳаракат, ғайрат, астойдиллик, ўз (ҳаммадан қўпроқ эктремал, диний ёки сиёсий) қарашларининг тўғрилигига кўр-кўrona ишонч билан тавсифланади. Шуни аниқ англаш керакки, ҳар қандай мутаассиб террорчи дегани эмас, бироқ аксарият террорчилар – ўтакетган мутаассиблардир. Соддалаштирилган ҳолда мутаассибликни *гоявий, сиёсий ва ватанпарварлик* руҳидаги ва диний мутаассибликка ажратиш қабул қилинган. Бугунги даврда мутаассибликнинг юқорида келтирилган турлари ичida энг хатарлиси – диний мутаассиблик ҳисобланади.

*Гоявий мутаассиблик* ғоянинг ғалабаси учун ўзини қурбон қилишга тайёрликка асосланади. Ер думалоқ деган ғоядан воз кечмасдан худди шундай мутаассиб бўлган инквизиция гулханида ёнган Жордано Бруно ғоявий мутаассиб бўлган. Ғоялар турли хил бўлиши мумкин, бироқ мутаассиблик, унинг фавқулоддалигига ишонч тарикасида, психологик жиҳатдан ҳар доим ягонадир.

Шунга эътибор қаратиш керакки, мутаассиблар, одатда, ўзларига ихлос қўйишларини, уларнинг ортидан боришларини яхши кўришади. Чунки улар, энг аввало, ўз ҳаёт фаолиятида манфаатпаст одамлардек фикр-мулоҳаза юритмайдилар, бу эса ҳар доим одамларни ўзига жалб қиласди.

*Сиёсий мутаассиблик* сиёсий тизим, тартиб, ҳокимият белгилаб берган ўз сиёсий мақсад ва қарашларининг устунлигини ҳимоя қила-

ди ва улар учун қурбонлик талаб қиласи (масалан, «Буюк Германия» учун, «демократиянинг ғалабаси» учун ва ш.к.). Сиёсий мутаассиблик ва у билан боғлиқ бўлган терроризмнинг ҳокимият учун ва аксинча, ҳокимиятни сақлаб қолиш учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борган курашларидан қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Сиёсий мутаассибликнинг психологик манбаларида ҳар доим ҳокимиятга орзумандлик, қандай қилиб бўлмасин, одамларни бўйсундиришга интилиш яшириниб ётади. Шунинг учун ҳам энг кўзга кўринган мутаассиб сиёсатчилар ҳар доим у ёки бу даражада террорчилик усулларига мурожаат қилганлар ва пировард натижада жуда кўп ҳолларда ўzlари террор қурбонига айланганлар.

*Ватанпарварлик (миллатчилик) руҳидаги мутаассиблик* ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг охирги даражаси сифатида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, одатда, шовинизмда ўз аксини топади. Бу тушунча французча миллатчиликнинг сўнгги шакли, миллий устунликни тарғиб қилиш, бир миллат манфаатларининг бошқа барча миллатлар манфаатларига қарши қўйилиши, миллий «мағрурлик»ни кенг тарқатиш, миллий адоват ва нафратни аланга олдириш; ҳарбий кучларга умид боғлаб, керагидан ортиқ нодонликкача бўлган ватанпарварликни англатувчи *chauvinisme* сўзидан келиб чиқсан.

Диний мутаассиблик тарихан мутаассибликнинг дастлабки шакли сифатида унинг бошқа турлари орасида ўзига хос ўрин тутади. У яширин равища ҳар қандай дин таркибида бўлади, муайян тарихий шароитларда ривожланиши ва ўзининг ижтимоий-сиёсий мақсадларига эришиш воситаси сифатида турли диний ва сиёсий гуруҳлар томонидан қўлланилиши мумкин. Моҳиятан, диний мутаассиблик – бу диний дунёқарашининг ўзига хос талқини ва диний идрок қилишнинг алоҳида усулидир. Диний мутаассибликнинг юқори даражадаги хавфлилиги шундан иборатки, у диндорлар онги ва хулқ-атворини манипуляция (бошқа шахс томонидан бирор шахснинг бошқарилиши, назорат қилиниши) қилиш омили сифатида қўлланилиши мумкин.

Профилактика инспекторлари диний мутаассиб шахслар билан ишлаш жараёнида мuloқotнинг психологик жиҳатлари ҳақида билимларга эга бўлишлари талаб этилади. Маълумки, мuloқotнинг қатор вазифалари мавжуд. Инсоннинг мақсади, фикри, муносабати ва дунёқараши айнан мuloқотда яққол намоён бўлиши учун мутахассислар мuloқот масаласига катта эътибор қаратадилар. Мuloқот жараёнида қўйидаги қоидаларга аҳамият бериш зарур:

– Сұхбатдошнинг исми билан мурожаат этиш;

- Унга имкон қадар яқинроқ масофада туриш (60–75 см);
- «Нима учун?», «Нима сабабдан?» каби очик саволлардан мунтазам фойдаланиш;
- Сұхбатдош билан бошни олдинга бироз қуи ҳолатда ушлаб, құллар очик ва самимият билан сұхбатлашиш.

Юқорида таъкидланганидек, диний оқимлар аязолари орасида ёшлар, аёллар күпчиликни ташкил қиласы. Шу сабабдан айнан ёшлар ва аёлларға алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Қолаверса, ишсизлар, ўз қатъий фикрига ва мақсадига эга бўлмаган ёшлар билан фаол ишлаш талаб этилади.

Шунингдек, профилактика инспекторлари маҳаллаларда ташкил этилган турли тўгаракларга ёшларни жалб этишда фаол қатнашиши, назорат қилишда кўмак бериши зарур. Маҳалла ҳудудида жойлашган мактаб, мактабгача таълим муассасаси ва бошқа ташкилотлар билан доимий алоқада бўлиш талаб этилади. Диний оқимлар ўз фаолиятларини айнан назоратсиз, ўзаро келишмовчиликларга эга ва муносабатлари суст бўлган қаровсиз ҳудудларга эътибор қаратадилар. У ерда бемалол фаолият юритиб бориш мумкин бўлади. Маҳалла фуқароларининг диний йўналганлиги, диний онгини доимий ўрганиб бориш маҳалладаги мавжуд ижтимоий босим ва келгусида маҳаллада содир бўлиши мумкин бўлган вазиятларни башорат қилиш имконини беради.

Маълумки, маҳаллада диний оқимларга кириш хавфи юқори бўлган фуқаролар ҳам учрайди. Бундай фуқаролар билан ишлашда профилактика инспектори фуқаронинг яқинлари (оиласи, дўстлари, қўшнилари) билан ҳамкорликда ишлаши самарали бўлади.

Эътиқод қилишда дастлаб эшитиш, сўнг ишониш, сўнгра текшириш ва нихоят эътиқод қилиш даражасига етиб борилади. Диний оқим аязоларининг бошқалардан ажратилиб қўйилиши қўйидаги икки хил ҳолатни юзага келтириши мумкин:

1) Агар ўз вақтида аниқланиб, тушунтириш ишлари етарли даражада олиб борилса, фуқаро яна тўғри йўлга киради;

2) Агар кеч аниқланиб, тушунтириш ишлари жазолаш ва қўрқитиш билан олиб борилса, бу фуқароларда «ўз эътиқодини янада кучайтириш» ёки «гуноҳларидан покланиш» кўринишида акс этиши мумкин. Шу сабабли, ходимнинг доимо фуқаролар ичida фаолият юритиши шартдир.

Ходим фуқаролар билан муносабатларни ўрнатар экан, дастлаб ўзи учун кичик бир саволлар ва мақсадлар харитасини тузиб олиши мақсадга мувофиқдир. Яъни сұхбат ўтказилишидан аввал сұхбатдош

ҳақидаги маълумотлар, яқин қариндошлари, қизиқишилари кабилардан кичик харита тайёрлаб олиши ва берадиган саволларини қандай кетма-кетликда беришини аниқлаштириб олиши зарур.

Диний мутаассибнинг ибодат қилиш пайтидаги кўтаринки руҳи ва жазаваси худди сиёсий митинг, рок-концерт ёки спорт мусобақаси пайтидаги каби, унда барча келиб чиқадиган оқибатлар билан биргаликда, ички наркотик – эндорфиннинг отилиб чиқишига сабаб бўлади. Мутаассиблар ўзларини хавфсиз деб ҳис қиласидиган ҳаммаслаклари гуруҳига сингиб кетиб, ўз Менидан чиқиб, «биз»га ўтишга интиладилар. Дунё улар учун «бизниклар» ва «душманлар», диндорлар ва динсизларга бўлинади. Шунга эътибор қаратиш керакки, мутаассиблар, одатда, ўзларига ихлос қўйишларини, уларнинг ортидан боришлирини яхши кўришади. Чунки улар, энг аввало, ўз ҳаёт фоалиятида манфаатпараст одамлардек фикр-мулоҳаза юритмайдилар, бу эса ҳар доим одамларни ўзига жалб қиласиди.

Шунингдек, аёллар ва эркаклар билан ишлашда мутахассис уларнинг ўзига хос психологияк жиҳатларини инобатга олиши зарурдир. Яъни аёллар билан сухбатда далиллардан кўра ҳаётий воқеалар, ибратли ҳикоятлардан фойдаланиш лозим бўлса, эркаклар билан сухбатда эса уларнинг шахс сифатида тан олинишларини ҳисобга олиб, сухбат жараёнида «Агар бу масалага бундай ёндошсак қандай муносабатдасиз?» ёки «Сизнинг фикрингиз қандай?» каби муносабатни яратиш муаммоларни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Ёш даражаларини ҳисобга олмасдан муносабат ўрнатишимииз эса катта хатоларга олиб келиши мумкин. Маълумки, биз дунёга келиб улғаяр эканмиз, атрофдагиларимиз бизга қандай ўқиш, ёзиш, талаффуз қилиш кабиларни ўргатадилар. Аммо ҳеч ким инсонлар билан қандай муносабат ўрнатиш кераклигини ўргатмайди. Шу сабабли мулоқот ва муносабат муаммоси кенг қиррали масала бўлиб қолмоқда.

Россиялик психолог олимлар ўз тадқиқотларида диний мутаассибликка кўпинча ўз ҳаётидан, ташқи кўринишидан, атрофдагиларидан, жамиятдан, ҳукуматдан ва умуман норози кайфиятдаги одамлар тезроқ берилишиларини аниқлаганлар. Шу маънода фуқароларда сабр, шукроналик туйғусини қарор топтириш лозим бўлади. Профессор Ольшанскийнинг фикрича, мутаассиблик – бу гурухий ва оммавий психологиянинг ўзига хос ноёб ҳодисаси. Ўзаро эътироф этишда бирбирини қўллаб-қувватлаб турадиган мутаассиблар учун кучли эмоционаллик, ўзларининг қарашларини тасдиқловчи ҳар қандай ахборотга танқиддан холи бўлган муносабат ва аксинча, хатто хайрихонлик руҳидаги ва амалий бўлса-да, танқидни қабул қиласлихосдир.

Фуқароларда диний мутаассибликтинг бир қатор психологик белгилари аниқланган. Улардан ўзининг илгариги мақсадларидан воз кечиши, муҳим муносабатларни узиб ташлаши, гурӯҳга ўз вақти ва маблагининг барчасини бериши, унинг учун беминнат ишлаб бериши. У(мутаассиб шахси) яхши овқатланмайди, кам ухлайди, касаллик аломатларини эътиборга олмайди, тиббий ва психологик ёрдамни рад қиласди, шифокорларнинг маслаҳатларига эътибор қилмайди. Унинг кийими, соч турмаги, вазни, овқатланиш тартиби ўзгаради; унда гиёх-ванднинг жонсиз жиддий қарашлари пайдо бўлади, сўз қурилиши, нутқи, мимикаси (имо-ишораси) ва ҳаракат (муомала) тарзи ўзгаради, юмор ҳисси камаяди.

У экстравертдан интровертга айланиши ва аксинча бўлиши мумкин. Тахълий мушоҳада юритиш сеҳрли мушоҳада юритишга ўтади. Дангаса меҳнатсеварга, масъулиятсиз масъулиятлига, исқирт озодага, паришонхотир жуда аниқ, пухта одамга айланади. Илгариги қизиқиш ва хоббилар йўқолади, виждонлилик ва поклик ҳақидаги тасаввурлари ўзгаради. Оила ва дўстлари билан алоқалар йўқолади, ўз қобиғига ўралиб олади, оилавий тадбирларда иштирок этмайди, кўп вақтини гурӯҳ билан ўтказади, гурӯҳнинг бошқа аъзолариникига яшаш учун кўчиб ўтади. Муросасизлик тадқиқотчилар томонидан мутаассибликтинг асосий аломатларидан бири деб топилган.

Ходим ўз фаолиятида ҳар қандай ноодатий жараённи кўздан қочирмаслиги талаб этилади. Инсон ўзининг одатий хатти-ҳаракатларини бошқа ноодатий хатти-ҳаракатларга ўзгартириши унинг руҳиятида кескин ўзгариш бўлаётганлигини билдирувчи омиллардан ҳисобланади. Фанатизм (мутаассиблик) ҳам айнан жамият ва одамлар оммасига қарши фикрлаш, қарши туриш, қарши ҳаракатланиш асосида содир бўлади. Бунда фуқаролар ўзлигини намоён қилиш, тажовузкорлигини кўрсатиш, ишонувчанлигини билдириб қўядилар.

Маълумки, жойларда диний таълимга қизиқувчи фуқаролар ҳам топилади. Улар билан жойлардаги имом-хатиблар ўртасида доимий муносабатларни, сұхбатларни таъминлаш ҳам яхши самара беради. Чунки инсон ўзи қизиққан нарсани билишга интилади ва кўпинча бунинг уддасидан чиқади. Шундай вазиятда қизиқувчан инсон турли норасмий диний оқимлар аъзолари таъсирига тушиб қолишлари жуда ачинарлидир. Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳудудлардаги расмий имомлар ёрдамларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, диний таълимни олишни истовчи фуқароларни мамлакатимиздаги мавжуд диний ва дунёвий таълим муассаса-

ларига йўналтириш ҳам яхши самара беради. Бунда маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлиги қўл келади.

Одатда, радикал (деструктив ва террорчилик) ташкилотларнинг аъзолари нотинч оиладан чиққанлар у ёки бу сабаб билан мавжуд жамоат тузилмаси доирасида қийинчиликка дуч келган, ишини йўқотган ёки умуман иш жойига эга бўлмаган кишилар бўладилар. Бундай вазиятларда юзага келадиган бегоналашиш ҳисси одамни худди ўзи каби ғайриижтимоий кўринган гурухга бирлашишга мажбур қиласди.

Шу билан бирга, ходим ўз ўрнида маҳаллаларга янги кўчиб келган ва чет элдан ишлаб қайтган фуқароларни назорат қилиш ишларини доимий олиб бориши лозим. Маҳалла тадбирлари ва қўни-қўшнилар билан у қадар фаол ва иноқ бўлмаган фуқароларга алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Уларда ассоциал (жамиятга зид) хулқатворнинг шаклланиши кузатилиши мумкин. Бундай ҳолларда дарҳол атрофдагилар билан профилактик ишларни бошлаш талаб этилади.

Диний мутаассиб оқимларга аъзо бўлган фуқароларни психолого-гик профилактика қилиш ўзида қатор муаммоларни қамраб олади. Жумладан:

- диний мутаассиб оқимлар фаолиятининг кундан-кунга мураккаблашиб бораётганлиги;
- оқим фаолларининг турли психотехнологиялардан кенг фойдаланаётганларли;
- диний мутаассиб шахс психологик портретининг эгилувчанлиги;
- мутахассисларнинг психологик билимларининг етишмаслиги;
- усуллар ва воситаларнинг универсал ҳамда меъёрлаштирилмаганлиги кабилар.

Аммо бугунги кунда диний оқим аъзоларини тўғри йўлга қайта-ришда ички ишлар органлари ходимларига қуидаги усулларни тавсия этишимиз мумкин:

- у аъзо бўлган референт (тақлид қилган) гурух ва раҳбарларини аниқ далиллар ёрдамида обрўсизлантириш;
- ижтимоийлашуви (атрофдагилар билан муносабатлари) масаласида психолог мутахассисини жалб этиб, янгидан нормаларни ўзлаштириш;
- жамиятнинг фаол қатламига қўшилиши учун зарур барча имкониятларни яратиб бериш (ўқиши, ишлаши, муносабатга кириши кабилар);
- далиллар ёрдамида ўзи танлаган йўлнинг охири, мақсади ва келажаги хусусида сұхбатлашиш;
- муносабати ва дунёқарашида ҳиссийликдан рационал (ақл билан) баҳолаш кўникмасини шакллантириш;

– диний ибодатларни бажаришларини кескин чекламаслик билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш;

– ўзига бўлган ишончини ошириш учун психолог мутахассисларни жалб этиб турли тренинглар ташкил этиш;

– Ватан, она ва эътиқод каби муқаддас тушунчаларнинг асл моҳиятини тушунтириш;

– ислом динининг асл моҳияти бўлган тинчлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни қарор топтиришда кўзга кўринган мутахассисларни жалб этиш ва бошқалар.

Қолаверса, ўтказилган сухбатларда бошқа бирор шахснинг иштирок этмаслиги ва сухбатни ҳеч нимага (қофозга, диктафонга) ёзиб олмаслик зарур.

Энг ачинарлиси мутаассибликни кўпинча дин билан боғлашлари ва террордан фойдаланиб ҳамда мусулмонлар учун муқаддас бўлган ислом ниқоби остида ўзининг даҳшатли ишларини амалга ошираётган, моҳиятан, минтақада вазиятни бекарорлаштираётган бир қатор ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ воқеаларнинг шарқда юз бераётганига эътибор қаратган ҳолда, Али Апшероннинг фикрларини келтириш ўринлидир. «Ислом, – деб ёзади у, – ўта кетган мутаассиб инқи-лобчиларга муҳтож эмас, аксинча, у чуқур ва самимий эътиқодга эга бўлган, бошқача фикрловчи, бошқа тилда сўзлайдиган ёки бошқа динга эътиқод қиласидиган кишиларга нисбатан бағрикенглик ва очиқлик хос бўлган такводор ва художўй кишиларга муҳтождир».

Юқоридаги тавсияларга амал қилинган ҳолатда юртимизнинг тинч ва мусаффо осмонидан нафақат баҳра олишга, балки мана шу хотиржамликни таъминлашга ўзимизнинг ҳиссамизни қўшган бўламиз.

### **III боб. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ШАКЛЛАНИШИ. ФУҚАРОЛАРНИ ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Экстремизм, терроризм ва ахборот хуружларининг намоён бўлиш шакллари**

Дин ниқоби остидаги экстремизм, терроризм каби ҳодисаларнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалса-да, улар ҳеч қачон ижтимоий барқарорлик ва тараққиёт учун бугунгидек таҳдид солмаган. Шундай экан, унинг олдини олиш ва унга қарши курашиш инсониятнинг истиқболига дахлдор масалага айланди. Президентимиз Ислом Каримов ер юзида содир бўлаётган бундай оғатларнинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида шундай дейди: «Таассуфки, баъзан ислом дини ва диний ақидапарастлик тушунчаларини бирбиридан фарқлай олмаслик ёки ғаразли мақсадда уларни teng қўйиш каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шакланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бундай ножўя ҳаракатлар аввало муқаддас динимизнинг шаънига доғ бўлишини, охир-оқибатда эса маънавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур».

Дарҳақиқат, илмий истилоҳда қўлланаётган «фундаментализм», «ақидапарастлик», «мутаассиблиқ», «экстремизм», «терроризм» каби атамалар деярли барчага тушунарли бўлса-да, ҳар бир киши уларни ўзича талқин этиши мумкин. Кенг маънода, бу атамалар қонуний ҳокимиятга қарши куражувчи ижтимоий-сиёсий груп ва оқимларга нисбатан ишлатилади.

Диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосийси сабаби – бу мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Демак, мутаассиблиқ диний экстремизм ва терроризмга замин тайёрлайди.

Мутаассиблиқ (араб. «мутаассиб» – «чуқур кетиши») муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга мукласидан берилиш, «ўзгалар» ва «ўзгача» қараш ҳамда ғояларга муросасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирм ва мазҳабларни бутунлай рад этиш, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблиқ барча даврларда турли дин

ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган. Бугунги кунда ҳам мутаассибликнинг жирканч қиёфаси дунёning турли нуқталарида содир этилаётган қўпорувчилик ва хунрезликларда яққол намоён бўлмоқда.

Ақидапарастлик (араб. «акида» — «ишинч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч асосида шаклланган қоида ва тартибларни житимоий вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўрона қўллаш ва уринишdir. Бундай қараваш тарафдорлари диний ақидаларнинг ҳар қандай мажозий талқинига, изоҳланишига муросасизликлари билан ажралиб турадилар. Диний ақидапарастлик – Қуръон оятлари ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк ислом даврига қайтишга қаратилган ақидаларни тарғиб қилувчи диний-консерватив руҳдаги оқим тарафдорларининг қаравашлари, дейишимиз мумкин. Улар фақат исломнинг фундаментал (асосий) тамойиллариғина жамиятнинг тараққиёт йўлини белгилаб беради деб ҳисоблайди ва ўзгаларни ҳам уларга амал қилишга даъват этади.

Фундаментализм (лот. – «асос») тушунчасининг маъноси муайян ижтимоий ҳодисанинг дастлабки кўринишини англатади. Диний фундаментализм – «маълум дин вужудга келган илк даврга қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин», деган таълимотни илгари суради. Дин ақидаларининг сўзма-сўз талқинига асосланган эътиқодни ақлга таянган мантиқий далиллардан устун қўядиган, муайян дин, шу жумладан, ислом дини эътиқоди шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган барча йўл-йўриқларнинг қатъий ва оғишмай бажарилишини талаб қиласидан тушунчадир.

Фундаментализм ибораси илк бор Биринчи Жаҳон уруши арафасида вужудга келган протестантизмдаги ортодоксал оқимларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу оқим 1910 йилдан кейин шу ном билан атала бошланган. Фундаменталистлар христианликнинг анъанавий ақидаларига, айниқса Библиянинг мутлақо мукаммалигига ишонишни мустаҳкамлаш, уни сўзма-сўз шарҳлашга қатъий риоя қилишни талаб қиласидилар.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб эса, бу сўз исломга нисбатан қўлланила бошланди. Бунинг натижасида, жаҳон матбуотларида ислом ниқобидаги мутаассиб жангариларини «фундаменталистлар» деб аташ ҳам одат тусига кирди. Демак, исломни асл ҳолида сақлаб қолиш даъвоси билан одамларни бир-бирига қарши қўйиб, қон тўкишни

ташкыл қилаётган, амалда эса ўзининг манфаатларини ўйлаётган кишилар Европада фундаменталистлар, араб мамлакатларида эса мутаассиблар ёки ақидапарастлар, деб аталади.

Экстремизм (лот. – «ақл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш») жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш эса диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Бундай кескин фикрлар соғлом ёки носоғлом бўлиши мумкин. Жамият учун носоғлом, унинг тараққиётига зид бўлган, жамиятда, фуқаролар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларда бекарорлик келтириб чиқарадиган кескин чора ва фикрларни илгари сурувчи, уларни амалга оширишга интилевчи, уни ёқловчилар – экстремистлардир.

Экстремизм мазмунига кўра – диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра – ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистлар қарашлари жуда чукур илдизларга эга бўлиб, улар ҳеч қачон чегара билмаган ёки дин, миллат, бирон-бир мамлакат ҳудудини тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлса, диний экстремизмни бир қанча динларга, жумладан буддизм, христианлик, ислом каби динларга эътиқод қилишини даъво қилувчи турли оқимларда учратиш мумкин.

Мутахассислар католик черковининг эркин фикр юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар – папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини ҳам экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар.

Хозирги кунда эса ислом дини никоби остидаги диний-сиёсий ҳаракатлар аъзолари томонидан турли жиноятлар содир этилаётгани жамият хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати динни сиёсийлаштириш воситасида ҳокимиятга интилиш, диндан одамлар орасига нифоқ солиш, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш ва ғаразли манфаатларни рўёбга чиқаришда фойдаланишга уринишларда намоён бўлмоқда.

Терроризм (лот – «қўрқитиш», «ваҳимага солиш») – аҳолининг кенг қатламларида даҳшат ва қўрқув уйғотиши, жамиятда бекарорлик келтириб чиқариш орқали давлат ҳокимиятини эгаллаш мақсадига

қаратилган жиной фаолият. Террор, террорчилик фаолияти, террорчи биргаликда бир бутун ҳодиса сифатида терроризмни ташкил этади. Ҳозирги даврда у глобал миқёс касб этиб, халқаро терроризм шаклини олди.

Терроризмнинг характерли томонларидан бири – унинг сиёсатга йўналтирилганлигидир. Ҳар бир террор жараёнининг асосида ҳозирги даврда муайян сиёсий мақсадларни амалга ошириш ётади. У ёки бу шахс устидан зўравонлик, куч ишлатиш эса, ушбу мамлакатдаги сиёсатни сақлаш ёки ўзгартириш воситаси сифатида намоён бўлади. Сиёсий курашнинг бу усули маълум жамиятда, мамлакатда яшовчи фуқаролар орасида қўрқув ва даҳшат тарқатишга асосланади. Терроризмнинг яна бир хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият қўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Террорчи уюшмалар оммавий бўла олмагани учун ҳам кўп ҳолларда аҳолининг кенг қатламлари номидан ҳаракат қилиш таассуротини уйғотиши мақсадида диний шиорлардан ниқоб сифатида фойдаланадилар.

Ўзбекистондаги қонунчилик тизимида террорчи, террорчилик гуруҳи, террорчилик ташкилоти каби тушунчаларни умумлаштирган ҳолда уларнинг таърифига аниқлик киритилган. 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида терроризм тушунчаси қўйида-гича ифодаланган: «...терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар».

Демак, терроризм ҳеч қандай умуминсоний қадриятлар ва маънавиятга риоя қилмаслиги, бирон-бир соғлом мафкуравий ва ғоявий

асосга эга эмаслиги, жамият, ҳар қандай миллий ва халқаро ҳуқук мөъёлариға амал қилмаслиги билан ажралиб турувчи жиноий фаолиятдир.

Хозирги пайтда дунёнинг бирорта мамлакати йўқки, терроризм, хусусан халқаро терроризм хавфидан ўзини муҳофазаланган деб билса. Бу хақда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: «... терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис қиласиган бирорта қитъа ёки давлатнинг ўзи йўқ. Худди вабо сингари ер юзининг кўплаб мамлакатлариға ёйилиб бораётган бу бало-қазо эртага кимни нишонга олишини ҳам олдиндан айтиш қийин».

Замонавий терроризмнинг иккита алоҳида хатарли белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин: бир томондан, у тобора шафқатсизроқ ғайриинсоний моҳият, иккинчи томондан, ақлга сифдириш қийин жуғрофий кўламлар касб этиб бормоқда. АҚШ Давлат департаментининг маълумотлариға кўра, дунёда ҳар йили тахминан 650 дан ортиқ террорчилек ҳодисалари содир этилмоқда. Хатарли жиҳати шундаки, уларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда. Масалан, 1992 йилда ана шундай нохуш воқеаларнинг умумий сони 362 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 600 дан ошиб кетди.

BBC World Service ва Лондон Қироллик коллежи маълумотига кўра, 2014 йил ноябрь ойининг ўзидаёқ жангарилар дунё бўйича 5042 кишининг умрига зомин бўлди. Шундан, «Ироқ ва Шом ислом давлати» («ИШИД») томонидан 2206 киши, «Боко Ҳарам» ташкилоти томонидан 801 киши ва «Талибан» ҳаракати томонидан 720 киши қатл этилган.

Экспертларнинг фикрича, дунёда фаолият кўрсатаётган террорчилик ташкилотларининг юздан ошиғи энг замонавий қуроллар билан яхши таъминланган йирик уюшмалардан иборат. Улар турли қўпорувчиликларни содир этиш жараёнида ўзаро ҳамкорлик қиласиган, маълумотлар алмашадилар, зарур ҳолларда, бир-бирлариға ҳарбий, молиявий ва бошқа шаклдаги ёрдам кўрсатадилар. Бу эса, террор оқибатларини янада оширади. Бундай ташкилотларнинг энг йириклари қаторига «ал-Қоида», «ИШИД», «Жабҳат ан-Нусра», «Боко Ҳарам», «Талибан», «Абу Сайяф» кабиларни киритиш мумкин.

Шунинг билан бирга, бугунги кунда «ахборот хуружи» кўринишидаги информацион терроризм ҳам аср балосига айланди. Айни вақтда айрим давлатлар учун ҳукмронликка эришишда атом ва термоядро қуролларидан кўра «Ахборот хуружи» ўта самарали хизмат қилмоқда. Чунки, оммавий ахборот воситалари одамлар онги ва

тафаккур тарзига, хулқ атвортарига, ҳиссиётларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келганини таъкидлаш зарур. Бу жараённинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ва омма онгигда хавотирли акс садо беришига эришиш орқали гуруҳнинг жамият олдида танилиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳаракат замирида, аслида террорчиларнинг ожизлиги намоён бўлишини кўриш мумкин. Чунки, жамиятда овоза бўлишга интилиш, одамларда қўрқув ҳиссини уйғотиш йўли билан ташкилот ўзининг бош мақсадига эришмоқчи бўлади. Шу боис, бундай пайтларда таъсир ўтказиш орқали хулқини моделлаштириш ва фаоллигини бошқариш мумкин бўлган руҳий ожиз, маънан қашшоқ, субутсиз кимсалар ижрочи сифатида чиқадилар.

Оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир, тазиқнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди.

Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. Бундай таъсир ўтказишда даврий нашрлар, радио-телевидение ва албатта интернет воситаларидан усталик билан фойдаланилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари орқали инсон онгини салбий бошқариш усуслари ишлаб чиқилган. Булар:

Ахборот-психологик кураш – танлаб олинган обьект устидан психологик устунликка эришиш мақсадида унинг ахборот тизими, жараёнлари, компьютер тармоғи, инсон онгига таъсир қилиш орқали амалга ошириладиган ва шунинг билан бир вақтда ўзини ахборотдан ҳимоя қиласиган тадбирлар мажмуи.

Ахборот-психологик операция – жой, куч ва воситаларнинг тадбирлар вақтида ягона мақсад учун обьектнинг аҳолисига ўз сиёсий ҳамда ҳарбий мақсадларга эришиш йўлидаги огоҳлантирув ва келишувга доир тадбирлар мажмуи.

Ахборот-психологик таъсир – бу операциялар ўтказишга мос келадиган одамлар онгига таъсир этиш мақсадида психологик йўнал-

тирилган ахборотдир. Бу йўналишда АҚШ дунёда етакчилик қилиб келмоқда. АҚШнинг информацион-психологик кураш воситаларини эгаллашга қаратилган сарф-харажатлари охирги 15 йил мобайнида тўрт баробар ошиб кетди ва бу қуролланиш дастурида биринчи ўринни эгаллади.

«Ахборот хуружи» шундай қуролки, у ишлатилганида жамият аъзолари ўзлари билиб-билмаган ҳолда бу қуролнинг таъсирчанлигини янада оширадилар. Ахборот урушининг энг ачинарли томони шундаки, қайси давлатга нисбатан ахборот уруши олиб борилса, шу давлатнинг фуқаролари ўзлари билмаган ҳолда унга кўмак беришади. Бунда бир маълумот оғиздан-оғизга ўтганида бўрттириб борилаверади. Маълумки, 2000 йили Сербияда бўлиб ўтган «гуллар инқилоби», 2003 йили Грузияда, 2004-2005 ҳамда 2014 йилларда Украинада юз берган «сариқ инқилоб»лар, шунингдек, 2010-2011 йилларда баъзи араб давлатларида юз берган «араб баҳори» аслида «рангли инқилобчилар»нинг ягона сценарийси миш-миш, мавжуд давлат тузумига, унинг раҳбариятига нисбатан аҳолини гиж-гижлаш асосида амалга оширилган эди. Демак, «рангли инқилоб» технологиялари аслида айрим давлатларнинг Ер куррасини турли минтақаларидаги моддий ресурсларини эгаллашга бўлган интилишларининг ғоявий ифодалочилари бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, XX асрда инсониятга ядро қуроли катта хавф солган бўлса, бугунги кунга келиб турли мақсадларни кўзлаб уюштирилаётган ахборот хуружлари халқлар, давлатлар, минтақалар ҳаётига, келажак тақдирига таҳдид солмоқда. Воқелик инсон қалби ва онги учун бўлган бундай куашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда.

Бунга эътиқод умумийлигига асосланган ҳолда якка мафкура ҳукмронлигини таъминлаш орқали жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан ўзига оғдиришга ҳаракат қилаётган кучларни мисол келтириш мумкин. Масалан, «ислом» ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб уюшмалар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, барча мусулмонларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасавурларга таяниб, уларни ягона мақсад остида бирлашуви ғоясини илгари сурадилар. Улар шу йўл билан ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлидан оғдиришга ҳаракат қилиб, қаерда ғоявий бўшлиқ, лоқайдлик ва бепарволик бўлса, ўша ерда пайдо бўладилар.

Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бунга 2011–2014 йилларда баъзи араб мамлакатларида рўй берган ва ҳамон давом этаётган сиёсий инқирозлар оқибатида юзага келган қонли тўқнашувлар мисол бўла олади. Мазкур оммавий тартибсизликлар туфайли Тунис, Миср, Ливия, Сурия, Ироқ каби давлатларда минглаб кишилар қурбон бўлди ва воқеалар ҳамон давом этмоқда. Яқин Шарқ давлатларида бўлиб ўтган хунрезликлар, «араб баҳори» номи билан бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритаётганлар ҳам асосан динни қурол қилиб олган кучлар экани ҳеч кимга сир эмас. Шунингдек, бугунги кунда бундай оқимлар учун ўз мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш, Интернет ва ижтимоий тармоқ сахифалари орқали кенг тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифалардан бирига айланган. Масалан, биргина ижтимоий тармоқлар орқали амалга оширилган тартибсизликларнинг салбий оқибатларини 2011 йилнинг бошларида бир қатор араб давлатларида юз берган «твиттер инқилоби» воқеаларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, ташқи кучлар томонидан Facebook, Twitter ижтимоий тармоқлари ва прокси-IP хизматидан фойдаланган ҳолда Тунис, Миср, Ливия, Баҳрайн, Эрон, Суриядаги тартибсизликлар ташқи кучлар томонидан назорат қилиб турилган. Яъни инсон қалбини тилка-пора қиласидиган ушбу қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаган, аксинча, бунга узоқ йиллар тайёргарлик қўрилгани аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Президентимиз Ислом Каримов 2015 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячилариiga йўлланган байрам табригида таъкидлаганлариdek, «Бугунги кунда бизнинг яқин ва олис ён-атрофимизда вужудга келаётган вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бораётганини, яъни пайдо бўлаётган қарама-қаршиликларни ҳал этишда куч ишлатишга зўр бериш устунлик қилаётгани, хомашё ресурслари ва коммуникациялар устидан назорат қилиш бўйича геосиёсий рако-батнинг ошгани, ядро технологиялари ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро терроризм ва экстремизмнинг кенг тарқалаётган экспансиясининг фаоллашуви, миллатлар ва конфессиялар аро можароларнинг кучаяётганини эътироф этмаслик мумкин эмас».

Демақ, бугунги кунда дунё ҳамжамиятида мафкуравий полигонларнинг ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири ҳар бир мамлакат, давлат, халқ олдида турган долзарб муаммолардан бири саналади. Бундай шароитда кишиларни, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар онгини турли хил ёт ғоя ва ахборот хуружларидан сақлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

### **3.2. Марказий Осиё минтақасида фаолият олиб боришга интилаётган диний-экстремистик ҳаракатларнинг ўзига хос ҳусусиятлари**

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик юртимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган қатор муаммолар юзага келаётгани, кишиларнинг осуда ҳаётини издан чиқаришга қаратилган янги шаклдаги таҳдидларнинг кун сайин қўпайиб пайдо бўлаётгани барчамизни огоҳлик ва ҳушёрликка ундаиди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2014 йил 31 августда «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида ўтказилган маросимда уламолар, жамоатчилик вакиллари билан сұхбат ҷоғида таъкидлаганларидек, «Бугунги кунда дунёning турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди».

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар ўзларининг ғаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг айрим ғоя ҳамда тамойиллари мазмун-моҳиятини бир ёқлама, таассубга берилиб нотўғри изоҳлашга ва одамларни ҳидоят йўлидан адаштиришга уринмоқда. Бунда исломнинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши ҳамда жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни дин билан боғлашга уриниши эса уларнинг ҳар қандай қабиҳ ишлардан ҳам қайтмаслигидан далолат беради.

Диний экстремизм ва терроризмнинг жамият барқарорлигига кўрсатган салбий таъсири минтақамизда фаолияти кузатилган бир қанча мутаассиб ҳаракатларнинг мақсадида яққол намоён бўлди. Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистонда асосан «Ҳизб ут-тахрир», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акромийлар», «Нурчилар» каби диний мутаассиб гурухларнинг фаолияти кузатилди.

Исломнинг асл моҳиятига бутунлай зид бўлган ғоялар кейинги даврларда турли оқим ва ўзини ўта фаол намоён этаётган *соҳта салафийлик* каби ҳаракатлар томонидан ўзлаштириб олинди.

Аслида исломда «салаф» (арабча – «аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар») деганда, ҳадисларга кўра, Муҳаммад пайғамбар (а. с.) замонлари ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Ислом мужтаҳид уламолари илк мусулмонларни «салафи солиҳ», яъни солиҳ аждодлар деб ҳисоблайди. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушунчалари асло ишлатилмайди.

Соҳта салафийларнинг тарих саҳнасида янги куч билан пайдо бўлиши суриялик Ибн Таймия (1263–1328) фаолияти билан ҳам боғлиқ. У салафийлик ғоялари учун зарур бўлган ақидавий, ҳуқуқий ва фалсафий асосларни яратиб, ушбу ҳаракатнинг назарий асосларини белгилаб берган эди.

Бу назарияларга таянган ҳолда XX асрнинг иккинчи ярмида ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган «ислоҳотчилик», «панисломизм» ниқоби остида соҳта салафийлик янгидан жонланди. Бу ўз навбатида, сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини байроқ қилиб кўтарган ўта радикал диний-сиёсий ташкилот ва оқимларнинг вужудга келишига йўл очиб берди. Соҳта салафийлар:

- Қуръон оятлари ва ҳадисларни сўзма-сўз (юзаки) тушуниб, кўр-кўrona амал қилиш орқали бошқа манбаларни ботилга чиқарадилар;
- «жиход»ни исломнинг олтинчи аркони деб ҳисоблайдилар;
- ўз фикр ва ғояларига муҳолифларни «такfir» (куфрда айблаш) айблаб, мусулмонларни «ҳижрат» (ватанни тарқ этиш) қилишга кенг миқёсда даъват этадилар;
- фиқҳий мазҳабларни инкор қилиб, мазҳабсизликни тарғиб қиласилар;
- тасаввуф, урф-одат ва миллий қадриятларни шариатга хилоф деб ҳисоблайдилар;

– ғайридинларга ўта тоқатсиз муносабатда бўлиб, диний бағри-кенгликни ёқламайдилар;

– ҳар қандай янгиликни «бидъат» деб ҳисоблаб, уни рад этадилар.

Сохта салафийлар, гарчи, ҳар қандай янгиликни бидъатга чиқар-саларда, ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида техника тараққиёти ютуқларидан фаол фойдаланишга интилмоқдалар. Жумладан, улар интернетни ўзларининг ёвузлик қуролига айлантириб, глобал тар-моқда виртуал жамоат ташкил этиб, ўз ғояларига маслакдош умматни шакллантириш ва уларни ҳижрат қилишга даъват этишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бундан кўзланган асосий мақсад эса, ўз сафларини янгидан-янги жанггарилар билан тўлдиришдан иборат.

Ҳозирда жаҳон интернет тармоғида сохта салафийларнинг бир неча мингдан зиёд веб-сайтлари мавжуд. Уларга асосан диний асосда-ги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, диний экстремис-тик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнотлари мурожаатлари жойлаштирилмоқда. Шунингдек, сохта салафийларга тегишли сайтларда қўпорувчилик ва террорчиликни тарғиб қилувчи «мина портлатиш ишлари», «шаҳарлар ва тоғли худудларда жанг олиб бориш санъати», «захарловчи моддалардан қурол тайёрлаш ва ундан фойдаланиш», «махфий операциялар ўтказиш услублари», «ўз жонига қасд қилиш йўллари» каби саҳифалар ҳам мавжуд.

Юқорида қайд этилганидек, Ибн Таймия ва унинг издошлари ақида ёки ибодат масалаларига кўпроқ эътибор қаратишган бўлса, сохта салафийликнинг кейинги давомчилари таълимотларида сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш зарурлигини байроқ қилиб кўтардилар. Бу исломнинг сиёсийлашуви ва «Ислом халифалигини тиклаш» ғоя-ларининг кенг ёйилишига олиб келди.

Ҳозирда сохта салафийлик ғоялари остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ, Марказий Осиё ва ҳатто, Европанинг айrim худудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланган. Айниқса, сохта салафийлар томонидан тарғиб қилинаётган мазҳабсизлик ғояси, асрлар давомида шаклланган диний анъаналарни издан чиқариб, бир юрт мусулмонлари ўртасида парокандаликни юзага келтирмоқда.

«Хизб ут-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси») ҳаракати мусулмон давлатларини бирлаштирувчи халифалик дав-латини қуришни бош мақсад деб эълон қилган. Ташкилотга 1953 йилда Тақийиддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган.

Таълимот назарияси Набаҳоний ва унинг издоши Абдул Қаддим Заллумнинг «Ислом низоми», «Ислом давлати», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ нидолар», «Ҳизб ут-тахрирнинг тушунчалари», «Демократия – куфр низоми» ва «Сиёсий онг» каби асарларида баён этилган. Уларда дунёвий давлат тамойиллари қораланган, демократия, конституция ва сайлов каби сиёсий институтлар инкор қилинган ҳолда турли мамлакатларда радикал «ислом» ғояларини тарғиб қилиш, давлат тўнтириши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш асосий мақсад сифатида илгари сурлади.

«Ҳизб ут-тахрир» 1960–70 йилларда турли давлатларнинг ҳукуматларига нисбатан бир неча бор фитна уюштиришда қатнашганидан сўнг унинг фаолияти деярли барча мусулмон давлатларида, шунингдек, 2003 йилдан Россия ва Германияда ҳам тақиқланди. Шундай бўлсада, «Ҳизб ут-тахрир» Ғарбий Европадаги бир қатор мамлакатларда ўз бўлинмаларини сақлаб келмоқда. Баъзи маълумотларга кўра, ташкилотнинг Буюк Британияда жойлашган бўлинмаси мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини бажариб келган.

«Ҳизб ут-тахрир»нинг фаол ҳаракати 1970–80 йиллардан буён Покистон, Индонезия, Филиппин, 1990 йиллар бошидан эса Марказий Осиё давлатларида, 2003–2004 йиллардан Россия ва Украина нинг бир қатор минтақаларида кузатилган. Айни пайтда «Ҳизб ут-тахрир» курашни уч босқичда олиб боришини кўзлайди. Улардан биринчиси, «тасқиф» – тушунтириш ишлари босқичи. Унда ҳали онги тўлиқ шаклланмаган, фикри заиф, таъсирга берилувчан ёшларни тузоққа илинтириш, ҳуқук-тартибот ва ҳокимият идораларидағи масъул шахсларни ўз тарафига оғдиришдек мақсадларга эришиш кўзланади. Иккинчиси – «тафоул» – биргалиқда ҳаракат қилиш босқичида фикрий кураш орқали «Умматнинг оёққа туриши, фикрий онглилиги ва келажак масалаларини идрок қилишга эришиши» йўлида фикрий инқилобга етишиш назарда тутилади. Учинчиси – «инқилоб» – тўнтириш босқичида эса, тарбияланган уммат орқали ҳокимиятни қўлга киритиш мўлжалланади.

Ташкилот ғояларида ислом динининг анъанавий фикҳий йўналишлари, хусусан, ақидавий таълимотларига зид қатор фикрларни учратиш мумкин. Жумладан, уларнинг даъвосича, «ягона халифалик давлати»ни тиклаш исломдаги муҳим фарз амаллардан ҳисобланиб, уч кундан ортиқ мусулмонларнинг халифасиз яшашлари ҳаромдир. Ҳаттоқи, «Ҳизб ут-тахрир» ҳаракати пайғамбаримиз Мухаммад

(с.а.)дан ривоят қилинган оҳод ҳадислар<sup>1</sup>нинг ишончлилигига ҳам эътиroz билдиради. Ушбу оҳод ҳадисларга қабр азоби, масих Дажжолнинг чиқиши, пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг бошқа пайғамбарлардан афзаллиги каби йигирмадан зиёд хабарлар киради. Оҳод ҳадис билан событ бўлган ҳукмга амал қилиш вожибdir. Биргина қабрда бўладиган азоб ёки роҳат хақида Қуръони Каримнинг «Ғофир» (46-оят), «Тоҳо» (124-оят), «Тур» («45-оят»), «Нуҳ» (25-оят), «Тавба» (101-оят) сураларида баён қилинган. Шунингдек, улар муқаллид (имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони имон бўлмаслиги, ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш зарурлиги, шаръий манбалардан ақл ва тафаккурни устун қўйилиши каби хато ғояларни илгари суради.

Уларнинг бу каби ғоялари ва исломга зид бошқа таълимотлари сабабли бутун дунё мусулмон уламолари йиғилишларида ҳам кескин танқидга учраб келди.

Сўнгги йилларда «Ҳизб ут-тахрир»да ғоявий яқдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркибий бўлинишларга олиб келди. Ундан «Ҳизб ун нусра» гурухи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Ҳизб ут-тахрир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини ўзи ўлдириш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ёш қиз ва аёлларга «уй тутиш сирлари» (пазандалик, тикувчилик)ни ўргатиш орқали ҳаракатнинг ғояларини тарғиб этиш, тузоққа илинган аёлларни гўёки, «ҳижрат» қилиш йўлида чет давлатлардаги ўз «биродарлари»га ёрдам бериш учун жўнатиш ёки жазо муддатини ўтаётган жамоа аъзоларига турмушга чиқишга даъват этиш каби амалиётлар билан шуғулланмоқдалар.

Мазкур ҳаракат ғояларининг Ўзбекистонга кириб келиши ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига тўғри келади. Бу даврда «ҳизб»чиларнинг таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган, мутаассибликка йўғрилган ва юқорида қайд этилган ғоялар акс этган турли хилдаги китоб, рисола ва журналлар ноқонуний йўллар билан юртимизга кириб келди. Бу ташкилотга қарши ҳукуматимиз томонидан олиб борилган амалиётлар сабабли юртимизда «Ҳизб ут-тахрир»нинг фаолиятига чек қўйилди.

«Туркистон ислом ҳаракати» (собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати») 1996 йилда ташкил топган норасмий диний-экстремистик ташкилотdir.

<sup>1</sup> Оҳод ҳадислар – ровийлар сони мутавотир даражасига етмаган ҳадис тури бўлиб, озчилик кишилардан ривоят қилинган ҳадис тури.

Унинг асосчилари Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиев бўлиб, ҳаракат таркибига 1992-93 йилларда Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ислом уйғониш партияси» (1990 йил Астраханда асос солиниб, 1991 йил январидан Ўзбекистонда фаолиятини бошлаган), «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Қўқон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманган) каби диний-экстремистик гурухларнинг собиқ фаоллари кирган.

«Туркистон ислом ҳаракати» аъзолари Бирлашган тожик муҳолифати тарафида Тожикистонда юз берган фуқаролар урушида иштирок этган. Низо ҳал қилиниши жараёнида «Туркистон ислом ҳаракати» дала қўмондонлари Тожикистон ҳукумати ва БТМ ўртасида имзолаган битим шартларини бажаришдан бош тортиб, Афғонистон ҳудудига ўтиб кетган.

Ҳаракатнинг асосий мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тиклаш, унга мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи минтақаларини ҳам қўшиб олишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун қўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш, ҳарбий ҳаракатлар уюштириш, одамларни гаровга олиш орқали Ўзбекистондаги ички сиёсий вазиятни бекарорлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

«Туркистон ислом ҳаракати» аъзоларининг ҳар қандай янгиликни инкор этиш, қабрларни зиёрат қилиш, дунёдан ўтганлар руҳига бағишлиб Қуръон тиловат қилиш, қабр устига белги – қабртош қўйиш, мусиқа, театр, тасвирий санъатни «бидъат» санаши, туғилган кун нишонлашни кечирилмас гуноҳ деб ҳисоблаши уларнинг ғояларини асл ислом аҳкомлари ва ҳанафийлик таълимотига бутунлай зид эканини кўрсатади.

Мазкур гурух «ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати каби террорчи ташкилотлар билан яқин алоқага эга. «Туркистон ислом ҳаракати» гурухи жанггарилари 1999 йили Тошкент шаҳри ва вилоятида, 2000 йили Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, шунингдек, 1999, 2000 ва 2006 йилларда қўшни Қирғизистонда, 2006 йили Тожикистонда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган.

Сўнгги йилларда «Туркистон ислом ҳаракати» талофотлар, структуравий ўзгаришлар, раҳбар аъзолар орасидаги йўқотишларга дуч келди. Шу сабабли, 2014 йил сентябрь ойида «Туркистон ислом ҳаракати» раҳбари Усмон Ғозий «ИШИД»ни қўллаб-қувватлаши ва у билан бир сафда эканлигини маълум қилиб, уларнинг ёрдамига эришишга интилмоқда.

«Акромийлар» гурӯҳи асосчиси – Ақром Йўлдошев «жиходчилар»нинг Андижондаги ғоявий раҳнамоси Абдували Мирзаев шогирдларидан бўлиб, 90-йилларда «Ҳизб ут-тахрир»нинг маҳаллий раҳбари Абдурашид Қосимовдан сабоқ олган. Кейинчалик А.Йўлдошев «ҳизб»чилар билан келиша олмай, ажралиб чиққан ҳамда «Ислом низоми», «Иzzат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўн икки дарсдан иборат «Имонга йўл» рисоласи ва ҳаракат дастурини ишлаб чиққан.

«Акромийлар»нинг бош ғояси – исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш ҳисобланиб, бунинг учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни минтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш мақсад қилинган.

Оқим вакиллари ҳозирги мусулмонлар, гўёки куфр давлатида яшаётганини даъво қилиб, уларга намоз ҳам, рўза ҳам, закот ҳам, ҳаж ҳам фарз эмас, деган ғояни илгари сурган. Ҳатто, улар ўз жамоа аъзоларига «жоҳилият» даврида яшаётганлиги учун маст қилувчи ичимликларни ичиш ва чекишга рухсат берган. Шундан келиб чиқиб, ҳаракатнинг ғоявий дастури ҳисобланган «Имонга йўл» асарида Қуръони Карим 23 йил давомида нозил бўлгани, мусулмонларнинг исломни аста-секин ўргангани, шу боис, бугунги кунда ҳам жамият Қуръондаги ҳукмларни чиқаришда тадрижий йўлни босиб ўтиши лозимлиги қайд қилинган. Лекин ислом уламолари бу борада аниқ мисоллар келтириб ҳар қандай давлат ва ҳукумат қўл остида бўлишдан қатъи назар, шариатнинг инсон шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган кўрсатмалари ҳеч қачон амалда тўхташи мумкин эмаслигини қайд этганлар.

«Акромийлар» ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, сартарошхона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, косибчилик ва бошқа ишларга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. «Акромийлар» янги аъзоларга эртаю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг, гўёки, сиёsatдан йироқ, кичик бўлса-да, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишига ҳаракат қилганлар. Бунда улар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини ҳақиқий аъзо бўлмаганлардан сир тутганликлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёsatга алоқаси йўқ деб билганлари боис, сингдирилаётган фикрларга кўникиб бораверганликларини кўрсата-

ди. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа мутаассиблар ёндашувидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланган. Оқим аъзолари томонидан 2005 йилнинг 13-14 май кунлари Андижон шаҳрида мавжуд конституциявий тузумни ўзгартириш мақсадида кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилгани барчамизга маълум.

Ҳозирги вақтда Ғарбда «Акромийлар» янги диний-сиёсий гурухлар таркибида фаолиятни давом эттироқда. Жумладан, «Акромийлар» жамоаси ва уларга мойил бўлган ташкилотлар томонидан «Ўзбекистон ҳалқ ҳаракати» деб номланган ҳаракат тузилган. Улар томонидан «озодлик», «эътиқод эркинлиги», «инсон ҳуқуқлари» каби жозибали тушунчалар ишлатилиб, турли йўллар, масалан, интернет тизими орқали асосан юртимиз ёшларини ўз сафларига қўшишга ундаш ҳаракатлари қилинмоқда.

«Таблиғчилар жамоаси» (арабча – «етказиши», яъни диний даъватни етказиши) ислом байроғи остида фаолият кўрсатадиган, аммо ислом дини асосларини бузадиган, диний мутаассиб ҳаракат ҳисобланади. «Таблиғчилар жамоаси»га Муҳаммад Илёс Кандехлавий (1885-1944) исмли шахс томонидан 1926 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Меват шаҳрида асос солинган. Дастрас Ҳиндистондаги мусулмонлар орасида фаолият юритган ҳаракат Иккинчи жаҳон урушидан кейин Миср, Туркия, Саудия Арабистони ва айрим Европа мамлакатлари тарқалди. Ҳаракатнинг асосий қароргоҳлари Ҳиндистоннинг Бхопал, Покистоннинг Райвин ва Бангладешнинг Дакка шаҳарларида жойлашган.

«Таблиғчилар» дунёвийликни инкор этувчи, сиёсийлаштирилган ва мутаассиб диний мафкурани ташвиқот қилиш, тарафдорларини кўпайтириш орқали ўз таъсир доирасини бутун дунёга ёйишни мақсад қиласди. «Таблиғчилар» ҳар йили 40 кун мобайнида уйма-уй юриб ташвиқот ишларини амалга оширади. Улар илгари сураётган ғоялар ҳанафийлик мазҳабига зид бўлиб, ақидапараст гурухларнинг ғоялари сингари динда мутаассибликни тарғиб қиласди.

«Таблиғчилар»нинг Марказий Осиёга кириб келиши 90-йилларнинг бошига тўғри келади. Мустақилликка эришган республикаларидаги динга катта эркинликлар берилishi билан бирга, айрим бизга қўшни бўлган мамлакатларда демократия шиори остида турли диний секталар ривожига қонуний замин яратиб берилди. «Таблиғчилар» ҳам бундай яратилган қонуний имкониятлардан четда қолмай, қўшни Қирғизистон ва Тожикистонда кенг тарғибот-ташвиқот ишларини

олиб борди. Натижада, биргина, Қирғизистоннинг ўзида 2007 йилда 10 минг таблиғчи фаолият олиб борган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 25-30 мингга етди.

«Таблиғчилар» Марказий Осиёга кириб келган даврда Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Маълумотларга кўра, дастлаб улар бошқа ҳудудларга кириб борищдаги усуллар асосида юртимиз диний етакчилари ҳақида маълумотлар йиғиб, диндорлар ва ёшларнинг ахволи, ҳукуматнинг динга муносабати ҳақидаги масалаларни ўрганишган. «Таблиғчилар» республикамиизда динга берилган эркинликлардан фойдаланиб, диндорлар ва юртимиз мусулмонлари орасида кенг даъват ишларини олиб боришга интилишган. Гарчи, таблиғчилар ўз амалиётларига сиртдан безиён тус берсалар-да, мутахассисларнинг таъкидлашларича, улар ўз фаолиятлари орқали бошқа оқимлар учун захира яратиб берадилар.

«Нурчилик» (халқ тилида «Нурчилар» деган ном билан ҳам машхур) ҳаракатига Туркияning Битлис вилоятидаги Нурса қишлоғида туғилган, фаолиятининг илк даврлариданоқ диний мутаассибликка ва кескин фикрлашга мойиллигини намойиш этган Сайд Нурсий (1876–1960) томонидан асос солинган. У ўзига Бадиуззамон (арабча – «замоннинг буюги», «беназир») лақабини олиб, Куръони карим оятларининг шарҳлари ва диний кўрсатмалардан иборат «Рисолаи Нур» кулиётини ёзиб тугатди. «Нурчилик» ҳукумат томонидан таъқиб қилингани учун асар 1954 йилгача бирор нашриётда чоп этилмай, ҳаракат фаоллари томонидан қўлда кўчирилиб, халқ орасида махфий тарқатилди.

1960 йил 23 марта вафот этган Сайд Нурсийдан сўнг ҳаракат таркибида унинг шогирдлари номи билан аталадиган турли тармоқлар вужудга келди. Уларнинг ичida Фатҳулла Гюлен, Мустафо Сунгур ва Мехмет Кутлулар раҳнамолигидаги тармоқлар нисбатан кенг тарқалди. Улар Туркия шаҳарларида таълимотнинг асосий манбаи – «Рисолаи Нур»га асосланган дастлабки ўқув курсларини очишга муваффақ бўлишиди.

Оқим вакиллари ўзларига янги аъзоларни жалб этишда, биринчи навбатда, «нур»чилар жамоаси фаолияти сиёсатдан узоқ деган фикрни сингдиришга ҳаракат қиласидилар. Аслида, бу бир никоб бўлиб, уларнинг фаолияти негизида айнан сиёсатга аралашув ётади. Ташкилотнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларга пантуркизм ва мутаассиб диний ғояларни сингдириш, келажакда уларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши орқали «Нур-

чилик» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тегасига чиқаришга асосланган. Ҳаракат ўз фаолиятида «Рисолаи Нур» китобида баён этилган ғояларга асосланади ҳамда ундан бошқа барча манбалар инкор этилади.

Бу оқимнинг Марказий Осиёга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб кузатилган. Дастреб оқим ғоялари туркиялик мутаассибларнинг моддий ва маънавий кўмагида етказилган. Улар томонидан минтақа мамлакатларида 128 та лицей очилди. Лицейлардаги таълим жараёнида янги педагогик ва психологик технологиялар ҳамда методлардан самарали фойдаланилгани уларнинг довруғи тарқалишига ва аҳоли томонидан ижобий қабул қилинишига замин яратди. Ҳаракатнинг асл мақсадлари ошкор бўлгач, 1999 йил унинг фаолияти тақиқланиб, мамлакатимиздаги лицейлар ёпилди. Шунингдек, ҳаракатга аъзоларининг мамлакатдаги иккинчи ғайриқонуний уринишлари сифатида ташкил этилган ўқув марказлари, чоп этилган газета ва журналлар ҳамда телекўрсатувлар аниқланиб, уларнинг фаолияти ҳам тугатилди.

«Ислом жиҳоди уюшмаси» – («Ислом жиҳодчилари») «Туркистон ислом ҳаракати»дан ажralиб чиқиб, унинг сафлари асосан 90-йилларда ота-оналари билан Ўзбекистонни тарк этган жангариларнинг ўсмир ёшдаги фарзандларидан фаол фойдаланиш хисобига тўлдирилмоқда. Гуруҳнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига қарши чиқиш, конституциявий тузумни ағдариш, терроризм орқали «исломий давлат» ўрнатишдан иборат. Мазкур уюшма Ўзбекистонда фаолияти тугатилган оқимлар аъзолари томонидан ташкил этилган. Ташкилот аъзолари мамлакатда террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини, ғайридин ва динсизларни йўқ қилиб, «жиҳод» йўли билан «Ислом халифалик давлати» қуришни режалаштирган. 2009 йилда улар томонидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятларида содир этилган қотиллик ва босқинчиликлар натижасида 3 киши ҳалок бўлган, 24 фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

«Ироқ ва Шом ислом давлати» («ИШИД») – Яқин Шарқдаги бир неча террорчи гуруҳларни бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда тузилган. Унинг бош мақсади «ислом халифалиги»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишдан иборат. Сурияда кечаётган можароларга мустақил армия сифатида келиб қўшилгандан сўнг, 2013 йил 9 апрелдан бошлаб ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» (ИШИД) деб номланди. 2014 йил 29 июнда ташкилот раҳбарлари томонидан

Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани ва Абу Бақр Бағдодий халифа экани эълон қилинди. Кейинчалик «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Ҳозирги кунда Ироқ ва Суриядаги жанглари гурухлар томонидан бошқарув ўрнатилган ҳудудларда на исломий ва на инсоний тамойилларга тўғри келадиган қонунлар жорий қилинмоқда. Жумладан, христиан дини вакилларидан «жизя» солиғини мажбурлаб ундириш, уларга хоч осиб юрмаслик, ибодат вақтида овоз кучайтиргичлардан фойдаланмаслик каби тақиқлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар қандай мусиқий дисклар ёки мусиқа асбобларини сотиш ҳам ман этилган. Диний токатсизлик, аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши, тараққиёт ютуқларидан юз ўгириш, оддий инсонлар ҳаётига тажовуз қилиш авжига чиқмоқда. Мусулмон аёлларга нисбатан ўта мутаассибона ҳукмлар жорий қилиниб, уларни бузганларга аёвсиз жазо методлари қўлланилмоқда. Маълумотларга қараганда, «ИШИД» таркибига қўшилиб, ҳарбий ҳаракатларда ҳалок бўлган жанглариларнинг бевалари бегона одамлар билан қайтадан никоҳдан ўтказилади. Бундай аёллар олдига «жиҳодчилар туғиб бериш» вазифаси қўйилган. Ҳатто, бир ёки ундан ортиқ жангларига никоҳланиб чиқишига ҳам изн берилган. Аёллар уй қамоғи шароитида яшашга мажбур этилиб, қочишга ҳаракат қилганларга ўлим жазоси берилади.

Минг афсуски, бундай манфур кучлар ўз атрофларига асосан илм ва маърифатдан йироқ, соф диний тушунчаларнинг асл мазмунини билмаган кишиларни, асосан ёшларни жалб этишга интилиб, ўз Ватанини тарқ этишга даъват этмоқда. Бутун дунё мусулмон уламолари «ИШИД»нинг фаолиятини танқид қилиб, ҳаракат томонидан эълон қилинган халифалик ислом таълимотларига зид экани ва уни тан олиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар.

Ушбу қарашларнинг барчаси ислом динининг ҳақиқатини билмаслик, унинг матнларини зоҳирлан, юзаки тушуниш, мазмун-моҳиятини чуқур англамасдан ҳукм чиқариш, Қуръон оятлари ва ҳадисларни ўз йўналишига мослаб шарҳлашга асосланади. Жумладан, улар эълон қилган «ширқ кўринишларини, унга олиб борувчи воситаларни йўқ қилиш» ғоясига кўра ҳозирда мусулмон оламида ширкнинг турли кўринишлари мавжуд деган қараш бўлиб, мақбаралар бузилиб, қадимий ёдгорликларни ташкил этувчи ҳайкаллар, археологик топилмалар йўқ қилинади. «ИШИД» террорчилик гурухи томонидан 2015 йил март ойида Ироқнинг ал-Ҳамадания шаҳрида жойлашган бинолар мажмуасини талон-тарож қилингани, сўнг роҳиблар монастири

худудига ўрнатилган портловчи қурилмаларни ҳаракатга келтирилгани бунинг ёрқин исботидир. Маълумот ўрнида ал-Ҳамаданиядаги роҳибхона тарихий ёдгорлик бўлиб, Оссурия шоҳи Синакхериб томонидан қурилган эди. Бундан олдинроқ «Толибон» ҳаракати жанггарилар томонидан ҳам Афғонистонда милоддан аввал барпо этилган «Будда» ҳайкалининг портлатиб юборилганини ҳам мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири бўлган Суриядаги Пальмира шаҳри ҳам 2015 йилнинг май ойида «ИШИД» террорчилари томонидан босиб олинди. Жанггариларнинг тарихий шаҳарни босиб олиши эрамиздан аввалги I-II асрларга оид антик маданият ёдгорликларига жиддий хавф солмоқда.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 22 майида Саудия Арабистонининг, аш-Шарқия вилоятидаги «Имом Али» номидаги шиалар масжидида жума намози пайтида «ИШИД» ташкилоти қарашли худкуш-террорчи томонидан кучли портлаш содир этилди. Маълумотларга кўра, бомба портлаши оқибатида камида 20 киши ҳалок бўлган, 50га яқин киши жароҳат олган. Кўриниб турибдики, ушбу бузғунчи оқимларнинг асл мақсади «дин» байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш орқали кишилар, айниқса ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адovat, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларини шакллантиришдан иборат.

Шундай экан, диний мутаассиблик ва экстремизмга қарши курашда фақат жазо чораларини кўллаш орқали унга барҳам беришга интилиш мазкур салбий ҳодисанинг оқибати билангина курашиш билан баробардир. Бундай йўлдан борилганда уларни озиқлантириб турган «илдиз»лар бешикаст қолаверади, вақт ўтиши билан янги «куртак»лар юзага келишда давом этаверади. Демак, бундай манфур кучларга қарши кураш ва уни бартараф этиш ишларида ғоявий тарбия, хусусан, кишилар онгида юксак маънавиятни шакллантириш масалаларига янада эътиборни кучайтириш даркор. Бундай ҳаракатларга қарши курашиш, ёшлар қалбини жаҳолат, ёт ғоялардан ҳимоя қилишда профилактика инспекторларининг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, энг муҳими «фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

### **3.3. Профилактика (катта) инспекторларининг хорижга ишлашга бораётган ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш фаолияти**

Ўтган йиллар давомида фуқароларимизнинг узоқ муддатга чет элга чиқишилари ва қайтиб келишларини тартибга солишга қаратилган бир қатор норматив-хуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Конституциямизнинг 28-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш хуқуқига эга. Шунга кўра, ҳар йили мамлакатимизнинг минглаб фуқаролари турли хил, жумладан ишлаш, ўқиш, даволаниш, саёҳат қилиш ва бошқа мақсадлар билан чет элларга бориб келмоқдалар. Шуни алоҳида айтиш керакки, узоқ муддатга кетганлар орасида диний-экстремистик оқимлар, террорчи ташкилотлар ва бошқа уюшган жиноий тузилмаларнинг таъсирига тушиб қолаётганлари, ўта оғир ва оғир турдаги жиноятларни содир этган ёхуд турли жиноятлар, айниқса одам савдосининг қурбонига айлананаётганлари кўплаб учрамоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги давр одам савдосига қарши курашиш, узоқ муддатга чиқиб кетаётган фуқаролар билан ишлаш, уларнинг чиқиб кетиш сабабларини аниқлаш, қаерда ва нима билан шуғулланаётганига ойдинлик киритиш ишларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда фуқароларимизнинг чет давлатларига чиқиб кетганлиги, нима мақсадларда юрганликлари, улардан қанчаси доимий яшаш манзилларига қайтиб келганликлари бўйича аниқ ҳисоботлар талаб даражасида юритилмаяпти. Шу боис, МДҲ ва бошқа чет эл давлатларига узоқ муддатга ишлаш учун чиқиб кетган фуқароларнинг террорчилик грухларига қўшилиб кетаётганликлари тўғрисида маълумотлар олинаётган бўлса-да, ушбу фуқаролар яшаш манзилларидан узоқ муддатга кетган шахслар рўйхатига кирмай қолгани ҳолатлари ҳам мавжуд.

Бу эса ички ишлар органларидан мамлакат фуқароларининг узоқ муддатга чет элга чиқишилари ва қайтиб келишларини тартибга солишга доир фаолиятни самарали ташкил этишни талаб қиласди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда фуқароларнинг қонуний асосларда узоқ муддатга чет элга кетиш ва келишлари бўйича улар билан тезкор-профилактик сухбатлар олиб бориш,

шунингдек, уларнинг ҳисобини юритиш механизми самарали ташкил этилмаган.

Ўз навбатида узоқ муддатларга чет элга чиқаётган фуқаролар бу хақда ҳудудий профилактика (катта) инспектори ёки ички ишлар органларига хабар бермайдилар. Орамизда узоқ муддатга чет элга чиқсан яқин қариндошлари ҳақида тегишли идоралар ёки ҳудудий профилактика инспекторларига белгиланган тартибда маълум қила-диган фуқаролар ҳам камдан-кам топилади. Ушбу ҳолат ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари, хусусан, ҳудудий про-филактика инспекторларидан бундай тоифа фуқароларни, уларнинг қаерга ва нима мақсадда кетганигини тезкор йўллар билан аниқлаш-ни тақозо этади. Хусусан, аҳоли турар жойларида ички ишлар орган-ларининг тегишли соҳавий хизматлари ходимлари, милиция таянч пунктлари профилактика (катта) инспекторлари, жиноят-қидирав ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш (ЖҚ ва УЖҚҚ) хизмати, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш (ХЧҚ ва ФР) хизмати ходимларидан бошқа давлат органлари ва жамоат тузил-малари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари-нинг узоқ муддатга чет элга чиқишлиари ва қайтиб келишларини, айниқса уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилишни тизимли ташкил этишга қаратилган бир қатор вазифаларни амалга оширишларини талаб этади.

Шуни англаб етган ҳолда ҳудудий профилактика (катта) инспек-торлари хорижга ишлашга бораётган фуқароларга тушунчалар беришлари мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан**, бугунги кунда диний экстремизм ҳокимият учун кураш, миллатларарабо жанжаллар ва ҳар хил сиёсий можароларни келтириб чиқаришда диндан сиёсий қурол сифатида фойдаланишда намоён бўлмоқда. Динни қурол қилиб олган экстремистик ҳаракатлар бугун умуман кишилик жамияти ҳаётига жиддий таҳдид солмоқда. Масаланинг яна бир таассуфли жиҳати шундаки, террорчи ташки-лотларнинг мутлақ кўпчилиги муқаддас ислом динини ўзига ниқоб қилиб олган.

**Иккинчидан**, кейинги йилларда диний экстремистик ташкилот-лар ўз фаолиятига кўпроқ ёшларни ва аёлларни жалб қилиш, террор-чи-камикадзелардан фойдаланиш ва мумкин қадар кўпроқ қурбонлар бўлишини назарда тутган ҳолда террорчилик ҳаракатларини амалга ошираётганини қайд этиш лозим. Айни пайтда диний-экстремистик ташкилотлар томонидан олиб борилаётган ташвиқот ёшларнинг сохта

ғояга алданиб қолиши, юрт равнақи йўлидаги фаолиятдан чалфиши, жамиятдаги маънавий-рухий мухитнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

**Учинчидан**, «дин» ниқоби остидаги экстремистик уюшмалар тарафдорлари ўз мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай кўринишдаги зўрлик ишлатишни, шу жумладан, террористик (куролли кураш) йўллари билан амалга оширишни, куч ишлатиш орқали ҳокимиятни ағдариб ташлашни тарғиб қиласдилар. Уларнинг жамият учун ўта хавфлилиги шундаки, улар факат ғояларини тарғиб қилишнинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, ниятларини амалга ошириш учун ғоят қатъиятлик билан, зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қиласдилар. Бу йўлда ҳар қандай ўта оғир жиноятлар – одам ўлдириш, одамлар орасида қирғин солиш, турли ваҳималар тарқатиш, қуролли ҳужумлар уютириш, фитна ташкил қилиш, босқинчилик, қўпорувчилик, террорчилик хуружлари ва ҳоказо ҳаракатлардан фойдаланадилар.

**Тўртингидан**, алоҳида мавжуд тузумдан норозилик, ўрнатилган конституциявий тузумга бўйсунмаслик каби кайфиятларни қўзғатишга ҳаракат қиласдилар. Натижада, бутун жамият тизимини издан чиқариш ва шундан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олишни мақсад қиласдилар.

**Бешинчидан**, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, турли диний экстремистик оқимлар диний-сиёсий мақсадларини амалга оширишда диндан фойдаланмоқдалар. Улар аҳолисининг асосий қисми мусулмон динига эътиқод қиласдиган давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўзларининг фундаменталистик, сепаратистик, экстремистик ғояларини исломий қоидалар сифатида тарғибот қиласдилар.

**Олтингидан**, афсуски, охирги пайтларда террористик хуружлар кўп ҳолларда ислом байроғи остида уютирилмоқда. Уларнинг ғоявий мақсади – ўрта асрларга қайтиш, барча мусулмонларни бирлаштирувчи халифалик давлатини барпо этиш, жамиятда ислом шариати тартибларини ўрнатишdir.

**Еттингидан**, диний экстремизм ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларда намоён бўлиб, у жуда қадимий илдизларга эга ва ҳеч қачон чегара билмаган, миллат, ҳудудни тан олмаган, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистлар қаерда ва қайси дин байроғи остида фаолият кўрсатмасин, ўз мақсадларига низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар, қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни қўзлайдилар.

Умуман олганда, фундаменталистик ва сепаратистик ҳамда экстремистик диний оқимларнинг мақсади битта – сиёсий ҳокимиятни

ҳар қандай йўл билан қўлга олиш ва ўша худудда ўз ҳукмронлигини ўрнатишдир.

Президентимиз Ислом Каримов, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган сұхбатда: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз, дин бизнинг қонқонимизга, онгу шууримизга шу қадар сингиб кетганки, уни ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас Ислом динимизни, отабоболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашга, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман».

Бузғунчи дунёқараашнинг туб негизида билимсизлик, яъни ғоясизлик ётади.

*Ғоясизлик* – инсонлар, ижтимоий гуруҳлар тафаккури ва онгидан муайян билимларга асосланган фикрларнинг йўқлиги. Ғоясизлик одатда ҳали ўзлигини англақ етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларни англақ етмаган кишиларда учрайди. Маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузуқ кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам ғоясизликнинг бир кўринишидир.

*Ғоявий бўшлиқ* ҳосил бўлишининг сабабларидан бири жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидадир. Ғоявий бўшлиқ ҳосил бўлган жойда, албатта, халқ манфаат ва қизиқишиларига бегона бўлган турли хил ғаразли мафкуралар ўз таъсирини ўтказа бошлади.

*Ғоявий тажсовуз* – муайян бир жамият, давлат, ижтимоий қатлам онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, ғаразгўй мақсад-манфаатларга хизмат қиладиган мафкуравий босқинчилик.

Ҳозирда кескин тус олиб бораётган глобаллашув жараёнларида ғоявий тажовузларнинг турли-туман кўринишлари ҳамда таъсир этиш усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Куролли куч билан ўз ғаразли мақсадларини амалга ошира олмаётган экстремистик ва террористик гуруҳлар тобора мафкуравий тажовуз йўлига ўтмоқдалар. Бундай тажовузларга мамлакат ахли факат умуминсоний ғоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура билан қарши тура

олиши мумкин.

Бузғунчи мафкураларнинг амалга оширилиши миллатлар ва халқлар маданиятининг емирилишига, давлат ва жамият ҳаётида салбий ҳодисаларнинг кучайишига сабаб бўлган, кўплаб халқларни ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этган. Бузғунчи мафкуранинг салбий таъсири натижасида шахс мустақил фикрлашдан маҳрум бўлиши ва кейинчалик камикадзе, зомби, манқуртга айланиши мумкин.

Афсуски, бугунги кунда оила ташвишлари, пул ишлаш ёки бошқа мақсадларда хорижга бораётган фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг – экстремистик ташкилотларга жалб этилаётилгани ачинарли ҳолдир.

Ёшларнинг фаол ижтимоий куч экани уларнинг турли мафкуравий таъсир ва тазиқларнинг бош обьектига айланишига олиб келди. Бунда уларнинг жамиятнинг ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган, ташқи таъсирларга тез берилувчан ва айни пайтда энг ҳаракатчан қатлами экани инобатга олинмоқда.

Ёшларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларда диний маълумотнинг етишмаслиги, уни эгаллашга бўлган қизиқиши ва интилиш ҳамда ишонувчанлик, бирданига ва ҳамма нарсага (бойлик, шон-шуҳрат, мартаба ва ҳ.к.) эга бўлишга ҳаракат қилиш, илмий тилда айтганда, максимализм каби маънавий-рухий омилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. «Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг холоскорига айланасан!», – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Ёшларнинг диний экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб, турли террорчилик амалиётлари иштирокчисига айланиб қолишларининг асосий сабаби – уларнинг на диний, на дунёвий билимга эгаликлари, соф ислом таълимотини билмасликларидир.

Ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, ёшларни турли экстремистик оқимлар ва миссионерлик секталарига кириб қолишининг олдини олиш бўйича тадбирлар давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилса, самарали натижаларга эришиш мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Хўш, нега айнан ёшлар ва аёллар?

Чунки, айнан ана улар юрт келажаги, миллатнинг эртанги куни, тараққиётини белгилаб берадилар. Шу ўринда ўсмирлар ташқи таъ-

сирларга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Муайян ҳолларда ҳаётдаги орзу-мақсадларга мустақил эришиш ҳаракатларининг ҳамма вақт ҳам амалга ошавермаслиги оқибатида ёшларда инфантиллик (ўзини ночор, ёрдамга муҳтож хис қилиш)дек хусусият шаклланиши кузатилади. Бундай вазиятда уларда «олий мақсадларга интилаётган мен каби кишилар ёки жамоа мавжуд», – деган тасавур пайдо бўлишига замин яратилади. Шунда улар ўзларининг мақсад ва интилишларини тушунадиган кишиларни излай бошлайдилар.

Мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган шахслар оиласидан, жамиятдаги ўрнидан, ҳатто, ҳаётидан ажрамоқдалар. Бундай шахсларни ҳар қандай топшириқни ҳеч иккиланишсиз бажариш даражасига олиб келиш учун эса синалган услублардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, «оз-оздан» технологиясида фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кеч-қурунлари бирга диний адабиёт ўқиши, жамоанинг йифинларида қатнашиш, фақат бир марта варака тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган шахсни жиддий ёнбосишига мажбур қилиш йўлидан борилади.

Шунингдек, доимий «мия ювиш» воситасида жамоанинг ғояларини амалга ошириш ёлланаётган кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади.

Сўнгра «гурухий таъсир этиш» услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан «кўмиб» ташлайди. Айни пайтда ёлланаётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътиroz билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши «ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан», – деган хаёлдан узок бўлиши лозим. Чунки, аксарият мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усувларидан фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, диний-экстремистик ташкилотлар дунё мамлакатларига жиддий таҳдид солиб, исломнинг «ёвузлик салта-

нати» сифатида қабул қилинишига, «исломофобия»нинг турли қўри-нишлари пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда. Қайд этилган ҳолатлар диний экстремизм ва терроризм кишилик жамиятининг нафақат бугунги куни, балки истиқболига ҳам хатар солаётган омилга айланганини, инсоният бир бутун вужуд сифатида қарши курашга киришгандагина уни енга олиши мумкинлигини кўрсатади.

### **3.4. Мутаассибликка қарши курашда Оммавий ахборот воситаларининг ўрни**

Ахборот технологиялар шиддатли ривожланиш даврида диний мутаассиблар ўзларининг Интернет сайтларида ва ижтимоий тармоқларда дин ниқоби остида иғво, фитна ва ёлғон маълумотга асосланган ахборотларни мунтазам равишда чоп этиб боряптилар. Уларнинг тарқатаётган маълумотларига назар соладиган бўлсак, диннинг асл моҳиятидан бехабар бўлган ёш қатлам рухияти ҳамда дунёқарашига салбий таъсир кўрсатадиган иғво ва ихтилофга чорловчи ғояларни сингдиришга уринмоқда. Бундай хунук ҳолатнинг олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари ўзларига бириклирлган ҳудудларда мутаассибликка мойил бўлган шахслар билан суҳбатлашиб, уларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибатларни оила аъзоларига, маҳалласига ва мамлакат обрўсига қай даражада путур етказиши ҳақида айтиб ўтишлари мақсаддага мувофиқдир. Мутаассиб ғояларга муккасидан кетган шахс диний, миллий ва ижтимоий асосда адоватни келтириб чиқарувчи ҳолатларни юзага келтирса, унинг дунёқарашини батафсил ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Шуни билиш муҳимки, аксарият ёшларда таассубга мойиллик интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали сингдирилмоқда. Айни вақтда ижтимоий тармоқларнинг ҳам кескин оммалашуви кузатилмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозирда 2,078 млрд. киши (Ер аҳолисининг 29 фоизи) ижтимоий тармоқларда доимий фаол ҳисобланади.

2015 йилга келиб турли ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар сони қўйидагича: «Facebook» да 1,36 млрд., «Instagram» да 300 млн., «Twitter»да 280 млн., «Одноклассники»да 250 млн., «В-контакте»да 230 млн., «WhatsApp»да 700 млн., «Viber»да 200 млн., «Telegram» 50 млн. кишини ташкил этмоқда.

Афсуски, ижтимоий тармоқларида мутаассибликка йўғрилган маълумотлар ва мақолалар соат сайин ортиб бормоқда. Уларни аниқлаб олиш учун фойдаланаётган ва тарғиб қилинаётган ахборот ресурсларига алоҳида эътибор бериш зарур. Масалан, мутаассиб

шахслар дин борасида ўз қарашларидан фарқли кимсаларга хоин, кофир, муртад, мушрик ва яхудий (этник хусусиятга эга бўлган сўз) каби тушунчаларни мунтазам равишда қўллаб келадилар. Шу билан бирга, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий вазиятни бўртирган ҳолда, кескин танқидий баҳо бериб, амалдаги тузумга салбий муносабат билдирадилар ҳамда унга нисбатан қарама-қарши ғоялар тарғиботини амалга оширадилар. Қолаверса, ижтимоий тармоқлар орқали суҳбатдошнинг руҳиятига таъсир ўтказадиган мутаассиб ғояларни сингдиришга алоҳида эътибор қаратишади. Улар инсон онгига таъсир этадиган ва ҳиссиётларни тўлқинлантириш учун видео-ёзувлар, қўшиқлар, нашидалар, таъсирчан ҳикоя ва шеърлар орқали ғаразли ғояларини сингдириб бориб, ўз сафларига жалб қилишга интиладилар. Мутаассиблик ғояларига асосланган тезкор ахборотлар, янгиликлар бир вақтнинг ўзида бир неча тилларда ёритиб борилиши террорчи гурӯҳлар учун тарғибот борасида глобал кўламда ахборот урушини очиш учун анча кўл келмоқда.

Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир қўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади.

Бугунги кунда интернет ғоявий кураш ва тарғиботнинг асосий майдонига айланганини экстремистик ва террористик қарашларни тарғиб қилишдаги ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бундай интернет сайtlари тўсатдан пайдо бўлади, вақт ўтгач йўқолади, мазмунини ўзгартирган ҳолда, номланиши ва доменини тез-тез ўзгартириб туради. Интернет қуидагилари билан террористлар учун қулай ҳисобланади:

- интернетга кишининг осонлиги;
- фойдаланувчилар сонининг кўплиги;
- алоқанинг анонимлиги;
- ташқаридан бошқарииш ва таҳрир қилиши чеклангани;
- ахборотлар қисқа муддатда кенг маконда тез тарқалиши;
- фаолият сарф-харажатларининг бир неча баробар камлиги.

Террорчилар Интернетдан қуидаги мақсадларда фойдаланадилар:

- тарғибот ва ташвиқот мақсадида маълумот тарқатиши;
- янги аъзоларни ёллаш (вербовка);

- аъзолик ва хайрия бадалларини ииғии ҳамда улардан фойдаланиши;
- тармоқ ва шохобчалар ташкил этиши;
- террорчиларни ўқитиши, кўрсатмалар берииши;
- разведка ва маълумот қидириши;
- янги террорчилек ҳаракатларни режалашиши ва бошқариши.

Экстремистик мазмундаги сайтларда мафкуравий фаолиятини оқловчи, қаҳрамонлигини куйловчи қўшиқлар, клиплар эмоционал таъсир қувватини оширишга хизмат қилмоқда. Мазкур ҳолатларни инобатга олиб, профилактика инспекторлари ғаразли мақсадда динни тарғиб қилувчи фирмалар билан оддий эътиқод қилувчиларни ажратиб олишлари зарур бўлади. Мутаассиблар билан сұхбатлашиш давомида ёки олинган ашёвий далилларни кўздан кечириш жараёнида ҳукumatни ағдариш, террорчилек амалиётлари орқали одамларни даҳшат ва қўрқувда ушлаб туришга қаратилган ғоялари қўзга ташланиши мумкин. Мутаассиб гуруҳларнинг ғоявий материалларини ўрганиб чиқиш мобайнида қуидаги ҳолатларга эътибор бериб, уларнинг мақсадини англаб олса ҳам бўлади. Жумладан:

- диний мавзудаги манбаларда миллий, ирқий ёки диний мансублигига қараб аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий қадр-қимматни камсишишга, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган ғояларнинг мавжудлиги;
- зўравонлик ва жисмоний ҳаракатларга чорловчи чақириқ ва даъватларнинг мужассамлиги;
- уруш ва ҳарбий йўллар билан диний мафкурани жамиятда ўрнатишга қаратилган ғояларга асосланганлиги;
- қирғин солишга ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган ғояларга асосланганлиги;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат тузумини Конституцияга хилоф равища ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга қаратилган ғоявий ёндашувлардан иборат.

Таъкидлаш лозимки, ёш авлодни мутаассиб ғоялардан ҳимоя қилиш учун Оммавий ахборот воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш зарурати кун сайин ортиб бормоқда. Асосан, телевидение, интернет, радио, газета-журналлар ва расмий электрон нашрлар орқали динни нохолис тарғиб қиласиган гуруҳ ва жамоаларга қарши ғоявий кураш олиб бориш ҳамда ишончли манбаларга асосланган радијаларни кўпайтириш лозимdir. Бу борада юртимиз алломалари-

нинг мўътадиллик руҳида ёзилган илмий мерослари биз учун энг муҳим дастак бўла олади.

Афсуски, сўнгги йилларда террорчилик ташкилотлари ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган ва ғоявий жиноятларининг келиб чиқишига сабаб бўлаётган веб-сайтларнинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, 10 йил аввал бундай сайтлар сони 20 та бўлса, бугунги кунда дунёда террорчилар фойдаланадиган 10 мингдан ортиқ интернет сайтлари мавжуд. Уларга хизмат кўрсатувчи порталлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бундан ташқари, уларнинг мақола ва маълумотлари ижтимоий тармоқ сахифаларда ҳар куни чоп этилади ҳамда тарқатилади. Бу эса юртимиз аҳолиси, айниқса ёшларни интернет ва бошқа ахборот воситалари орқали ўз таъсир доирасига олишга интилаётган ғаразли кучлар таъсиридан асрар қолишнинг нақадар долзарб аҳамият касб этиб бораётганини кўрсатади.

Масаланинг шу жиҳатига эътибор берган ҳолда республикамизда аҳолини, айниқса, ёшларни ахборот хуружларидан асраш, турли экстремистик гуруҳлар домига тушиб қолишларининг олдини олиш ва интернет тизимидан фойдаланишнинг соғлом муҳитини яратиш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» (2010 йил), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил) Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартағи «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 137-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2004 йил 23 июлдаги «Жамоат фойдаланиш жойларида Интернет тармоғидан ахборот олиш имконини бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 216-сонли буйруғи, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февралдаги «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Тошкент шаҳридаги компьютер залларида Интернет тармоғидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари шу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига киради.

Шулардан келиб чиқкан ҳолда вояга етмаган шахсларнинг дарс ва тунги вақтларда ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс кузатувисиз Интернет кафеларга кириши тақиқланади. Бу қоидага амал қилмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгар-

лик тўғрисидаги кодексининг 188<sup>2</sup>-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Интернет тизимидағи ахборотлардан фойдаланаётган ҳар бир фойдаланувчи «Бу ахборотни ким узатяпти?», «Нима учун узатяпти?» ва «Қандай мақсадда узатяпти?» деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топишга ҳаракат қилиши керак.

Шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолиш, тақдим этилаётган маълумотларга кўр-кўrona эргашишнинг олди олинади. Шаклланган ахборот истеъмоли маданияти миллий манфаатларимиз ва қадриятларимизга зид бўлган хабар, маълумотларга нисбатан ўзига хос қалқон ролини ўтайди, шахс дунёқараши ва хулқидаги событлини таъминлашга хизмат қилади.

Республикамизда қарор топган бағрикенглик муҳитини оммага холис кўрсатиб бериш, эътиқод эркинлиги соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёsatни кенг тарғиб қилиш, диний мутаассиблар томонидан тарғиб қилинаётган ақидавий даъволарга манбалар асосида илмий раддиялар бериш, диний экстремизм ғояларнинг жамиятга таҳди迪, мутаассиб ғоялар замиридаги ғаразли геосиёсий мақсадлар, исломни бузиб талқин қилаётган мутаассибларнинг кирдикорларини фош этишга қаратилган мақолалар Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлар идораси ҳамда Исломшунослик илмий тадқиқот марказининг веб-саҳифаларида тизимли жойлаштириб борилади. Мазкур ҳолатни инобатга олган ҳолда, мутаассибликка қарши курашишда, авваламбор, ОАВ орқали курашиш юқори самарадорлини таъминлаб беришини алоҳида қайд этиш зарур.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, глобаллашув жараёнида кишиларни, айниқса ёшларни турли кўринишдаги мафкуравий хуружлар таъсиридан асрашда профилактика инспекторлари куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур:

- мустақил фикрга эга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга шахсларни тарбиялаш, ёшлар қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш орқали ҳар хил бидъатхурофот амалларни фарқлаш, турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши иммунитет ҳосил қилиш;

- мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, ислом динини ўргатишни ваъда қилаётган шубҳали шахслар билан мулоқот қилмаслик, ноқонуний тарзда чоп этилган ёки тайёрланган диний мазмундаги адабиёт, диск, мобиъл телефон-

лардаги материаллардан фойдаланмаслик ва олиб юрмаслик, интернет тизимида диний экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиладиган сайтлардан ёшларни муҳофаза қилиш;

– диний мавзуда қизиқтираётган маълумотларни фақат «.uz» доменида расмий фаолият олиб бораётган давлат ва диний ташкилотлар сайтылари ([www.tiu.uz](http://www.tiu.uz), [www.religions.uz](http://www.religions.uz), [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz) ва ҳ.к.)дан олиш;

– диний экстремистик сайтларга кирмаслик; бундай сайтларнинг аломатлари: жойлаштирилган материалларда «хижрат» ва «жиҳод» га даъват қилиш, дунёвий ҳукумат ва тузумларни коғирликда айблаш, умумхалқ байрамлари, таваллуд кунларини нишонлашни ҳаром деб эълон қилиш, Афғонистон, Покистон, Ироқ, Сурия каби мамлакатлардаги жанггариларни мақташ. Шунингдек, Мұхаммад Абдулваҳҳоб, Ибн Таймия, Носириддин Албоний, Сайд Қутб, Айман аз-Завоҳирий, Усома бин Лодин, «Абдували қори», «Обид қори», «Рафиқ қори» каби ақидапараст шахсларнинг китоб ва фатволарининг мавжудлиги;

– ижтимоий тармоқ сайтлари, форумларда диний мавзуда илмоқли, нозик саволлар берип, сұхбатга чорлаётган шахслар билан мулоқотдан тишилиш, дунёвий жамиятни танқид қилиб, диний турмуш тарзини мутаассибона даъват қилаётган шахслар билан умуман алоқа қиласлик;

– электрон почта орқали номаълум шахслардан келган диний мазмундаги даъват ва танишув ҳақидаги таклифларга жавоб бермаслик, юборилган электрон материалларни юклаб олмаслик;

– мобиЛЬ қўл телефонларига маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек, реакцион-сектант, сохта диний мағкурани тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга ундовчи материаллар, мутассиблик руҳидаги нашидалар (қўшиқлар), маърузалар, суратлар, видео-роликларни юклаб олмаслик ва тарқатмаслик.

– ахборот алмашинуви жадал кечеётган бугунги даврда диний масалаларга оид маълумотларни түғридан-түғри қабул қилиш ва унга эътиқод қилишга шошилмаслик ҳамда ахборот хуружлари асирига айланмасликни ёшлар орасида кенг тавсия ва тарғиб қилиш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш, ёшлар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигига профилактика инспекторлари фаоллигини ошириш;

– фуқароларда диний бағрикенглик, бошқа дин вакиллариға хурмат, ўзаро биродарлик, миллатлараро тотувлик, қариндошлиқ түй-ғуларини шакллантириш, маҳалла ахолиси ўртасида динлараро турли зиддиятларни юзага келишининг олдини олиш бўйича тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш;

– маҳаллалардаги нотинч, ноқобил оиласлар ёки диний мутаассибликка мойил шахслар билан тушунтириш ишларини олиб борища ҳаётий тажрибага эга бўлган маҳалла фаоллари, маҳаллада обрў-эътибор қозонган кишилар, маҳаллий масжидларда фаолият юритувчи имом-хатиблар, шунингдек диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, туманлардаги бош имом-хатибларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиларини жалб этиш;

– ахоли ўртасида дин ҳақида нотўғри салбий тушунча ва тасаввурлар уйғонишининг олдини олиш мақсадида ақида, ибодат ва бошқа диний масалаларга оид юзасидан туғилганда Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари, уларнинг вилоятлардаги вакиллари, маҳаллий имом-хатиблар ва диний соҳа мутахассисларига мурожаат қилиш.

Профилактика инспекторлари томонидан динни ниқоб қилган ҳолда турли ғаразли ғояларни илгари сураётган мутаассиб шахсларни аниқлаш, улар билан мунтазам равишда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш керак. Натижада, мутаассиб шахслар онгидаги муайян ижобий ўзгаришларга эришиш ва уларни тўғри йўлга қайтаришда самарали ютуқларни қўлга киритиш мумкин.

### **3.5. Аёлларни мутаассиб шахслар таъсирига тушираётган омиллар**

Дин инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Унинг яратувчилик ва бунёдкорлик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳияти ҳамиша жамият ривожи, инсон камолотига хизмат қилган. Айни пайтда, инсониятнинг кўп асрлик тарихи диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, ундаги ғояларни вайронкорлик руҳида талқин этиш одамлар бошига кўплаб кулфатлар келтирганини кўрсатади. Афсуски, бугунги кунда ҳам биз мана шундай жараёнларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ўз манфур ниятларини амалга оширишда ислом дини ниқоби остида фаолият олиб бораётган экстремистик ташкилотларнинг аксарияти амалдаги мавжуд қонуний тузумни бекарорлаштириш, ҳоки-

миятга қарши оммавий намойишлар ташкил этиш, давлатни бошқариб турган раҳбарларни ҳокимиятдан четлаштириш режасини «так-фир», «хижрат», «жиход» ва «шахидлик» ғоялари асосида босқичмабосқич амалга оширишга интиладилар.

Ачинарли жиҳати шундаки, ушбу ташкилотлар ўз фаолиятига эркаклар билан бир қаторда, аёлларни ҳам жалб этиб, террорчи «шахид»лардан фойдаланиш ва имкон қадар қурбонлар сонини кўпайтиришни кўзлаган ҳолда террорчилик ҳаракатларини амалга оширмоқдалар.

Замонавий террор оламида худкушлик, террорчи-камикадзе, ўзини портлатиш орқали қурбон қилиш, «шахид» каби иборалар кундалик ҳаётимизга кучли шиддат билан кириб келмоқда ва ушбу амалиёт, афсуски, айнан ислом ниқобидаги радикал ташкилотлар тажрибасида аёлларга нисбатан ишлатилиши кузатила бошланди.

Ғаразли мақсадлардаги ташкилотлар ўз ғоя ва мақсадларини амалга оширишда аёллардан бевосита асосий қурол сифатида фойдаланмоқда. Шу билан ОАВ ва кенг жамоатчилик орасида ўзини портлатиш орқали қурбон бўлаётган аёлларга нисбатан қизиқиши йўғотишга ҳаракат қиласидилар. Шунингдек, аёлларнинг «шахид»ликни амалга оширишлари сафдош эркакларнинг «жанговор руҳини» янада кўтаришга хизмат қиласиди, деб уқтирадилар. Аммо соҳа мутахассисларининг таҳлилларига кўра, аёллар гуруҳ вакиллари илгари сураётган сиёсий ва мафкуравий мақсадлар билан кам ҳолларда қизиқадилар ва «бирор нарса йўлида» эмас, аксар ҳолларда «бирор нарса учун» курашадилар.

Маълумотларга кўра, ўзини портлатиш орқали қурбон қилиш амалиётидан «Толибон» ҳаракати, «ал-Қоида», «ҲАМАС», «Ҳизбуллоҳ», «Тамил-Иламни озод этиш йўлбарслари», Шимолий Кавказдаги «Жиҳодчилар» каби 17 га яқин террорчи гуруҳлар фойдаланиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳудудида ғайриқонуний фаолият олиб бораётган турли диний экстремистик оқимларнинг ўз сафларига аёл-қизларни жалб қилиш жараёни ва уларнинг бу ғайриқонуний ташкилотлар фаолиятида борган сари фаол иштирок этаётганларини ўрганиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Бундай оқим аъзолари аксарият ҳолларда ўзлари аъзо бўлган уюшмага, аввало, ўз аёллари, оналари ва опа-сингиллари, шунингдек, жазони ижро этиш жойларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яқинларини жалб этмоқдалар. Жумладан, эркаклар ўзининг диний илм-

лардан бехабар, ҳар ишда итоаткор аёлига турли оят ва ҳадисларни нотўғри талқин қилишлари, қўпорувчилик ҳаракати учун жаннат билан мукофотланишини ваъда қилиши, аёлнинг жаннатга кириши эрнинг розилигига боғлиқ экани доимий уқтирилиши оқибатида, аёлларнинг ўзини ва бегуноҳ қишиларни ўлдириб, жиноятга қўл уришлари аниқланган.

Масаланинг хатарли жиҳатларидан бири шуки, аёлларни бошқариш эркакларга қараганда осонроқ ва улар онгини заҳарлаш ҳам террорчилар учун анча енгил ҳисобланади. Чунки, эркак кишида ўзини эҳтиёт қилиш ҳиссиёти аёлларга нисбатан кучлироқ ривожланган. Айрим аёллар ўзларига нисбатан бўлаётган ноҳақликлар, паст назар ёки «оддий буюм» сифатида бўлаётган муомаладан норози бўлиб, яшаётган ёки келажакда яшайдиган ҳаётларидан қутулиш мақсадида экстремистлар қурбонига айланмоқдалар. Психологларнинг фикрига га кўра, ғараз ниятли кимсалар устомонлик билан фойдаланаётган аёлларгагина хос қатор хусусиятлар мавжуд:

- 1) бўйсунувчанлик – оилада ота-она, ака-укаларга итоаткорлик;
- 2) бирор хатти-ҳаракатга нисбатан ички тайёргарликнинг қатъий эмаслиги – шошиб қарор чиқариш;
- 3) ташқи таъсирга тез берилувчанлик – ҳиссиётнинг ақлдан устун келиши, аёллар ташқи таъсирларни ҳиссий онг билан қабул қилишлари;
- 4) ахборот олишга бўлган қизиқишининг устунлиги, – аёл ҳар қандай шов-шувли маълумотларга қизиқувчан бўлади ва шов-шувли ахборотларни тарқатиш орқали ўз ижтимоий фаолликларини намоийиш қилишга ҳаракат қилиши;
- 5) ижтимоий муносабатларга киришишга бўлган хоҳиши ва эҳтиёжнинг кучлилиги – кўча-куйда янги танишлар орттириш, улар билан сұхбатлашиш;
- 6) кўпчиликка бевосита таъсир ўтказа олиши;
- 7) руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидамсизлиги руҳий зарбаларга учраган инсон ўз қадриятлар тизимини ўзгартиришга мажбур бўлади ва айнан улар мутаассиблар учун зарур инсонлардир;
- 8) инсонга табиатан тақиқланган ёки номаълум ҳар қандай нарса ва ҳодисага интилиш ҳисси берилган, аёлларда айнан шу хусусият яққол намоён бўлади;
- 9) аксар ҳолларда реалликдан кўра хаёлот оламиининг устунлиги;
- 10) ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик, яъни ўз «мен»ини англамаслик ёки мутлақ инкор этиш;

11) муаммоли ҳаётдан қутулишнинг энг мақбул йўли ўзлари каби муаммоларга эга гурухга қўшилиш, деб ҳисоблашлари.

Аёлларнинг табиий хусусиятларидан ташқари, уларнинг айнан бу каби ҳаракатлар қурбонига айланишига сабаб бўлувчи омиллар турлича. Хусусан, уларнинг на диний ва на дунёвий илмларни етарли даражада ўзлаштирганлари, дин ниқоби остидаги экстремистик ҳаракатлар ҳақида тўлиқ тасаввур ва соф исломий муносабатни билмасликлари асосий омил сифатида кўрилади.

Эксперт ва мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги кунда айрим ҳудудлар учун долзарб муаммолардан бири бўлиб бораётган аёлларнинг экстремистик гурухлар таъсирига тушиб қолиш ҳолатларида Ўзбекистонга чегарадош қўшни давлатларнинг сезиларли таъсири бор. Бундан тахминан 5-10 йиллар илгари экстремистик гурух ва оқимлар таъсирига тушиб кўп ҳолларда эркакларда кузатилган бўлса, ҳозирги кунга келиб бу ҳолат юртимиз аёллари орасида ҳам тарқалаётгани ачинарли ҳолдир. Аёлларнинг пул топиш мақсадида хорижга чиқиб ишлашлари ёки аксинча, юртимизга ишлаш учун келган аёллардан фойдаланиш ҳам радикал оқим вакиллари учун қўл келаётган сабаблардан биридир. Аёлнинг уйи ва яқинларидан анча йироқда, ўзи учун нотаниш бўлган инсонлар билан яшashi унинг радикал оқимлар таъсирига тушибга кенг имкон яратиб бермоқда.

Бу каби гурух вакилларининг замонавий фан-техника ютуқлари, жумладан, уяли алоқа воситалари ва интернет имкониятларидан разил мақсадларини амалга оширишда устомонлик билан фойдаландилар. Уларнинг аксарияти интернетда ўз сахифалари орқали аёлларни очиқдан-очиқ «жиҳод»га даъват этсалар, яна бир гурухи «хайрия ишлари» ниқоби остида тарғибот-ташвиқот билан шуғулланадилар.

Мутаассиб шахсларнинг асосий мақсадлари – уларнинг ғояларига содиқ манқуртлар сонини ошириш билан ўз вазифаларини уларга юклаш ва амалга ошираётган «савоб» ишларини имкон борича сездирмасдан олиб боришидир. Хусусан, «Ҳизб ут-тахрир» диний экстремистик оқим вакиллари аёллар учун алоҳида гурухлар ташкил этиб, унга асосан, гурух аъзоларининг турмуш ўртоқлари, яқин қариндошлари ва экстремистик ғояларни тарқатгани учун жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яқинлари киради. Гуруҳда эркаклар қатори аёллар ҳам барча қоидаларга риоя қилишлари ҳамда қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

– аёллар тизимини тўлдириш фақат «ноқиба» ёки унинг ёрдамчиси («жиҳоз аъзоси»)нинг таклифи билан амалга оширилади;

- бўлинма ва «жихоз» фақат аёллардан ташкил топиши керак, эркаклар бўлинмадаги аёлларнинг яқин қариндошлари бўлсагина, ушбу бўлинмани бошқариши мумкин;
- аёллар ҳеч қачон «камир», «мўътамад», «масъул» ёки «молиявий масъул» бўла олмайди, гурухнинг бошқа лавозимларига тайинланмайди;
- аёллар эркаклар иштирокида ўtkазиладиган тадбирларга қатнашмайди.

Террорчилик ташкилотларга жалб қилинган аёлларнинг гурух ичидаги бажарадиган вазифалари серқирра ва муҳим ҳисобланади. Мутахассислар фикрига кўра, мутаассиб аёлнинг жамоа ичидаги вазифаларини уч туркумга ажратиш мумкин:

1) «Оналик бурчи» – она сифатида ёш фарзандлари онгидаги мутаассиблик ургуларини ундира боради. Жамоада террорчилик фаолияти учун «муносиб» ўринбосарлар тайёрлаб боради.

2) «Янгиларини жалб қила олиш маҳорати» – ҳамфир, дардкаш кўшни, амма, хола, сингил, опа, она, мураббия сифатида жамоага янги ишонувчан заифаларни тортиб келади.

3) «Тарғибот қуроли» – коммуникация воситалари ривожланиб кетиши натижасида аёл киши айрим оқимлар қўлида тарғибот қуролига, кейин эса қурбонига айланмоқда. Айрим оқимлар одамлар эътиборини тортиш учун айнан аёл кишининг қурол қўтариб машқ қилиши, шаҳидлик белбоғини боғлаши, ўзини портлатиши олдидан айтган сўзлари туширилган роликларни оммалаштириш йўлидан бормоқда.

Юқоридагилардан ташқари, диний экстремистик оқимларга аъзо аёллар, аввало, янги гурухлар пайдо қилиш ва экстремистик ғояларни кучайтириш мақсадида ўз руҳиятлари устида ишлайдилар; ўз гурухига етакчилик салоҳиятига эга, таъсир ўтказа оладиган аёлларни тўплашга ҳаракат қиладилар. Натижада, онг остида ёшлиқдан итоаткорлик сингдирилган ўзбек аёли бундай «таъсир»га эга харизматик аёлларнинг осон ўлжасига айланади.

Алданган аёллар ўзларига белгиланган «вазифа»ни амалга оширишларидан аввал, тинимсиз равишда Қуръони Карим оятларининг гурух мақсадларига мослаштириб ғаразли мақсадлар йўлида талқин қилинган маъноларини эшитадилар, ташкилотга доир радикал адабиётлар билан танишадилар. Ана шундан кейин улар ҳар қандай ишни қўрқмасдан амалга оширадиган бўладилар.

Хозирда «ўзини портлатиши орқали қурбон қилиш» амалиётини қўллаётган экстремистик оқимлар, хусусан, «ал-Қоида» ҳаракати «бутунжаҳон ислом манфаатлари» йўлида ўзи ва яқинларини ўлдиришга изн берувчи «фатво» чиқартирган. «Ал-Қоида» экстремистик

ташкилоти томонидан Ироқда «ўз жонига қасд қилиш» амалиётини ўтказиш учун ёш болалардан иборат «Туюр ал-жанна» («Жаннат қушлари») ва аёллардан ташкил топган «Ҳарим ал-Қоида» («ал-Қоида аёллари») гуруҳлари тузилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. «Ҳизб ут-тахрир» диний-экстремистик ташкилоти ўзини портлатиш орқали қурбон бўлувчиларни «шахидлар» қаторига киритган.

Яқин Шарқда бир неча террорчилик уюшмаларини ўзида бирлаштирган «Ироқ ва Шом ислом давлати» – «ИШИД» эса ўзи эгаллаган худудларида «ал-Хансо» аёллар жанговар қанотини ташкил этган. Маълумотларга кўра, 2014 йилнинг июнь ойида «ИШИД» эркакларга ҳарбий мажбуриятни юклаган бўлса, турмушга чиқмаган аёл-қизларга жанггариларнинг жинсий эҳтиёжини қондириш уларнинг асосий мажбуриятлари эканини эълон қилди. Сўнгги йилларда интернет тизими орқали бир қатор бузғунчи фатволар бериб борилмоқда. Шундай фатволардан бири – «Никоҳ жиҳоди» деб аталиб, унга кўра, Яқин Шарқ мамлакатларида ўзларича халифалик давлатини барпо қилиш ва исломий ҳукмларни жорий қилиш йўлида жиҳод қилаётган жангчи эркакларга ўзини бағишлиш, яъни «никоҳ жиҳоди»ни амалга ошириш, уларнинг жинсий эҳтиёжини қондиришлари учун бошқа давлатлардан аёллар ва қизларнинг у ерга ҳижрат қилишлари кенг тарғиб қилинмоқда. Бунда аёл гуруҳдаги айнан бир эркакнинг маҳрами бўлиб қолмайди, балки гуруҳдаги турмуш ўртоғи жангда вафот этса, иккинчи жанггарига турмушга чиқаверади ёки вафот этган турмуш ўртоғи билан тез кунда «жаннатда кўришиш» ниятида ўз ўлимiga рози бўлади ва «шахид белбоғи»ни боғлайди. Одатда, бундай сохта фатвога учган қизларга жиҳодчиларнинг лагерларида жорияларга қилинадиган муносабат кўрсатилади. Ҳатто, бир ёки ундан ортиқ «мужоҳид»га никоҳланиб чиқишига ҳам изн берилган.

«ИШИД» фаолларидан бири, «биз «ал-Хансо» гурухини аёллар орасида «диний билим»ни ошириш ва «шариат қонунлари»га бўйсунмайдиган аёлларни жазолаш мақсадида ташкил этдик», дея таъкидланган. Суриядаги нотинч вазият аёлларни ушбу гуруҳга аъзо бўлишга мажбур қилмоқда, кимдир пул ишлаш, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қўлларига қурол олиб «ал-Хансо» фаолига айланаётган бўлса, баъзилар «ИШИД» мафкурасига қўшилгани ва «хоин»ларни жазолаш орқали «уммат»га хизмат қилаётганларини исботлашга уринмоқда.

«Ал-Хансо» томонидан виртуал қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ташкил этилиб, унда аёллар бир-бирларига турли таомларнинг тайёрланиш усулларини ўргатиш баҳонасида янги аъзоларни сафларига қўшмоқдалар, ҳеч бир тўсиқсиз Ироқ ва Сурияга етиб бориш йўл-

ларини ўргатмоқдалар. Шуни эътироф этиш керакки, «Ислом давлати» қонун-қоидаларига кўра, аёл киши кўчага эркак ҳамроҳлигисиз чиқиши мумкин эмас, лекин фаолларнинг олиб бораётган тарғиботташвиқот ишлари ўзларининг талабларига ҳам зид эканини кўришимиз мумкин.

Оммавий тарзда аёлларни ўзига жалб этишга ҳаракат қилаётган диний-экстремистик ташкилот фаоллари аслида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий ҳаётдаги мавқеларини йўқ қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун эса, «Ислом давлати» вакиллари аёллар ҳаётига ўзлари талқин этаётган шариат қонунлари ва ўрта аср тартиб-қоидаларини татбиқ этмоқдалар, натижада, хотин-қизлар нафақат ўқиши ва ишлашдан, балки кўчада эркин ҳаракатланишдан ҳам маҳрум бўлдилар. Бу каби талабларга рози бўлмаётган аёлларга нисбатан эса қаттиқ жазолар тайинланмоқда. Жангарилар билан «намунали мусулмон оила»сини қуришга даъват этишда ҳам улар аёлларга бўлган салбий муносабатни бекитадилар. Ўзларини «ислом йўлида жанг қилаётган» жангтариларга бағишлаётган аёлларга жонсиз ва нафсни қондирувчи буюм сифатида қараётганларини унутмаслигимиз лозим. Айниқса, «ИШИД»нинг яқинда эълон қилган «Асиralар ва чўрилар қўлланмаси»да ўзининг манфур ва чиркин моҳиятини ислом таълимотлари ортига яшириб намоён этмоқчи бўлганини қўриш мумкин. 32 савол-жавобдан иборат ушбу қўлланмадан инсониятни қулдорлик даврига қайтаришга уринишлар, бегуноҳ инсонларни жинси, ёшига қарамай қатл этишлар, ахли китоб ва бошқа дин вакиллари аёлларини асирга олиш, асирга олингандарни сотиш, бир-бирларига совға қилиш ҳамда ўзларидан кейин мерос қолдириш, балоғат ёшига етмаган асиralар билан яқинлик қилиш, асиrlарни «тартибга чақириш» мақсадида калтаклаш, қочиб кетган асиrlарни энг катта гуноҳкор деб эълон қилиш ва уларни қаттиқ жазолаш бўйича кўрсатмалар ўрин олгани ҳам инсонийлик, ҳам ислом дини асосларига зид экани яққол кўзга ташланади.

Зеро, қулдорлик ўз вақтида авжига чиқсан даврларда ҳам айнан ислом дини унга барҳам беришга киришган. Ҳозирги қулдорлик тугатилган замонда уни ислом дини номидан қайта тиклашга уринишлар эса муқаддас динимиз таълимотига зидdir.

Жаҳоннинг турли нуқталарида рўй бераётган террорчилик хатти-ҳаракатлари, қонли тўқнашувлар, халқимиз, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодда мутаассиблик, ўзаро низо, урушларнинг мудҳиши ва вайронкор оқибатлари ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилиш, юрти-

миз аҳолиси, хусусан, ёшлар ва аёллар онгини заҳарлашга уринаётган кучларга алданиб қолмаслик мақсадида ғоявий иммунитетни ошириш ва жойларда кучайтирилган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Шу сабабли, профилактика инспекторлари маҳаллаларда норасмий тарзда иш юритишга ҳаракат қилаётган шахслар фаолиятини назоратга олишлари, диний соҳага доир муаммо ва саволлар билан айнан шу соҳа мутахассисига мурожаат этишлари фойдадан холи бўлмайди.

### **3.6. Маҳаллаларда диний-экстремистик оқимга мойиллиги бўлган оиласлар билан ишлаш бўйича тавсиялар**

Хозирги кунда давлатимиз томонидан оиласи мустаҳкамлаш ва унга ғамхўрлик қилиш бўйича қўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бутун бир бобининг (XIV боб) оиласга бағишлиланганини бунинг яққол мисолидир. Конституциянинг 63-моддасида: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» дейилган. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «халқ жамиятдаги барқарорликнинг оила ва маҳалла каби ишончли, анъанавий воситалари соҳибидир. Айни оила ва маҳалла руҳиятимиз мустаҳкамлигини таянчидир». Ф.Адлер «оила – бу жажжи жамиятдир, унинг мустақиллиги кишилик жамиятининг хавфсизлигига боғлиқдир», деб ёзган эди.

Бирок шуни афсус билан таъкидлаш керакки, баъзи ота-оналар юқоридаги фикрларни тўғри англамаган ҳолда болалари ҳузурида ўзаро жанжаллашадилар, бўлмағур сўзларни ҳам ишлатадилар. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, бола отанинг ҳар бир ҳаракатини зимдан кузатиб боради. Ота-она ўртасидаги доимий жанжал бола асабини ишдан чиқаради. Сержанжал оиласда ўсаётган бола дарсни ўзлаштира олмайди, оқибатда унда ўзгача кайфият пайдо бўлади. Табиийки, мунтазам жанжал бўлиб турадиган оиласларда тарбияланган болалар асабий, руҳан заиф бўлиб ўсади. Улар ғайритабиий, ҳатто ғайриқонуний ишларга қўл урушдан қўрқмайдилар. Ҳолбуки, жиноят содир этган вояга етмаган шахсларнинг 36,8 фоизи нотинч оиласда тарбияланган. Криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай носоғлом оиласларда жиноятчилар ҳар томонлама соғлом оиласларга нисбатан 10 марта кўп етишиб чиқади.

Ваҳоланки, ота-она ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар. (Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституциясининг 64-моддаси). Бироқ бу қоида: болаларни меъёридан ортиқча эркалаш; уларнинг инжиқликлари ва тантиқликларига эрк бериб қўйиш; уларга меъёридан ортиқча қулайликлар яратиш; уларни ижтимоий фойдали бўлган муайян бурчларни бажаришдан, ҳатто, кучи етадиган меҳнатдан ҳам озод қилиш; уларнинг эҳтиёжларини чексиз равишда қондириб бориш; уларни шахсиятпараст, дангаса қилиб тарбиялашни истисно этади. Ҳолбуки, фарзанднинг яшаши, камол топиши учун оила бирдан-бир макон ва табиий михит бўлиб ҳисобланади. Оилада фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларни умуминсоний қадриятлар, ахлоқий нормалар руҳида тарбиялаш **эр-хотининг** муҳим шахсий ҳуқуқ ва вазифаларидан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фуқароларимизни, айниқса келажак авлодларни диний экстремизм ва терроризм балосидан асраш учун барча чора-тадбирларни, энг аввало, шахс ривожлана-диган ва униб-ўсадиган макон – оилада тегишли профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида олиб бориш бугунги замон талабидир.

Диний-экстремистик оқимга мойиллиги бўлган оилалар билан ишлаш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

*Диний билимларни ўрганиши ниятида бўлганлар диний экстремистик ҳаракатга аралашиб қолмасликлари учун нималарга эътибор бершилари керак?*

Фараз қилайлик, юқоридаги каби ҳолатларда номаълум ёки яхши таниш бўлмаган шахс мурожаат қилди. Ушбу кимса сухбат бошида ислом асосларини ўрганишга қаратилган ҳаракатларга рағбат бериб, асл мусулмоннинг бурч ва жавобгарлиги каби мавзуларда сўз юритади. Сўнгра, билвосита саволлар билан унга тааллуқли маълумотлар, хусусан диний ва сиёсий қарашлар билан қизиқади. Сухбат охирида эса, ўзининг исломга қизиқиши беҳад экани ва яқин биродарлари билан диний билимларини пухта эгаллаётганини айтиб, «ўлжга»га ҳам шуни таклиф этади. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай сухбатлар бир мулоқотда бўлиб ўтиши ёки бир неча учрашувга чўзилиши мумкин.

Албатта, ислом ақидаларини биргаликда ўрганиш ҳақида таклиф қилганларнинг барчаси ҳам ўз олдига кишини экстремистик ғоялар билан заҳарлаш ва ноқонуний фаолиятга жалб қилишни мақсад қилиб қўймайди. Бироқ шахснинг қандай жамоага жалб қилинаётгани ҳақида тўла маълумотга эга бўлишга интилиш келажакда ўзи ва оиласини жиддий кўнгилсизликлардан сақлайди.

Масалан, «Исломга доир билимларни кимдан ва қайси асарлар орқали чуқур ва мукаммал ўрганиш мумкин?» деган саволга «сухбат-

дош» умумий жавоб, яъни «Куръони Карим ва ҳадислардан» дейиш билан чегараланса, ундан кенгроқ жавоб олишга ҳаракат қилиш зарур. Агар сұхбатдош анъанавий, расмий усулларни рад этса ёки уларнинг саёзлигини таъкидласа ёхуд нашр қилинган жойи кўрсатилмаган, норасмий адабиётлар, масалан, Тақиоиддин Набхонийнинг «Ислом низоми», «Исломий оламга қайноқ нидолар», Юсуф ас-Саботиннинг «Иzzат ва шараф сари», Абдулқадим Заллумга тегишли «Халифаликнинг тугатилиши» ҳамда муаллифи кўрсатилмаган «Имонга йўл», «Ширин жон қиссаси» каби китобларни тилга олса ёки номлари зикр қилинган шахсларнинг ислом дунёсидаги ўрни ҳақида ижобий сўзласа, унинг мутаассиб ғоялар тарафдори эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ҳамма вақт ҳам диний мутаассиб оқимлар аъзолари илк сұхбатданоқ норасмий адабиётлар ва шахслар ҳақида батафсил сўзламайди. Улар ўз жамоаларига жалб қилиш мақсадида расман тан олинган диний адабиётлар орқали сабоқ олишни тавсия этиши ҳамда бошланғич илмларни ўрганиш учун ўз жамоасига таклиф қилиши мумкин. Буларнинг бари қанчалик жозибадор ва тўғри бўлиб кўринмасин, диний маълумоти ва аниқ мақсадларини билмаган одамдан диний билимларни ўрганишга ҳаракат қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

*Диний таълим олиши учун қаерга ва кимга мурожсаат қилган маъқул?*

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган бўлиб, ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди. Диний фанлар фақатгина диний ташкилотлар тасарруфидаги ўқув юртларида ўқитилиши мумкин.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиб, диний таълим бериш ҳақида лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади. Олий ва ўрта маҳсус диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар умумий мажбурий ўрта таълим олгандан кейин қабул қилинади. Ҳозирги кунда республикамизда 2 та олий таълим муассасаси, 9 та ўрта маҳсус ислом билим юрти ва 2 та христиан семинарияси фаолият кўрсатмоқда.

*Киши фарзанди ёки бирор яқин одами диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини қандай билса бўлади?*

Бирор диний экстремистик ҳаракат таъсирига тушиб қолган одамни унинг белгилари, гурухнинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар орқали аниқлаш мумкин. Бундай кишининг ташқи аломатлари – хулқатвори, юриш-туриши, кийиниши, сўзлашув луғати ва қизиқишлирининг ўзгаради, одатдан ташқари ва такрорланувчан далилларни кўпроқ келтириши, оиласи, дўсти, касби ёки ўқишига қизиқишининг йўқолиши, овқатланиш тартибининг ўзгариши кузатилади.

Инсон яқин кишисининг диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини аниқлашда овқатланиш, ухлаш тартиблари, яқин кишилари билан мулоқоти, умуман шахсий ҳаётидаги ўзгаришлар қайдаражада экани жиддий эътибор қилиш ва тўғри таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда мутасадди идоралар ёки масъул шахслар бамаслаҳат ҳаракат қилиши мақсадга мувофиқдир.

*Киши фарзанди ёки бирор яқин одами диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини билса, нима қилиши зарур?*

Фарзанди ёки бирор яқин одами диний экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганини билган киши, аввало, ўзини йўқотмаслиги, таҳликага тушмаслиги, энди бирор нарсани ўзгартириб бўлмайди деган хаёлга бормаслиги зарур. Аксинча, бирор оқим таъсирига тушиб қолган одам билан яхши муносабатни сақлаш, унга нисбатан ижобий кайфиятда бўлиш, суҳбатлашганда вазмин, самимий гаплашиш керак бўлади.

Хеч қачон тўғридан-тўғри (хатто, ҳазиллашиб ҳам) унинг эътиқодига тажовуз қилмаслик, баҳолаш ёки танқид қилиш учун эмас, соғлом фикр нуқтаи назаридан уни тушуниш учун кўпроқ саволлар бериш зарур.

Ўртадаги келишмовчилик ва қарама-қаршиликларни ошкор этиш унинг оқимга янада қаттиқроқ боғланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Балоғат ёшига етган ва нима қилишни ўзи билади, деб уни қутқариш фикридан воз кечмаслик, соғлом фикр уни қилаётган ишларидан қайтаради, деб ишониб қолмаслик керак.

Муаммолар билан яккаланиб қолмасдан, мазкур масалани маҳалла оқсоқоли, масжид имоми, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан бамаслаҳат ҳал қилиш зарур. Ниҳоят, оқим таъсирига тушиб қолган киши яна илгариgidек бўлиб қолади, деб ўйламаслик, ҳаётий тажрибадан тўғри холоса чиқариш, хушёрликни бир лаҳза ҳам йўқотмаслик, уни ёш ниҳолдек асраш керак бўлади.

*Ёшларимизни диний мутаассиб оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиши, фарзандларимизда бузгунчи гояларга қарши иммунитетни шакллантириши учун нималарга эътибор қаратиш зарур?*

Президентимиз Ислом Каримов фарзанд тарбиясининг аҳамиятига тўхталиб, «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади», – деб таъкидлаган эди. Ҳозирги кунда фарзандларимиз дунёнинг энг ўткир, фаол, уддабурон, ватанпарвар ёшларига айланиши, уларни фидойилик, ватанпарварлик, тадбиркорлик, миллатпарварлик, садоқатга ўргатиш кўп жиҳатдан ота-оналарга боғлиқ, зеро «қуш уясида кўрганини қиласди». Бу борада, албатта, ота-онага ёрдам беришда бутун жамоатчилик – маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, имом, профилактика инспектори, Маънавият ва тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» каби ижтимоий ташкилотларнинг жойлардаги масъуллари ҳамжиҳатликда фаол ишлашлари керак.

Ёшларга ушбу оғатнинг салбий жиҳатлари ва заарли оқибатларини кенгроқ тушунтиришда ижобий таъсир қилишнинг барча восита ва услубларини қўллаш керак. Баландпарвоз шиорларни тақрорлаш ўрнига, фикрни ҳаётий мисоллар орқали етказиш маъқулроқ.

Бекорчидан Худо безор, дейди доно халқимиз. Ёшларимиз турли мутаассиб гурухлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, касб-хунар, фойдали меҳнатга ўргатиш, турли тўгараклар фаолиятини жонлантириш, спорт клубларида қулай имкониятлар яратиб бериш муҳимдир.

Бегамлик лоқайдликнинг онасидир. Ҳар қандай фазилат ҳаддан ошса, иллатга: тавозе – лаганбардорлик, андиша – кўрқоқлик, ибо – мутелик, уялиш – журъатсизликка айланади. Ер бузилса – дехқон, бола бузилса – ота-она уялади. Яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади. Фарзанд кўриб, қаровсиз қолдирилса, у фидойи, ватанпарвар бўлмайди, гиёҳванд, жиноятчи ёки риёкор бўлади.

Агар биз ёшларимиз онги ва руҳиятини заҳарли мағкуралардан қатъият билан ҳимоя қилсак, ҳар қандай ғаразгўй кучлар мамлакат мустақиллиги ва унинг порлоқ келажагига рахна сола олмайди. Бу жамиятимиз, шу юрт, шу Ватани мұқаддас деб билган ҳар бир фуқаро олдидаги бурч ва асосий вазифадир.

*Терроризм ва диний экстремизмни олдини олишининг психологик чора-тадбирлари.*

Терроризмнинг олдини олиш ўзига хос мураккаб вазифадир, чунки бу ижтимоий воқеалик турли ижтимоий, сиёсий, руҳий, иқтисодий ва бошқа бир қатор сабаблар орқали юзага келади. Шу боис, айнан шу каби сабаблар профилактика таъсир чораларининг объектига айланиши лозим.

Зотан, буни амалга ошириш осон кечмайди, чунончи санаб ўтилган сабабларнинг аксарияти давлат ҳокимиятига эгалик қилиш ва уни эгаллашга қаратилганлиги билан мулкни тақсимлаш, ўз «ғояларини» намойиш этиш, жамият миллий ва ижтимоий тизимини ўзгартиришга қаратилган мақсадларининг мавжудлиги билан узвий боғлиқдир.

Терроризм азалдан мавжуд бўлган ва «одам ўлдириш» каби хатти-ҳаракатлар намоён бўлаётган ҳозирги шакли сифатида жамиятдан бутунлай йўқотишга имкон бермайди. Шу боис, ҳар бир ривожланган жамият ўз вақтида терроризм хавфини аниқлаши ва унга қарши чора кўриши зарур.

Терроризмнинг олдини олишда қўйидаги профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоғи лозим:

– жаҳонда ва жамиятда рўй бераётган ва террорен таъсирга эга асосий жараёнларга таъсир ўtkазиш; ушбу йўналиш стратегик аҳамиятга эга бўлгани учун ва ўtkазилиши зарур бўлган узоқ муддатли ва ҳатто, ундан ҳам кўп муддатларда башорат қилишни йўлга қўйиш ва шу орқали терроризмнинг фаоллашганини билиш ҳамда террор кимлар томонидан содир этилишини аниқлаш;

– келгусида ва яқин вақтларда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг аниқлаш ва бартараф этиш; бу эса террор содир этувчилар ва террор йўналтирилган объектларни, унинг сабаблари, содир этиш усуслари ва бошқа ҳолатларни аниқлашни талаб этади;

– давлат ва жамоат арбобларига қаратилган террорчилик ҳаракатлари ва умуман терроризмни содир этишга йўл қўймаслик, айбордларни ушлаш ва одил судга бериш террорни содир этган нафақат ижрочиларни, балки ташкилотчилар ва террорчиликни руҳлантирган шахсларни топиш ва жазога тортиш, гарчанд бундай жараён ғоятда мураккаб бўлса-да;

– терроризм билан боғлиқ бўлган гаровга олиш, геноцид, диверсия, дастлабки тергов ва суд ишларини юритаётган шахсга суиқасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш, йўл қўймаслик ва бартараф этишни таъминлаш. Бундай кураш бобида халқаро ташкилотлар ёрдамига таяниш ва ҳар бир давлат иштирокини мувофиқлаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўгрисида»ги қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг терроризмга қарши кураш соҳасидаги ваколатлари берилган. Ушбу қонунга биноан, қўйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш йўли билан амалга оширади;

– алоҳида тоифаланган ва бошқа объектларнинг қўриқланишини ва хавфсизлигини таъминлайди;

– давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гурухлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Ички ишлар органлари ходимлари ва бошқа давлат органлари томонидан террорчилик фаолиятини олдини олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассаса, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, хукуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ички ишлар органлари барча ўзига тегишли бўлган худудлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида барча объектларни назорат қилишлари, ҳар бир хонадонда фуқаролик паспорти режимини ўтказиш, аҳоли кам яшайдиган жойларни назоратни кучайтириш (тоғли ҳамда чўл зоналарини)лари лозим. Қолаверса, чегара-божхона органлари фаолиятини ҳам кучайтириш лозим. Чунки, бошқа давлатлар чегара худудларида жиноий гурух бўлиб тайёргарлик қўришлари мумкин ҳамда бошқа худудларга хужум қилишлари мумкин. Террорчилар гуруҳи тактикасининг моҳиятини ўрганиш ва уларга қарши курашиш лозим. Бир сўз билан айтганда «Огоҳлик давр талаби» шиори остида ҳушёр туришимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Терроризм жиноятлари профилактикасининг мазмуни бўйича қўйидаги йўналишларни белгилаб олиш мумкин:

– терроризмнинг тарғиб қилинишини олди олиш;

– террорчилик гурухлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишига чек қўйиш;

– террорчилик фаолиятига дахлдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳамда уларнинг ушбу ҳудудда фаолият кўрсатишига йўл қўймаслик;

– тайёрланётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини қўриш;

– жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш уларнинг ҳушёрлигига, теваракда рўй берётган воқеаларга фаол муносабатига боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш.

Терроризм ва диний экстремизм тарғиб қилинишининг олдини олишда куйидаги психолого-профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

- халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлат суверентетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, ахолини қўрқитишини мақсад қилиб олган ҳар қандай кўринишдаги тарғибот-ташвиқот ишларига чек қўйиш;
- террорчиликни тарғиб қилувчи ва унга тайёргарлик кўраётган кишиларни аниқлаш бўйича тезкор-қидирув ишларини ўтказиш;
- маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган ахборотлар билан мунтазам равища танишиб, уларни таҳлил қилиб бориш;
- террорчилик ғояларининг тарғиб қилинишига йўл қўймаслик ҳамда бу борадаги ҳукуқбузарликларни аниқлаш;
- террорчилик ғояларни тарқатиш билан шуғулланувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилиш;
- террористик ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилиш учун мўлжалланган аудио-видео касеталарини, шунингдек, DVD, VCD, CD, MP3 дискларини сотиш шохобчаларини доимий назоратга олиш;
- миллий, ирқий, этник ёки диний адватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатишнинг олдини олиш;
- диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатишнинг олдини олиш;
- диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилишининг олдини олиш;
- диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш ҳолларига чек қўйиш;
- диний экстремизмнинг моҳияти, экстремистик ташкилотлар ва оқимларнинг ҳақиқий мақсади ва қиёфасини кенг жамоатчиликка кўрсатиб бериш;
- диний экстремизм таъсирига тушиш хавфи бўлган ахоли қатлами ўртасида доимий равища тарбиявий, огоҳлантириш-тушунишириш ишларини ташкил этиш;
- чет элга чиқиш ва Ўзбекистонга кириш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш ва ҳоказо.

Террорчилик гуруҳлари ва ташкилотларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишига чек қўйиш борасида куйидаги психолого-профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

– давлат ва жамоат арбобларига қаратилган террорчилик ҳаракатлари ва умуман терроризмни содир этишга йўл қўймаслик, айборларни ушлаш ва одил судга бериш, террорни содир этган нафақат ижрочиларни, балки ташкилотчилар ва террорчиликни руҳлантирган шахсларни топиш ва жазога тортиш;

– терроризм билан боғлиқ бўлган гаровга олиш, геноцид, диверция, дастлабки тергов ва суд ишларини юритаётган шахсга суиқасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлаш;

– жаҳонда ва жамиятда рўй бераётган ва террорен таъсирга эга асосий жараёнларга таъсир ўтказиш, ушбу йўналиш стратегик аҳамиятга эга бўлгани учун ва ўтказилиши зарур бўлган узоқ муддатли ва ҳатто ундан ҳам кўп муддатларда башорат қилишни йўлга кўйиш ва шу орқали терроризмни фаоллашганини билиш ҳамда террор кимлар томонидан содир этилишини аниқлаш;

– келгусида ва яқин вақтларда содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг аниқлаш ва бартараф этиш, бу эса террор содир этувчилар ва террор йўналтирилган обьектларни, унинг сабаблари содир этиш усувлари ва бошқа ҳолатларни аниқлашни талаб этади;

– ҳудудда ноқонуний фаолият кўрсатаётган масжидлар, диний таълим берувчи ҳужраларни ва шахсларни аниқлаш;

– терроризм жиноятини содир этиб муқаддам судланган шахслар билан уларнинг қайта жиноят содир этишларини олди олиш мақсадида якка тартибдаги тарбиявий-профилактик сухбатлар ўтказиш, уларнинг оиласиий ахволи ва алоқалари тўғрисида маълумотлар йиғиш;

– узоқ муддатдан буён ўз уйида яшамаётган, чет эл мамлакатларига тижорат ва бошқа мақсадларни кўзлаб чиқиб кетган, яна қайтиб келган шахслар ва хорижий давлатларда фоҳишлиқ билан шуғулланганлиги учун депортация қилинган аёллар ва хорижда жиноят содир этган шахслар ҳамда жиноят қилгани учун қидиувда бўлган, шунингдек, бедарак йўқолган шахслар ҳақида маълумотлар тўплаш;

– профилактик рўйхатда турган, ёрдамга муҳтоҷ шахсларни аниқлаш ва уларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалий ёрдам кўрсатиш;

– ҳудуддаги муҳим обьектларнинг (ҳокимиёт идоралари, ҲМҚО, шифохоналар, банклар, таълим ва мактабгача таълим муассасалари ва бошқалар) хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш.

Тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотлар ва фактларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўриш борасида қуидаги психологик-профилактик чора-тадбирлар амалга оширилади:

– террористик гурухларга алоқадор ҳолатлар, шахслар ва ташкилотлар тўғрисида ички ишлар органларининг тегишли хизматларига ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларга ўз вақтида хабар бериш;

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасидаги «терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органлариغا ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади» мазмунидаги тўртинчи қисмининг ҳамда 244<sup>2</sup>-моддасининг «Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жинояти учун жавобгарликдан озод қилинади» мазмунидаги учинчи қисмнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

– қўл остида мавжуд бўлган ишончли шахсларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатларига оид маълумотларга эга бўлиш чораларини кўриш.

Терроризм жиноятининг олдини олиш фаолиятини профилактик чора-тадбирлар йўналишлари қўйидагича:

- 1) умумий профилактика;
- 2) маҳсус профилактика;
- 3) якка тартибдаги профилактика;
- 4) виктимологик профилактика.

Умумий тартибда терроризмнинг олдини олиш деганда, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги унинг сабаб ва шароитлари, бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиши, кучсизлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тушунилади.

Бу борада профилактика хизматлари томонидан қўйидаги ишлар олиб борилади:

– олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда учрашувлар, сухбатлар уюштириш ва диний экстремизмнинг ижтимоий хавфни кенг тушунириш;

– радио, телевидение, матбуотда ҳамда ОАВнинг бошқа турларида диний экстремизмнинг ижтимоий хавфи ҳақида эшиттиришлар уюштириш;

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа давлат органлари билан ҳамкорликда диний экстремистик оқимларнинг мақсади ва диний экстремизмнинг моҳиятини очиб берувчи кўргазмали қуроллар ва плакатлар тайёрлаб, дикқатга сазовор ва аҳоли гавжум жойларни жиҳозлаш ва ҳоказолар.

Махсус тартибда терроризмнинг олдини олиш деганда, терроризм жиноятининг сабаб ва шароитларини, улар билан боғлиқ бўлган бошқа детерминантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича ҳамда террористик гурухларга мансуб шахсларга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

*Бу борада қуидаги профилактик тадбирлар амалга оширилади:*

– диний экстремистик ва террористик ғояларни тарқатувчилар хақида ахборотлар тўплаш, таҳлил қилиш ва керакли хулосаларга келиш;

– диний таълимотдан ноқонуний тарзда сабоқ берадиганларни аниқлаш;

– терроризмни молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва ҳоказолар.

Якка тартибда терроризмнинг олдини олиш деганда – муайян шахс томонидан терроризм жиноятини содир қилинишини олдини олишдан иборат, бунда шахсда жамиятга зид йўналишнинг мавжудлиги, ғайриижтимоий хаёт тарзи, салбий хусусиятлари, хулқи ва одатлари оқибатида жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар томонидан жиноий хатти-ҳаракатлар содир қилинишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан тарбиявий ва бошқа турдаги таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларни амалга ошириш.

*Бу борада қуидаги профилактик тадбирлар ўтказилади:*

– диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолганлар билан якка тартибдаги профилактик сұхбатлар олиб бориш;

– диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолганларга экстремизмнинг, қолаверса, диннинг мазмун ва моҳиятини тушунириш;

– диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолганларни тўғри йўлга солиш учун ҳурмат ва обрўга эга бўлган, маҳалла фаолларини жалб этиш ва ҳоказолар.

Терроризмнинг виктимологик профилактикаси деганда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг терроризмдан жабрланувчига айланishi хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти тушунилади.

*Бу борада қуидаги профилактик тадбирлар ўтказилади:*

– аҳоли ўртасида терроризмнинг сабаблари ва унинг салбий оқибатлари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш орқали уларда терроризмдан жабрланиш хавфини камайтириш;

– терроризмдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган маҳсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган терроризм билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш.

Албатта, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш борасида юқорида келтириб ўтилган йўналишлар терроризм жиноятининг олдини олиш борасида чора-тадбирларнинг самарасини оширишга хизмат қиласди.

Бугунги кунда диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг қон томири бўлмиш молиявий каналларни аниқлаш, унга қақшатқич зарба бериб, таг-томири билан қирқиб ташлаш, диний экстремистик ташкилотлар, гуруҳлар ва турли диний оқим аъзоларини аниқлаш, уларни фош этиш, улар орасида тушунтириш, тарбиявий ва профилактик характердаги тадбирлар ташкил этиш диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашдаги энг долзарб вазифадир.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, буюк аждодларимиздан бўлмиш Маҳмуд Аъзамхожа Даҳбедий ўз таълимотларида инсон ўзидан уч нарсадан ақалли биттасини қолдириб кетмоғи жоиз, деганлар. Шулардан биринчиси оилада хушхулқ фарзанд қолдиришдир. Бу эса ҳар бир инсондан ўз фарзандининг тарбиясига – унинг имонли, одобли, миллатпарвар ва юртпарвар бўлиб вояга етмоғига масъул бўлишни талаб қиласди. Маҳмуд Аъзам назарида, фарзандни йўлга соловчи устоз, энг аввало, ота-онадир. Ота-она фарзанди яхши фазилат соҳиби бўлиши учун уни мудом эзгулик руҳида тарбияламоғи лозимдир<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Хуришид Даврон. Алномишининг ўйғониши // Тафаккур. – 1994. – № 1. Б.16.

## ХУЛОСА

Ҳозирги глобаллашув шароитида тинч-тотув яшаётган халқлар ўртасига нифоқ солиш, диний бағрикенглик мұхитини барбод қилиш ва давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралари дахлсизлигига рахна солиш мақсадида ахборот хуружларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Афсуски, ахборот ҳар доим ҳам әзгуликка, бунёдкор ғояларга хизмат қилмай, айрим вайронкор сиёсий кучлар, экстремист ва террорчилар қўлидаги қуролга айланиб бораётгани айни ҳақиқат. Шу билан бирга бундай ахборот хуружларида ислом динига оид айрим тушунчаларни бузиб талқин қилиш ва диний қадриятларни салбий маънода дунё афкор оммасига сингдиришга уриниш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бундай ҳолат эса мутаассиб кайфиятдаги кишиларни экстремистик ва террорчи кучлар сафига қўшилиб қолишига туртки бўлмоқда. Шу боисдан ҳам, Президентимиз Ислом Каримов 2015 йил июль ойида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ШХТнинг навбатдаги саммитида сўзлаган нутқида тобора глобал тус олиб бораётган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг олдини олишга алоҳида тўхталиб, фанатизм ва халқаро терроризм тушунчасини фақат ислом билан боғлаш нотўғри экани, анъанавий исломни қўллаб-қувватлаш, мутаассибликка қарши курашиш кераклиги, шунингдек ҳозирги кунда халқаро терроризм ва экстремизм хавфи ортиб бораётганидан ташвиш билдирилмайдиган мамлакатнинг ўзи йўқлигини, бу иллатларга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш зарурлигини, бу каби масалаларга бир томонлама қараш хато бўлишини айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, мафкуравий жанг майдонида инсон қалби ва онгини забт этишда диний омилнинг ўрни бекиёс. Афсуски, бу омилдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга интилаётган кучлар турли минтақалардан туриб инсонлар, айниқса ёшлар онгини заҳарлашга, ўз домига илинган кишилар орқали тинч давлатларда бекарор вазиятларни вужудга келтиришга интилмоқдалар.

Турлича қарашдаги инсонлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш йўли билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар бор экан, сунъий равищда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бу эса, огоҳлик ва ҳушёрликка бўлган талаб кун сайин ортиб бораётганини қўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари ходимлари, жумладан, профилактика инспекторлари ўз вазифасига бўлган масъулияти-

ни янада оширмоқлари зарур бўлади. Шунингдек, улар касбий билим ва маҳоратларини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқлари талаб этилади. Айниқса, турли миллат ва эътиқоддаги кишилар билан ишлаш маҳоратини ўзида сингдирмоклари ўта мухимдир. Чунки, кўплаб минтақаларда юз бераётган низоли вазиятлар этник ва диний соҳадаги муаммоларга панжа ортидан қарашиб натижасида келиб чиқаётгани айни ҳақиқатdir.

Шу билан бирга, профилактика инспекторлари диний мазмундаги материаллар билан ишлаш бўйича дастлабки билим ва кўнимкаларга эга бўлишлари ҳам долзарб аҳамият касб этади. Профилактика инспекторларининг бундай билимга эга бўлишлари ўз ҳудудларида тақиқланган диний адабиётлар тарқалишининг олдини олиш билан бирга, мазкур участкада виждан эркинлиги билан боғлиқ фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишига замин яратади.

Бундан ташқари, профилактика инспекторлари оммавий ахборот воситаларидан мунтазам боҳабар бўлмоқлари, турли давлатларда юз бераётган низоли вазиятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳамда минтақага таъсирини ўрганиб бормоқлари зарурдир. Ҳудуддаги диний ташкилотлар раҳбарлари, хусусан имом-хатиблар ҳамда бош имом-хатибларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчилари, маҳаллалардаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда фаолиятни ташкил этиш ҳам самарали натижа беради.

Мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги замонда Ватан, миллат, дин, маданият, миллий урф-одатларни сақлаш, ҳимоя қилиш, аждодлардан бизларгача етиб келган миллий ва диний қадриятларимизни келажак авлодга соғ ҳолида етказиш барчамизning бурчимиздир. Инсон қай соҳада бўлмасин, ўзининг касби-кори, меҳнат фаолиятидан келиб чиқиб, бу масъулиятли вазифани сидқидилдан амалга ошириши лозим. Айниқса, юрт тинчлиги ва хавфсизлиги учун бевосита масъул бўлган ички ишлар органлари ходимларининг бу йўлдаги хизматлари мухим аҳамиятга эга. Зеро, Ватан тинчлиги ва равнақи йўлида ҳамма бир тану бир жон бўлиб курашсагина, юрт обод, сарҳадларимиз дахлсиз бўлади.

## ИЛОВАЛАР

### Глоссарий

**Акромийлар** – бу ҳаракатга 1990 йилларда «Ҳизб ут-тахрир» диний-экстремистик гурухи аъзоси бўлган Акром Йўлдошев томонидан асос солинган. Кейинчалик А.Йўлдошев «Ҳизбут-тахрир» ҳаракати аъзолари билан келиша олмай, ундан ажралиб чиқсан ҳамда «Ислом низоми», «Иzzат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли адабиётлардан фойдаланган ҳолда 12 дарсдан иборат «Имонга йўл» рисоласини ёзиб, ҳаракат дастурини ишлаб чиқсан. «Акромийлар»нинг бош ғояси – исломий бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш ҳисобланаб, бунинг учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми барпо этиш ва кейинчалик уни миңтақанинг бошқа худудларига ёйиш мақсад қилинган.

**Арман апостоллик черкови** – Арман апостоллик черкови энг қадимги христиан черковларидан бири ҳисобланади. Авлиё Григорий Просветитель (Арман григориан номи шундан келиб чиқсан) ҳаракатлари билан 301 йилда Арманистонда христианлик давлат дини деб эълон қилинади.

Ушбу черков вакиллари Исо туғилган куни (Рождество, 6 январь), Исонинг хатна қилиниши (14 январь) каби байрам ва маросимларни нишонлайдилар. Самарқанд шаҳридаги Арман-григориан черкови 1903 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. 2015 йилнинг 1 октябрига қадар 2 та диний ташкилот рўйхатга олинган.

**Ақида** – (араб. «ишенч», «бирор нарсани иккинчисига боғлаш») маъносини англатади. Ислом таълимотига қўра, ҳар бир мусулмон Аллоҳнинг бирлигига, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, тақдирга, ўлгандан сўнг қайта тирилиш ва қиёмат куни бўлишига имон келтириши шарт бўлиб, бу унинг ақидаси – эътиқоди ҳисобланади. Ақида ва унга тегишли масалаларни ўрганувчи илмни «ақоид илми» дейилади.

**Ақидапарастлик** – муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамоийилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўронга кўллаш.

**Байъат** – (араб. – олди-сотди) – шариатда кишиларнинг Расулуллоҳ (а.с.)га итоат ҳақида берган ваъдалари. Бунда ваъда берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан «байъат» дейилган. Расулуллоҳ (а.с.)дан кейин халифалар, давлат бошликлари-

га байъат қилиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлиғидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам байъат қилиш тарқалган. Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан аҳли тасаввуфда муриднинг шайхга қилган байъатини «қўл бериш» дейилади. Ҳозирги кунда дин ниқобидаги баъзи экстремистик оқимлар ўзларига сайлаб олган «халифа», «амир» каби раҳнамоларига кўркўона байъат қилиб, уларга эргашмаганларни кофирга чиқармоқдалар. Ислом оламининг энг йирик уламолари тинч ва осуда мамлакатларнинг ҳаётига рахна солишни мақсад қилган ҳар қандай экстремистик групҳа ва унинг раҳбарларига байъат қилиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаганлар.

**Баҳоий диний жамоаси** – XIX асрда Эронда бобийлик йўналиши замирида вужудга келган диний йўналиш. Шерозлик Сайд Али Муҳаммад (1819-1850) 1844 - йилда Боб (арабча «эшик»), яъни янги даврга «эшик» номини олиб, яқин орада «Худо элчиси»нинг намоён бўлиши, кишиларга янги даврнинг асосий қонунлари ва низомларини инъом этиши ҳақидаги фояни тарғиб қила бошлаган.

Баҳоийликда ҳар бири 19 кунлик 19 ойдан иборат бўлган диний тақвим қабул қилинган. Ҳар 19 кунда жамоанинг барча аъзолари ибодат қилиш, жамоа билан боғлиқ бўлган ишларни муҳокама қилиш, ўзаро биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун йифиладилар.

Баҳоийларнинг муқаддас ибодатхонаси Акка шаҳрида жойлашган бўлиб, кунига уч марта у ерга қараб ибодат қилинади. Ҳар йили 2 мартаңдан 20 марта гача баҳоийлар кун чиқардан кун ботгунга қадар овқат ва сувдан ўзларини тийиб, рўза тутадилар. Хайфа шаҳри ҳам муқаддас шаҳар ҳисобланаб, дунё баҳоийларининг зиёратгоҳи ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида баҳоийларнинг ilk вакиллари – савдо-сотик билан шуғулланувчи тижоратчилар XIX аср охирларида Самарқанд шаҳрида пайдо бўлган. 2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамизда баҳоий жамоаларининг 6 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Библия** (юон. – китоблар) – христианлик динининг асосий муқаддас манбаи. Библия «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд»дан иборат бўлиб, умумий ҳисобда 66 китобдан иборат.

**Бидъат** – (араб. – янгилик киритмоқ, янгидан яратмоқ) истилоҳий маънода Муҳаммад (а.с.) давларида исломда бўлмаган ва кейинчалик динга киритилган ортиқча, фойдасидан зарари қўпроқ амалга айтилади. Бидъат икки турга бўлинади: бидъат ул-ҳасана (яхшиликка

хизмат қилувчи янгилик) ва бидъат ус-сайиъа (ёмонликка хизмат қилувчи янгилик). Бугунги кунда айрим мутаассиб оқимлар томонидан ҳар қандай янгиликни (жумладан, яхшиликка хизмат қилувчи янгиликни ҳам) бидъат сифатида баҳолаб, бажарувчиларни диндан чиқишда айблаш ҳоллари учрамокда.

**Буддавийлик.** Юртимизда буддавийликнинг ламаизм йўналиши тарқалган. Ламаизм (тибет тилида «лама» – «энг улуғ» деган маънони англатади) Тибетда VII-XIV асрларда тибетликларнинг қадимий диний қарашлари ҳамда Махаяна ва Тантризм уйғунлашуви асосида вужудга келган бўлиб, ҳозирда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади.

Буддавийликнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизм таълимотига кўра инсон фақат ламалар (руҳонийлар) ёрдамида нажот топади. Ламаларсиз нирванага етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деган эътиқод мавжуд. Буддавийликда диний байрамлар ой календари бўйича нишонланади. Февраль-март ойларида Янги йил, апрель-май ойларида Будданинг туғилиши ва бошқа бир қатор байрамлар тантана қилинади.

2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамида буддавийликка мансуб битта диний ташкилот рўйхатга олинган.

**Виждон эркинлиги** – диний эътиқод эркинлигидан кенгроқ тушунча бўлиб, ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини англатади.

**«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конун** – ушбу қонун Ўзбекистонда илк марта 1991 йил 14 июнда қабул қилинган бўлиб, 1993 йил 3 сентябрда киритилган баъзи қўшимча ва ўзгартишлар билан 1998 йилга қадар амалда бўлиб келди. 1998 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конуннинг 23 моддадан иборат янги таҳрири қабул қилинди.

**Виртуал олам** – одатда ахборот технологиялари, интернетга нисбатан ишлатилади, рақамлардан ташкил топган реал бўлмаган, аммо реал оламдан нусха қилиб ишланган лойиҳа ёки дастур. Бугунги ахборот ва технологиялар ривожланган даврда кўпчилик, хусусан ёшлар виртуал оламнинг зарарлари таъсирига тушиб қолмоқдалар.

**Вожиб** – ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, қатъий бўлмаган далиллар асосида бажарилиши шарт қилинган амал бўлиб, бошқа мазҳаблардан фарқли равишда фарздан қуириқ мажбурият ҳисобланади.

**«Голос Божий» черкови.** Навоий шаҳрида жойлашган «Голос Божий» черкови 1992–2001 йилларда Тўлиқ инжил христианлар

черковлари маркази таркибида бўлган. 2001 йил черков марказдан ажралиб чиқиб, ҳозирда протестант йўналишидаги мустақил диний ташкилот сифатида фаолият олиб бормоқда. Ташкилот ақидавий жиҳатдан Уильям Мэррион Бранхам (1909–1965) таълимотига амал қилишини эълон қилган. Голос Божий черковида ибодатлар чоршанба куни кечқурун ва якшанба куни эрталаб амалга оширилади. Пастор бўлмаган тақдирда У. Бранхамнинг аудио ёки видеотасмага ёзилган маърузалари ёки маъзуза таржималари тингланади.

У. Бранхамнинг кўрсатмасига кўра, мазкур таълимотга эътиқод қилувчи жамоаларнинг барчаси мустақил саналиб, улар устидан ягона расмий бошқарув тизими йўқ. 1990 йиллардан У. Бранхамнинг таълимоти Россия ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги бошқа мамлакатлар ҳудудига кириб кела бошлаган. Черков адептлари айримларининг миссионерлик фаолияти билан шуғулланиши кузатилмоқда.

**Дин** (араб. эътиқод, ишонч) муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотлар фаолияти орқали намоён бўлади. У олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида шакли, уни идрок этиш усули, оламда инсоният пайдо бўлганидан то бизгача ўтган даврларнинг илоҳий тасаввурда акс этишидир. Дин комил инсонни тарбиялашда асосий тарбияловчи қурдатга эга бўлган маънавий-ахлоқий кучdir.

**Диний бағрикенглик** – турли дин вакиллари эътиқодидаги мавжуд ақидавий фарқлардан қатъи назар, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшashi ҳамда ҳар бир диний таълимотга ҳурмат билан қарashi.

**Диний ташкилот** – диний жамоаларнинг расмий уюшмаси.

**Диний ташкилотлар** – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган қўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, сингогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

**Диний экстремизм** – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, диний таълимотлари бузуб талқин қилинган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт.

**Диний ғоялар** – диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг

амал қилиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади. Диний ғоялар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

**Евангель христиан-баптистлар черкови** (грек. – сувга ботирмоқ, сувга шўнфитиб чўқинтирмоқ) XVII асрда Англиядага вужудга келган протестант йўналишларидан биридир. Баптистларда асосий эътибор мавъизаларга қаратиладиган ибодатлар ҳафтасига икки-уч маротаба ўтказилади. Сувга шўнғиши орқали чўқинтириш баптистларнинг асосий маросимларидан биридир. Бу маросимга чуқур диний маъно берилади.

Баптистликка кўра, ҳар гал вино ва нон тотиган инсон вужудида Исо намоён бўлади. Бу маросим ҳар ойнинг биринчи якшанбасида бажарилади, унда факат баптистлар таълимотига асосан чўқинтирилганлар қатнашадилар.

2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамизда баптистларнинг 1 та маркази ва 20 та черкови рўйхатга олинган.

**Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови** – 1844 йил АҚШда юзага келган христианлик йўналиши. Исо Масихнинг яқин орада қайтишига ишониш «Еттинчи кун адвентистлари»нинг асосий ақидаси хисобланади. Бошқа христианлардан фарқли равишда, якшанба куни эмас, ҳафтанинг еттинчи куни – шанба улуғланади, чунки уларда ҳафта кунлари якшанбадан бошланади. Шунинг учун ҳам, мазкур йўналишга мансуб кишиларни «Еттинчи кун адвентистлари», деб атайдилар. Шанба куни ишлаш, ҳатто овқат тайёрлаш ҳам мумкин эмас. Бутун кун ибодатга бағишлианди. Улар Исонинг тирилиши ва «охир замонни» кутиб яшайдилар.

Ўрта Осиёда дастлабки адвентистлар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши Россия адвентистлари фаолияти билан боғлиқ. 1910 йилда Тошкентда илк адвентистлар жамоаси тузилади.

2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамизда 9 та «Еттинчи кун адвентистлари» диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Жаҳолат** (араб. «жакила») – «билмаслик» Ислом динидан олдинги даврнинг «жоҳилият даври» деб аталиши сабаби ҳам шунда.

**Жиҳод** (араб. «ғайрат қилиш», «кучни ишга солиш») – «жидду-жаҳд», яъни инсоннинг эзгу мақсадлар йўлида бор имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилиши. Истилоҳда ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади. Жумладан, «жиҳод» – Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ йўлида

инсоннинг ўз ҳавои-нафсига қарши кураши, ота-онага хизмат қилиш, ўз туғилиб ўсган Ватанини ҳимоя қилиш, ёвга қарши курашиш каби турлари мавжуд.

**Жоҳилия** (араб. «ягона Аллоҳни танимаслик») Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги даври шундай аталган. Аниқроқ айтганда, одамлар хаётида Исо (а.с.) билан Мұхаммад (а.с.) оралиғидаги пайғамбарсиз ўтган давр тушунилади. Ҳозирда айрим диний оқимлар томонидан баъзи мамлакатларни ўзларича диний ибодатлар етарли даражада бажарилмайди, деб жоҳилияда айблаш одати мавжуд.

**«Иегово гувоҳлари» черкови** йўналишга Чарльз Тейз Рассел (1852–1916) томонидан асос солинган. Йўналишнинг диний таълимоти унинг етти томлик «Муқаддас Ёзувни ўрганиш» китобига асосланади.

«Иегово гувоҳлари» Учлик ҳақидаги ақидани рад этадилар, лекин бошқа йўналишлар каби унинг барча кўринишларини изоҳлашади. Улар Худонинг ўз шахсий исми бор, бу исм «Иегово»дир ва у барча нарсаларнинг асоси ва яратувчиси, деб ҳисоблайдилар.

«Иегово гувоҳлари» фақатгина Исо Масих ўлимини эслаш кечалари билан боғлиқ байрамни нишонлайдилар. Шу куни жамоа аъзолари қариндош ва танишларини уйларига таклиф қиласидилар. Дастурхонда Исонинг танаси ва қони ифодаси деб билинадиган хамиртуришсиз нон ва қизил, қуруқ вино бўлиши шарт.

Ўрта Осиёда «Иегово гувоҳлари» диний ташкилотининг ilk жамиятлари 1950-йилларда пайдо бўлган ва норасмий равища фаолият кўрсатиб келган. Бугунги кунда республикамида «Иегово гувоҳлари»нинг битта ташкилоти расман рўйхатга олинган.

**Иммунитет** (лотин. *immunitas* – «озод бўлиш», «қутулиш») деганда, тиббиётда организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли заарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган хусусиятлари мажмуи тушунилади. Мафкуравий иммунитет деган тушунча ҳам борки, ҳозирда бутун дунёни мафкуравий бўлиб олиш, инсон онгини эгаллашга бўлган интилишлар авж олган даврда кишилар, айниқса ёшларда бу каби маънавий таҳдидларга қарши миллий қадриятларимиз, тарихий анъана ва урф-одатларимиз билан йўғрилган мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш долзарб вазифаларданdir.

**Инжил** (юнон – Евангелие) «Янги Аҳд»даги Марк, Матто, Луқо ва Юҳаннолардан ривоят қилинган китобларни назарда тутади. Уларда Исо Масихнинг ҳаёт йўли ва мўъжизалари баён қилинган.

**Ихтилоф** (араб. тафовут, ҳар хиллик, фарқ) – ислом илмларида икки teng кучли олимларнинг бир-биридан фарқли фикр билдириши.

Ихтилоф икки хил бўлади: биринчиси, бир нарсанинг ичидаги ихтилоф бўлиб, унга рухсат берилган. Бу хилдаги ихтилофларга тўрт мазҳаб ичидаги фарқликлар киради. Иккинчиси, бир нарсага қарши ихтилоф бўлиб, у тақиқланган. Бунга Аллоҳ, унинг сифатлари борасидаги ақидавий ихтилофлар киради.

Хозирда баъзи бузғунчи оқимлар мусулмонлар ўртасида турли диний масалаларда ихтилоф ва фитналар чиқариб, жамиятда парокандаликни юзага келтиришга уринадилар.

**Конфессия** – (лот. «confession» – эътироф, эътиқод) – эътиқод қилиш. Умуман олганда, диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилди. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради. Бугунги кунда Ўзбекистонда 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 16 конфессияга мансуб жами 2238 та диний ташкилот, жумладан, 2039 та масжид, 20 та марказ, 12 та диний таълим муассасаси, 3 та монастир, шунингдек жами 164 та ноисломий диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

**Корейс протестант черковлари** – Корейс протестант черковлари сифатида ташаббускор гуруҳнинг асосий корейс миллатига мансуб фуқаролар ташкил этган протестант йўналишидаги диний ташкилотлар эътироф этилиб, ушбу черковларнинг аксариятига мустақилликнинг дастлабки йилларида АҚШ ва Жанубий Кореядан маҳсус юборилган пасторлар раҳбарлик қилган.

Хозирда Ўзбекистонда жами 35 та корейс протестант диний ташкилотлари расмий рўйхатга олинган бўлиб, улар Тошкент шаҳри (7), Жиззах (1), Навоий (1), Наманган (1), Самарқанд (5), Сирдарё (3), Сурхондарё (1), Тошкент (13), Фарғона (2) ва Қашқадарё (1) вилоятларида жойлашган. Конфессионал жиҳатдан улар қуйидагича таснифланади:

- 1) Баптистлар черковлари: Тошкент вилояти (2), жами 2 та.
- 2) Методистлар черковлари: Тошкент шаҳри (1), жами 1 та.
- 3) Пресвитериан черковлар: Тошкент шаҳри (4), Жиззах (1), Навоий (1), Самарқанд (5), Сирдарё (3), Сурхондарё (1), Тошкент вилояти (7) ва Қашқадарё (1), жами 23 та.
- 4) Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклар) черковлари: Тошкент шаҳри (2), Наманган (1), Тошкент вилояти (4) ва Фарғона (2), жами 9 та.

Корейс протестант черковлари анъанавий христиан байрамлари – Рождество, Пасха, Троицадан ташқари, Ҳосил куни (Жатва), Оналар куни каби байрамларни нишонлайдилар.

**Костел** (поля., чех. – черков) – Рим католик черковига қарашли ибодатхоналарга нисбатан ишлатиладиган атама. Ушбу атама православ ёки протестант черковлариға нисбатан қўлланилмайди.

**Кришнани англаш жамияти** – Асосчиси Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупада номи билан танилган асли ҳиндистонлик Абхай Чаран Де (1896-1977). 1965 йилда А.Ч.Бхактиведанта Свами АҚШга кўчиб ўтган ва «Халқаро Кришнани англаш жамияти»ни тузди. Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида уларнинг 150 дан ортиқ ибодатхоналари мавжуд.

Кришначилик (вайшнавизм) одам қиёфасидаги худо Кришна (Вишну)га эътиқод қилишга асосланган ҳиндуийликнинг икки асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Кришначиликнинг муқаддас ёзувлариға «Бхагавад гита»дан ташқари бошқа «Веда» матнлари ҳам киради.

«Халқаро Кришнани англаш жамияти»да ўз эргашувчиларининг мол-мулкларини жамият ҳисобига хайр-эҳсон қилишлари ҳамда ибодатхонада руҳонийлик вазифасига ўтишлари рағбатлантирилади. Бу таълимотни қабул қилган ҳар бир кишига янги - санскритча ном берилади. Жамоа аъзолари сари, дхоти ва бошқа ҳинд миллий либосларини киядилар. 2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамиизда кришначиларнинг 1 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Мавлид** – ҳижрий йил ҳисоби бўйича рабиул-аввал ойининг 12 кунида Мухаммад (а.с.)нинг туғилган кунлари шарафига ўtkазиладиган маросим.

**Мазҳаб** – (араб. йўл) исломдаги шариат қонунлари тизими, фиқхий йўналиш. Бутун мусулмон оламида мўътадил деб тан олинган тўртта мазҳаб ҳанафийлик, шофеийлик, моликийлик ва ҳанбалийлик билан бир қаторда шиалик ҳам фиқхий мазҳаб ҳисобланади. Ушбу мазҳаблар уламолари турли диний масалаларни мусулмон халқлариға уларнинг яшаш шарт-шароитларидан келиб чиқиб содда ва енгил тарзда баён қилиб берганлар. Бу борада мазҳабларнинг ўртасида фарқ бўлиши табиийдир.

Ҳозирда дунёдаги мусулмонларнинг деярли ярми ҳанафийлик (Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё ва ҳ.к.) қолган қисми моликийлик (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофеъийлик (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалийлик (Саудия Арабистони) мазҳаблари, шунингдек, шиалик (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳ.к.)нинг жаъфарийлик мазҳабига амал қилиб келмоқда. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ҳанафийлик мазҳаби кенг ёйилган. Ҳанафийлик мазҳаби ўз моҳияти,

таълимоти ва қўллаган услуби билан жамиятда юзага келадиган диний муаммоларни бағрикенглик билан ижобий ҳал этиб, ҳар қандай мураккаб саволга жавоб топа олган.

Ҳанафий мазҳаби инсонларнинг диний ва бошқа ижтимоий муносабатларини Қуръон ва ҳадисга асосланиб, уларнинг яшаш тарзи ва урф-одатларини ҳам инобатга олган ҳолда ислом динининг асосий тамойили ҳисобланган инсоннинг ҳаёти, мол-мулки, дини, насл-насаби ва онг-шуурини ҳимоя қилиши ва умуман олганда, аҳоли манфаатини кўзлаши каби хусусиятларга эга бўлгани учун дунё мусулмонларининг аксарияти ушбу мазҳабга эргашадилар. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, баъзи мутаассиб оқимлар даъво қилаётганлариdek, мусулмон киши юқорида эътироф этилган мазҳабларнинг бирига амал қилиши шарт эмас, уларнинг бизга ҳожати йўқ, дейишлари умуман асоссизdir. Ҳар бир мусулмон ўзи яшаётган минтақада тарқалган фикҳий мазҳаб кўрсатмаларига амал қилиши ва диний уламоларнинг сўзларига итоат этиши зарур. Акс ҳолда динда чуқурлашиб, залолатга юз тутиши муқаррарлиги ҳаётимизда яққол намоён бўлиб бормоқда.

**Миллат** – (араб. «миллат» – ҳалқ) кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

**Миллатпастлик** – миллатларнинг тенглигини инкор этиб, ўз миллатини бошқа миллатлардан юқори қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларидан афзал кўриш.

**Миллатлараро тотувлик** – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, у муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг ҳамжиҳат яшаси, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

**Миссионерлик** – (лотин. «missio» феълидан «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер «вазифани бажарувчи») бир динга эътиқод қилувчи ҳалқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш билан боғлиқ назарий ва амалий фаолиятни билдиради.

**Митрополит** – (қад. юонон. «бош шаҳар, пойтахт, митрополия одами») православ черковининг олий руҳонийлик унвони.

**Мутаассиблик** – ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишр. Мутаассибликка йўлиқкан шахс ёки гурухлар жамиятда бекарорликни вужудга келтиришга уринадилар.

**Немис Евангель-Лютеранлар черкови** – 1517 йил 31 октябрда виттенберглик рухоний Мартин Лютер томонидан асос солинган протестантликнинг дастлабки йўналишларидан бири.

Лютеранликда протестантликнинг бошқа йўналишлари каби ибодат маросимлари соддалаштирилгани билан ҳам ажралиб турди. Шу билан бирга, христианликнинг етти сеҳрли маросимларидан чўқинтириш ҳамда «нон ва вино totiš» тан олинган ҳолда қолганларига оддий маросимлар сифатида қаралади.

Лютеранлар жамоаси Ўзбекистонда ilk марта Тошкент шаҳрида 1885 йилдан расмий фаолият кўрсата бошлаган. 1896-99 йилларда лютеранлар ибодатхонаси (кирха) қурилган. 1992 йил 8 сентябрда Немис Евангель-Лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги қарори билан кирха лютеранларга қайтариб берилди. Республикаизда 2015 йилнинг 1 октябрига қадар евангел-лютеранлар черковининг 2 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Новоапостол черкови** – XIX асрнинг ўрталарида Англияда вужудга келган протестантлик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Черков таълимотига кўра, Худо рухонийларнинг дуо ва фотиҳалари сабабли бандаларига ўзининг меҳру мурувватини ато қиласди.

Марҳумлар руҳига бағишлиб бир йилда уч маротаба (март, июль ва ноябрь ойларининг биринчи якшанба кунларида) ўтказиладиган диний маросимлар ҳам «Новоапостол черкови»нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу маросимларда марҳумларнинг қариндошлари ва рухонийлар иштирок этиб, Худодан уларнинг бу дунёда қилган гуноҳларини афв этишини сўраб, ибодат қиласдилар.

«Новоапостол черкови» Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаган. 2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикаизда «Новоапостол черкови»нинг 3 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Нурчилар** – ҳаракатга Туркияning Битлис вилоятидаги Нурса қишлоғида туғилган, фаолиятининг ilk даврлариданоқ диний мутаасибликка ва кескин фикрлашга мойиллигини намойиш этган Сайд Нурсий (1876-1960) томонидан асос солинган. Ташкилотнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларни исломийлаштириш ва пантуркизм ғояларини сингдириш, ўз вакилларини раҳбар лавозимларга ўтказишни таъминлаш орқали «Нурчилар» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

**Панисломизм** – XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим.

**Папа** – христиан динидаги католик оқимининг бош руҳонийси.

**Пастор** (лот. «чўпон») – протестантликдаги черков раҳбари. Пасторлар оммавий ибодатларда маъruzалар ўқиш ва черковнинг ички фаолиятини бошқариш билан шуғулланади.

**Пасха** (юнон. īvrīt – «ёнидан ўтиш») – христианликдаги асосий диний байрамлардан бири. Исо Масихнинг қайта тирилган куни шарафига нишонланади. Ҳозирги кунда Пасха куни Ой-Қуёш календари асосида ҳисобланаби, ҳар йили ўзгариб туради.

**Патриарх** – (қад. юнон. «ота, асос солувчи») ортодоксал черковдаги (православие) олий диний мартаба.

**Песах (Пасха)** – яхудийликдаги йиллик байрамлар орасида энг эътиборлиси бўлиб, март-апрель ойларида ўтказилади ва саккиз кун давом этади. Ушбу байрам яхудийларнинг Мисрдаги қулликдан озод бўлганлари муносабати билан нишонланади.

**Прозелитизм** – тўғридан-тўғри бирон-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишига ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилиш.

**Раввин** – яхудий дин арбоби. У яхудий жамоаси диний ва оиласий масалаларида ҳакамлик қиласди.

**Радикализм** – (лотин. radix - «томир», «илдиз», «ўзак») мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш, у ёки бу ишдаги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга интилишни англатади.

**Рим Католик черкови, яъни католиклик** (юнон. – бутун жаҳон) ҳам 1054 йилда христианликнинг иккита – ғарбий ва шарқий черковга бўлиниши натижасида ташкил топган.

Католиклик Европа, Америка қитъаси давлатларида кенг тарқалган. Африка қитъасида ҳам католиклик асосий дин ҳисобланган мамлакатлар бор. Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Австрия ва Лотин Америкаси давлатларида асосий дин, Ватикан давлатида эса расмий дин ҳисобланади. Дунёда христианликнинг бу йўналишига тахминан 1,076 миллиард киши эътиқод қиласди.

Католик черкови қатъий марказлашган ташкилот ҳисобланади. Рим Папаси – католик черковининг бошлиғи, Исонинг ноиби ва апостол Петр (Бутрус)нинг<sup>1</sup> ўринбосари ҳисобланади. Католикларнинг маркази Ватиканда жойлашган бўлиб, 1929 йилдан Ватикан мустақил давлат мақомига эга бўлди. Ҳозирда 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган.

---

<sup>1</sup> Исонинг 12 ҳаворийлари (ёрдамчилари)дан бири ва энг обрўлиси.

Католикларда қўйидаги байрамлар нишонланади:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово – 25 декабрь, православ динида 7 январь, арман апостоллик черковида 6 января).
2. Худонинг зоҳир бўлиши (Богоявление – 6 январь).
3. Меъроҷ, яъни Исонинг осмонга қўтарилиши (Вознесение Господне – Пасханинг 40-куни, санаси ўзгариб туради).
4. Исонинг тана ва қони байрами (Праздник Тела и Крови Христовых – Пасха байрамидан 60 кун ўтгач нишонланади).
5. Биби Марям куни (День Пресвятой Девы Марии, Матери Божией – 1 январь).
6. Биби Марямнинг покдомон ҳолида ҳомиладор бўлиши (Непорочное Зачатие Пресвятой Девы Марии – 8 декабрь).
7. Биби Марямнинг осмонга қўтарилиши ёки вафот этиши (Взятие на небо [или Успения] Пресвятой Девы Марии – 15 август).
8. Биби Марямнинг қаллиғи Авлиё Иосиф куни (День Святого Иосифа, Обручника Марии – 19 март).
9. Ҳаворийлар Петр ва Павеллар байрами (День святых апостолов Петра и Павла – 29 июнь).
10. Барча авлиёлар куни (День всех святых – 1 ноябрь).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Тошкентдаги рим-католик ибодатхонаси (Костел) қайта тикланди ва у 2000 йилнинг 22 октябрида расман иш бошлади. 2015 йилнинг 1 октябряга қадар Ўзбекистонда 5 та католик диний ташкилоти рўйхатга олинган.

**Рождество** – христианликнинг асосий байрамларидан бири. Исо Масихнинг одам танасида мужассам бўлиб туғилиши куни муносабати билан 25 декабря ўтказилади. Ушбу байрам ҳақидаги илк маълумотлар IV асрга тегишли христиан манбаларида қайд қилинган.

**Рош а-Шана** – (ибр. «йил боши»). Яхудийлик миллий тақвимига кўра янги йил байрами бўлиб, сентябрь ва октябрь ойларида нишонланади.

**Роҳиб** (юнон. топах – «зоҳид») – христианликда дунёвий лаззатлардан воз кечиб, таркидунёчилик қилиб, факат ибодат билан шуғулланувчи шахс.

**Рус православ черкови** юртимизда мавжуд ноисломий конфессиялар ичида православликка эътиқод қилувчиларининг кўплиги бўйича ажралиб туради.

Православ (рус. – чин эътиқод) 1054 йилда бўлиниб кетиши натижасида шаклланган христианликнинг уч асосий йўналишидан биридир.

Асосан Шарқий Европа, Яқин Шарқ, Болқон мамлакатларида кенг тарқалган православликка дунёда тахминан 217 миллион киши эътиқод қиласди. Православлик диний таълимоти «Муқаддас ёзув» («Инжил») ва «Муқаддас ривоятлар»га асосланган.

Рус православ черкови – Москва патриархияси дунёдаги энг катта мустақил (автокефал) православ черковидир. Тошкентда Рус православ черковининг Ўрта Осиё митрополияси мавжуд бўлиб, у Ўзбекистон, Кирғизистон, Туркманистон, Тожикистон православларининг маркази ҳисобланади.

Православлар асосан қўйидаги байрамларни нишонлайдилар:

1. Исо туғилган кун (Рождество Христово – дунё православларида 25 декабрь, Рус православ черковида 7 январь).
2. Исонинг хатна қилиниши (Обрезание Господне – 14 январь).
3. Исонинг чўқинтирилиши (Крещение Господне. Богоявление – 19 январь).
4. «Қадимги Аҳд» ва «Янги Аҳд»лар бирлашган кун (Сретение Господне – 15 февраль).
5. Илоҳий хушхабар (Благовещение Пресвятой Богородицы – 7 апрель).
6. Исонинг Құддусга кириши (Вход Господень в Иерусалим – 24 апрель).
7. Пасха (Пасха Господня. Светлое Христово Воскресенье – 1 май).
8. Исонинг осмонга кўтарилиб кетиши (Вознесение Господне – 9 июнь).
9. Муқаддас учлик ёки Пятидесятница байрами (День Святой Троицы или Пятидесятница – 19 июнь).
10. Яҳё пайғамбарнинг туғилган куни (Рождество Иоанна Предтечи – 7 июль).
11. Ҳаворийлар Петр ва Павеллар куни (День Святых первоверховых апостолов Петра и Павла – 12 июль).
12. Исо Масиҳнинг Ермон тоғида нурланиши байрами (Преображение Господне – 19 август ).
13. Биби Марямнинг вафоти (Успение Пресвятой Богородицы – 28 август).
14. Яҳё пайғамбар қатл этилган кун (Усекновение главы Иоанна Предтечи – 11 сентябрь).
15. Биби Марямнинг туғилган куни (Рождество Пресвятой Богородицы – 21 сентябрь).

16. Исо михланган хочни тиклаш байрами (Воздвижение Креста Господня – 27 сентябрь).

17. Биби Марямнинг 910 йилда Константинополь шаҳри қамали пайтида мўъжизавий пайдо бўлиши байрами (Покров Пресвятой Богородицы – 14 октябрь).

18. Биби Марямнинг ота-онаси томонидан ибодатхонада хизмат қилиш учун топширилиши байрами (Введение во храм Пресвятой Богородицы – 4 декабрь).

2015 йилнинг 1 октябрига қадар Ўзбекистон ҳудудида 1 та марказ, 1 та семинария, 3 монастир ва 33 та черков - жами 38 та православликка мансуб диний ташкилот рўйхатга олинган.

**Салаф** – («аждодлар», «аввал яшаб ўтганлар») исломда ҳадисларга кўра, Пайғамбар Муҳаммад (а.с.) замонида ҳамда ундан кейинги икки асрда яшаган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари илк мусулмонларни «салаф солих», яъни «солих аждодлар» деб атайдилар. Салафлар ва соҳта салафийлар ўртасида катта тафовут бор. Ҳозирги пайтда, bemazhablikni tarfib қилувчи оқимлар ўзларига «салафийлар» номини қўйиб олиб, гўёки, салафи солихлар йўлидан юраётганини даъво қиласди. Аслида, улар мамлакатлардаги тинчлик-осойишталикини издан чиқариш, бойликларини талонтарож қилиб, халқларни тобе қилишни мақсад қилиб олган.

**Секта** – (араб. «фирқа») фақат ўзини ҳақ дин, инсонларни нажотга етказувчи деб даъво қиласидиган, аслида эса муайян сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлайдиган гурӯҳ.

**Сепаратизм** (франц. *separatisme* – ажратилган) – ажралишга, алоҳида бўлишга интилиш. Давлатнинг бир қисмини миллий, диний, этнографик, сиёсий, иқтисодий сабабларга кўра ажратиб олиб, янги давлат тузилмаси тузиш ёки уни мухториятга айлантириш ҳаракати.

**Синагога** (юн. *synagoge* – йиғилиш) яхудийлар ибодатхонаси. Синагогалар Фаластинда милоддан аввалги IV асрда вужудга келган. Синагогада яхудийларнинг диний маросимлари ўtkазилади. Ўзбекистонда ҳозирги кунда 8 та синагога расмий фаолият кўrsатмоқда.

**Таблиғчилар** – (араб. «етказиши») ислом байроғи остида фаолият кўrsатадиган, аммо ислом дини асосларини бузадиган диний ҳаракат ҳисобланади. «Таблиғчилар жамоаси»га Муҳаммад Илёс Кандехлавий (1885–1944) исмли шахс томонидан 1927 йилда Шимолий Ҳиндистоннинг Меват шаҳрида асос солинган. Дастрлаб Ҳиндистондаги мусулмонлар орасида фаолият юритган ҳаракат II жаҳон урушидан кейин Миср, Туркия, Саудия Арабистони ва айрим Европа

мамлакатларига тарқалди. Ҳозирда ҳаракатнинг асосий қароргоҳлари Ҳиндистоннинг Бхопал, Покистоннинг Райвин ва Бангладешнинг Дақка шаҳарларида жойлашган. «Таблиғчилар» дунёвийликни инкор этувчи, сиёсийлаштирилган ва мутаассиб диний мағкурани ташвиқот қилиш ва унинг тарафдорларини кўпайтириш орқали ўз таъсирини бутун дунёга ёйишни мақсад қиласди. Ўтган асрнинг 90-йилларида Ўзбекистонда ҳам уларнинг фаолияти кузатилган.

**Такфир** – (араб. – қуфрда айблаш, инкор қилиш, осий бўлиш, тан олмаслик) қуфр, яъни мусулмонни кофирикда, имонсизликда айблаш. Такфир масаласи даставвал фақат ислом ақидасини қабул қилмаган, унга қарши зид гаплар, амаллар қилаётганларга нисбатан ишлатилган. Бироқ хорижийлар оқими ва ҳозирги диний-экстремистик ташкилотлар томонидан ўзларига қўшилмаган мусулмонларни ҳам кофирикда айблаш кузатилмоқда. Ҳадисларга кўра, агар бирор мусулмон бошқа мусулмонни қуфрда айбласа, гўё унинг қонини тўкканчалик оғир гуноҳга йўл қўйган бўлади. Ҳеч кимга мусулмон инсонни «кофир» деб ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилмаган.

**Террор** – (лотин. «қўрқитиши», «ваҳимага солиши») ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, қўпорувчилик каби усуллардан фойдаланилади.

**Туркистон ислом ҳаракати** – (собиқ «Ўзбекистон ислом ҳаракати») 1996 йилда ташкил топган диний-экстремистик ташкилот. Унинг таркибига 1992–93-йилларда фаолияти тутатилган «Ислом лашкарлари» (Наманган), «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ўзбекистон Ислом уйғониш партияси», «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўқон) каби қатор диний-экстремистик гуруҳларнинг фаоллари кирган. Ҳаракатнинг асосий мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тузиш, унда мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини ҳам қамраб олишдан иборатдир.

**Тўлиқ инжил христианлари (пятидесятниклар)** – 1901 йил 1 январда АҚШда пайдо бўлган протестантликнинг йирик оқимларидан бири. Пятидесятниклик диний ҳаётда «Муқаддас Рух инъомлари» деган тушунчага таянади. Шунингдек, Исонинг иккинчи марта қайтиши, охир замон ва минг йиллик ҳукмронлиги ўрнатилишининг яқинлиги тарғиб қилинади.

2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамизда «Тўлиқ инжил христианлари»нинг 1 та маркази, 1 та семинарияси, 38 та черкови рўйхатга олинган.

**Фанатизм** «мутаассиб», «ғазабланган», «жазаваси тутган» маъноларини билдиради.

**Фирқа** – (араб. – ажралмоқ, фарқланмоқ) маълум бир ғоя асосида бирлашиб, исломдаги анъанавий диний жамоадан ажралган гурухлар ва тоифалар.

**Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш, бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин, деган фикрни илгари суриш.

XX асрнинг 70-йилларидан фундаментализм сўзи исломга нисбатан қўлланила бошланди. Исломни ниқоб қилиб олган фундаменталистлар Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этиш ва илк исломга қайтишни тарғиб қиласиди. Кейинги пайтларда мутаассиб мусулмонлар «фундаменталистлар» деб аталмоқда. Уларнинг баъзилари террор усуллари билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзини намоён этса, бошқалари тарғибот ва ташвиқот ишлари, диний таълим билан, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, аудио ва видеоматериалларни тарқатиш билан шуғулланади. Мусулмон фундаменталистлари Ғарб турмуш тарзи ва Ғарб товарларининг истеъмолига қарши кураш, динсиз ёки «соғ исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш каби ғояларни илгари сурадилар. Уларнинг талқинида азиз авлиёлар қабрини эъзозлаш ҳам бутпаратликка киради.

**Халифа** – (араб. – ўринбосар, ноиб) илк ислом даврида жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва Аллоҳ таоло кўрсатмаларига мусулмонлар томонидан амал этилишини назорат қилиш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари. Абу Бакр Сиддик (р.а.) биринчи халифа, бўлган, ундан кейин Умар, Усмон, Али (р.а.) халифалик қилганлар. Улар хулафои рошидунлар, яъни тўғри йўлдан борувчи халифалар деб аталган. Улар билан, ҳадисларда айтилганидек, халифалик якунига етиб, подшоҳликлар давом этган. Бундан кейин келган раҳбарлар гарчи халифа деб аталсалар-да, амалда подшоҳлар бўлганлар. Ҳозирги кунда бир неча экстремистик оқимлар бирлашиб, гўё «ислом давлати»ни тузиб унда «халифалик» эълон қилмоқда. Дунё мусулмон уламолари кенгаши томонидан бундай ҳолат кескин қораланиб, ислом дини таълимотларига умуман зид экани, қандайдир алоҳида фирмә ва оқимларга ўзбошимчалик билан «халифалик» эълон қилиш хуқуқи берилмагани таъкидланган.

**Халқаро терроризм** – давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий

қўпорувчилик фаолиятини ифодалайди. У энг оғир жиноят бўлиб, узоқ давом этган жараёнларнинг ҳисобланади.

**Шаҳид** – (араб. – гувоҳлик, ҳозир бўлмоқ) ушбу даражага эришган инсонларга жаннат ёки кўплаб яхшиликлар башорат қилинганига фаришталар гувоҳ, яъни шоҳид бўлгани сабабли, айнан ушбу сўз ишлатилган. Истилоҳда эса, Аллоҳ таоло йўлида душман билан бўлган жангда Ватани, оиласи, миллати, динини ҳимоя қила туриб вафот этган инсон назарда тутилади. Ҳозирда ўзини портлатиб бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган шахслар асло «шаҳид» ҳисобланмай, ислом таълимотида энг оғир гуноҳга йўл қўйган кишилар саналади.

Ислом динида жон неъматига Аллоҳнинг энг буюк ва қадрли неъматларидан бири, деб қаралади. Бу неъматнинг қадрига етмаганларга улкан азоблар борлиги ҳақида Куръони карим ва ҳадисларда кўплаб қўрсатмалар келган. Жумладан, Имом Бухорийдан ривоят қилинган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: *Аллоҳ таоло марҳамат қилурки: «Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, Менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жсаннатни абадий ҳаром қилдим».*

**Шиа** – (араб. – гурӯҳ, тарафдор) Исломдаги асосий йўналишлардан бири, Али ибн Абу Толиб (р.а.) ва унинг авлодларини Пайғамбар Мұҳаммад (а.с.)нинг ягона вориси ҳамда маънавий давомчилари, деб эътироф этувчи турли гурӯҳ ва жамоаларнинг умумий номи. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб саккиз фоизи шиаликка мансуб ҳисобланади.

**Экстремизм** – (лотин. «ақл бовар қилмас даражада», «ҳаддан ошиш») ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар.

**Эътиқод** – (араб, «ишонч», «имон») – инсон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирода воситасида англанган билимлар, муайян ҳодиса, воқелик ёки нарсага қатъий муносабат, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча.

**Эътиқод эркинлиги** – шахснинг муайян бир динга эътиқод қилиш ҳуқуқи. Кишининг кундалик эҳтиёжига айланган интилиш, хатти-ҳаракат ва дунёқарашлар тизими.

**Яхудий диний жамоаси** – яхудийлик дини яхудий халқининг яккахудоликка асосланган динидир.

Энг қадимий динлардан бири ҳисобланадиган яхудийлик Исроил, АҚШ, Канада, Россия ва дунёning бошқа кўплаб мамлакатларида

тарқалган. Ер юзида тахминан 15 миллион киши ушбу динга эътиқод қилади.

**Яхудийларнинг йиллик байрамлари қуидагилар:**

1. Песах (Пасха) байрами. Бу байрам христианларнинг пасхасидан фарқли равишда яхудийларнинг Мисрдаги қулликдан қутулиб чиққанлари муносабати билан нишонланади. Пасха байрамидан кейинги етти кун давомида тузсиз, хамиртурушсиз патир – маца ейилади. Мацани ейиш билан ҳар бир яхудий Мусо бошчилигидаги ўз ота-боболарининг чеккан мاشақкатларини ҳис этади.

2. Шеббуот (шевуот) байрами. Пасхадан кейинги 50-куни нишонланади. Бу байрам Синай тоғида Мусога Худо томонидан «Тора»нинг берилишини нишонлаб ўтказилади.

3. Рош а-Шана. Кузда нишонланадиган янги йил байрами – яхудийлар учун покланиш байрами ҳисобланаби, улар қурбонлик қилинган қўчқор шохидан ясалган сурнайларни чаладилар, гуноҳлари қолмаслиги учун чўнтакларини тўнтараб, яхшилаб қоқадилар.

4. Йом-Кипур гуноҳлардан покланиш байрами. Рош а-Шона ва Йом-Кипур байрамлари ўртасида рўза тутилади. Рўза кунлари улар ювинмайдилар, ялангоёқ, эски кийимларга ўраниб юрадилар. Синагогада надоматлар билан йиғлаб, тавба қиласилар.

5. Пурим (Қуръа) байрами. Яхудий байрамлари ичида энг қувноғи ҳисобланади. Бу байрам яхудийларнинг уларни қириб ташла-моқчи бўлган Форс подшохи зулмидан қутулганликлари шарафига баҳорда нишонланади.

Миллий дин ҳисобланган яхудийликда бошқа миллатларни ўз динларига даъват этиш қатъиян ман этилгани учун ҳам уларнинг фаолиятида миссионерлик ҳаракати кузатилмайди. 2015 йилнинг 1 октябрига қадар республикамизда 8 та яхудий диний жамоаси расмий рўйхатдан ўтиб, фаолият олиб бормоқда.

**Ўзбекистон Библия жамияти.** Библия жамиятлари – Библияни оммалаштириш мақсадида тузиладиган христиан ташкилоти ва уюшмалари бўлиб, кўпроқ протестантлар томонидан ташкил этилади. Дастлабки Библия жамиятлари XVII–XVIII асрларда Англияда вужудга келган.

**Библия жамияти уюшмаси** (БЖУ, инглиз. – «United Bible Societies») – миллий Библия жамиятларини бирлаштирувчи халқаро христиан ташкилоти. Буюк Британияда 1946 йили Ғарбий Европада жойлашган 13 та Библия жамиятининг уюшмаси сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистон Библия жамияти БЖУнинг аъзоси бўлиб, ташкилот 1994 йилда расмий рўйхатдан ўтган.

**Ҳижрат** – (араб. бирор нарсадан ажраш, кўчиб ўтиш). Истилоҳда эса, Пайғамбар (а.с.)нинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади. Уламолар ҳижрат тўғрисида нозил бўлган оят ва ҳадисларни ўрганиб, уни икки қисмга ажратадилар. Бири юқорида таъкидланган «кўчиш» маъносидаги ҳижратdir. Иккинчиси, инсон гуноҳлардан ўзини тийиши ва уларни тарқ қилиши, яъни ёмон хулқдан яхши хулққа кўчиш, тушунилади. Мусулмонлар Макка шаҳрини жангиз қўлга киритганларидан сўнг Пайғамбар (а.с.) «Ҳижрат тўхтатилди», деб таъкидлаганлар. Мұхаммад (а.с.) ва у зотдан кейинги хулафои рошидуналар (тўғри йўлдан борган халифалар) ўзга юртларда яшаётган мусулмонларни ҳеч қачон мусулмон давлати ҳудудига кўчиб келишларига даъват қилмаган ва уларнинг ўз юртларида яшашларига эътиroz билдирмаганлар.

Ҳозирги кунда бальзи мутаассиб оқимларнинг «ҳижрат қилмаганлар коғир, коғир юртда яшамоқлик куфр» деган соҳта даъво билан ватандошларимизни алдаб, хориждаги жангарилар тайёрланадиган марказларга жўнатишга ҳаракат қилмоқда. Ваҳоланки, она юртини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртига қарши қурол кўтариш ислом таълимотига зид экани барчага маълум. Аксинча, Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуғ савоб, ҳар бир мусулмон зиммасидаги бурч ҳамда шарафли вазифа экани муқаддас манбаларда кўп бора зикр этилган. Жумладан, Имом Табаронийдан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (а.с.): «*Аллоҳ таоло розилиги йўлида бир кун чегара ҳудудида посбонлик қилиши бир ой кечалари ибодат қилиб, кундузлари нафл рўза тутишидан афзалдир*», деб марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадисда эса «*Кечалари Аллоҳдан қўрқиб, ёши тўйкан кўзни ва Аллоҳ йўлида тунлари посбонлик қилиб, миҷжса қоқмаган кўзни дўзах ўти куйдирмайди*» деб таъкидланган. Ислом таълимотига муровфик, Ўзбекистон каби мусулмончилик амалда бўлган, ислом арконлари эмин-эркин бажариб келинаётган худуддан «ҳижрат» қилинмайди. Ватанни сотиш, ўз юрти ва ватандошларига заарар етказиш билан ота-онани норози қилиб «оқ» бўлиш эса оғир гуноҳ ҳисобланади.

**Ҳизб ут-тахрир ал-исломий** – (араб. «Ислом озодлик партияси») ислом ақидаларини ғаразли мақсадлари йўлида байроқ қилиб олган диний-экстремистик ташкилот. Унга 1953 йилда Тақијуддин Набаҳоний (1909–1979) томонидан асос солинган. Даставвал Фалаstinни озод қилишни мақсад қилган Набаҳоний, кейинчалик бутун дунё мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи ягона халифалик давлати қуришни бош мақсад деб эълон қилган.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИДАН**

## **184-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш –

материалларни ҳамда уларни тайёрлаш ва тарқатишнинг тегишли воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

## **184<sup>1</sup>-модда. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

## **184<sup>2</sup>-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш, –

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

## **184<sup>3</sup>-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, –

материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**201-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш –

энг кам иш ҳақининг олтмиш бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш –

энг кам иш ҳақининг саксон бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**202<sup>1</sup>-модда. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**240-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гурухларни ташкил этиш ва ўтказиш –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти –

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**241-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг жиноят КОДЕКСИДАН**

## **145-модда. Виждон эркинлигини бузиш**

Диний ташкилотнинг қонуний фаолиятига ёки диний маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, худди шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитиш —

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йифим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш, шунингдек диний маросимлар ўтказишни ташкил этиш шахс баданига енгил ёки ўртacha оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳди迪, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини,

молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағвоситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишига қаратилган фаолият —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) одам ўлишига;
- б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.

Терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиной жавобгарликдан озод этилади.

**155<sup>1</sup>-модда. Тайёрланётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик**

Ушбу Кодекснинг 155, 155<sup>2</sup>, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган, дастлабки тергов ҳамда суд муҳокамаси материаллари билан исботланган, аниқ маълум бўлган тайёрланётган ёки содир этилган террорчилик хусусиятига эга жиноят тўғрисида хабар қилмаслик, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Террорчилик хусусиятига эга жиноятларга нисбатан ўша қилмиш:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **155<sup>2</sup>-модда. Террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш**

Шахснинг террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтиши, шу жумладан мазкур жиноятларни содир этиш билимини, амалий маҳоратини ва кўникмаларини эгаллаши, ўқув чоғида қурол-яроғ, портлатиш қурилмалари, портловчи, заҳарловчи, атрофдагилар учун хавф туғдирдиган бошқа моддалар ва буюмлар билан муомала қилиш усулларини ўрганиши, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у террорчилик фаолиятини амалга ошириш ёхуд ушбу Кодекснинг 155, 158, 159, 161, 242, 245, 254, 255<sup>1</sup> ва (ёки) 264-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этиш мақсадида ўтказилаётганлиги ўзи учун аён бўлган ўқувдан ўтганлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилса, содир этилган жиноятни фош қилишга ёки бундай ўқувдан ўтган, бундай ўқувни амалга оширган, ташкил этган ёхуд молиялаштирган бошқа шахсларни, шунингдек ўқув ўтказилган жойни аниқлашга фаол кўмаклашса ва агар унинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби мавжуд бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

### **156-модда. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиши**

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишига, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш,—

икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

- а) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли усулда;
- б) баданга оғир шикаст етказган ҳолда;
- в) фуқароларни доимий яшаш жойидан зўрлик ишлатиб кўчирган ҳолда;
- г) мансабдор шахс томонидан;
- д) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса,—

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

### **159-модда. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишига ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикданочик даъват қилиш, шунингдек, бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш —

энг кам ойлик иш ҳақининг олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конституцияда назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари билан алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конституциясида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик —

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар:

- а) такоран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- б) уюшган гурӯҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда содир этилган бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фитна тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равища хабар берган шахс, башарти, кўрилган чоралар натижасида фитнанинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

## **216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш**

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равища тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш —

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **216<sup>1</sup>-модда. Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш**

Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатна-

шишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **216<sup>2</sup>-модда. Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, рухонийлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг маҳсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўгараклар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **217-модда. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш**

Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш ёхуд ўтказиш тартибини уларнинг ташкилотчиси томонидан бузиш шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний йиғилишлар, күча юришлари ва бошқа диний маросимлар үтказиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **229<sup>2</sup>-модда. Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш**

Махсус диний маълумоти бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **244<sup>1</sup>-модда. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш**

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,—

энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухмата, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш,—

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) диний ташкилотлардан, шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа мөддий ёрдамдан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**244<sup>2</sup>-модда. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш**

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш —

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар — оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноятни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавобгарликдан озод қилинади.

**244<sup>3</sup>-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш**

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги  
10-сон қарорига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги  
материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини  
амалга ошириш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси худудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш факат давлат диншунослик экспертизаси ўtkazilgанидан кейин амалга оширилади.

Диний мазмундаги материалларда материалларнинг тўлиқ номланиши, мазмуни, муаллифи, тайёрловчиси, тайёрланган санаси ва жойи, адади ва бошқа маълумотлар давлат тилида кўрсатилиши шарт.

4. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**диний мазмундаги материаллар** (кейинги ўринларда материаллар деб аталади) — дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мафкураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиш амалиётини акс эттирувчи китоблар, рисолалар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хентай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар);

**тайёрлаш** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни нашр этиш, қайта нашр этиш ва нусха кўчириш;

**олиб кириш** — хорижда тайёрланган диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб беришнинг ҳар қандай шакли;

**тарқатиш** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни сотиш, обуна бўлиш, етказиб бериш, тарқатиш, юбориш ва реализация қилиш;

**давлат диншунослик экспертизаси** (кейинги ўринларда экспертиза деб аталади) — Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан диний мазмундаги материалларни тадқиқ этиш жараёни;

**экспертиза хulosаси** (кейинги ўринларда хulosса деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан бажариладиган диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга рухсат бериш (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиш учун кўрсатилган материалларда диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишнинг борлигига оид илоҳиётшунослик тадқиқотлари ўtkazilganligini расман тасдиқловчи ёзма ҳужжат;

**тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ман этилган диний мазмундаги материаллар рўйхати** — Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг ҳар йили тузиладиган рўйхати;

**талабгор** — хulosса бериш тўғрисидаги ариза билан ваколатли органга мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахс.

## **II. Материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш**

5. Материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

6. Тайёрлашга мўлжалланган материалларнинг назорат нусхаси ва зарур маълумотлар экспертизани амалга ошириш учун ваколатли органга етказиб берилиши лозим.

7. Юридик ёки жисмоний шахслар томонидан тайёрланадиган материаллар экспертиза ўtkazilganiidan кейин материалнинг муаллифи ва номланиши, ношир манзили, адади (тиражи), материалнинг

қисқа мазмуни ва шарҳи ҳамда тайёрланган санаси кўрсатилган ахборотга эга бўлиши лозим.

8. Материалларни тайёрлашга ўн иш куни давомида ўтказиладиган ва якунида хulosса расмийлаштириладиган экспертизадан кейин йўл қўйилади.

### **III. Материалларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш**

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси давлат чегарасида олиб қўйилган материаллар экспертизадан ўтказиш учун ваколатли органга ўз вақтида юборилишини таъминлайди.

10. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилган тақиқланган материаллар рўйхатига кирувчи материаллар экспертиза ўтказилганидан кейин божхона органлари ёки давлат чегарасини қўриқлаш органлари томонидан мусодара қилинади.

11. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун ҳар бир номланишдаги материалдан уч нусхадан ошмаган миқдорда, агар улар тақиқланган материаллар рўйхатига киритилмаган бўлса, экспертиза ўтказилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилишига йўл қўйилади.

12. Ваколатли орган диний материал намунаси олингандан кейин ўн иш кунидан ошмаган муддатда муайян материал Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилиши тўғрисидаги масалани кейинчалик ҳал этиш учун тегишли органга хulosса тақдим этади.

13. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида оммавий зиёрат тадбирлари ўтказиладиган вақтда экспертизанинг бевосита божхона назорати пунктларида ўтказилишини таъминлайди.

### **IV. Материалларни Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш**

14. Материалларни Ўзбекистон Республикаси худудида тарқатиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан турғун савдо шоҳобчалари орқали фискал хотирали назорат-касса машиналари,

тўлов терминалларини қўллаш ва пул тушумларини банкка кундалик инкасация қилиб топшириш йўли билан амалга оширилади.

Материалларни қўчма савдо шохобчаларида сотиш тақиқланади.

15. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари кутубхоналари, шунингдек бошқа кутубхоналарнинг (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, тижорат ташкилотлари кутубхоналари) ваколатли орган хulosасини олмай туриб, хорижий ишлаб чиқарувчилардан материалларни қабул қилишлари тақиқланади.

16. Ваколатли орган ва бошқа манфаатдор ташкилотлар материалларнинг ноқонуний тарқатилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш тадбирларини ҳамкорликда амалга оширадилар.

17. Экспертизанинг ижобий хulosаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида материалларнинг муайян турини тарқатиш ҳуқуқини беради.

18. Материалларни қўйидаги мақсадларда тарқатишга йўл қўйилмайди:

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёки бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёхуд ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик, тероризм, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараастлик ғояларини тарғиб этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш;

диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;

диндорларнинг диний туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;

фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармассликка чақириш;

давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва молмулкига тажовуз қилишга ундаш;

гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

қонунга мувоғиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундаш.

## **V. Ушбу Низомни бузганлик учун жавобгарлик**

19. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

20. Ушбу Низом нормаларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги  
10-сон қарорига 2-илова

### **Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида**

#### **НИЗОМ**

1. Ушбу Низом диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга мўлжалланган диний мазмундаги материалларнинг давлат диншунослик экспертизасини амалга оширишда иштирок этувчи томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга мўлжалланган диний мазмундаги материалларнинг давлат диншунослик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**давлат диншунослик экспертизаси** (кейинги ўринларда экспертиза деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (кейинги ўринларда ваколатли орган деб аталади) томонидан мутахассислар, экспертлар ва диний ташкилотлар вакиллари иштироқида босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хентай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD,

DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар) ва диний мазмундаги бошқа материалларни тадқиқ этиш жараёни;

**экспертиза хulosаси** (кейинги ўринларда хулоса деб аталади) — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан бажариладиган диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга рухсат бериш (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиш учун кўрсатилган материалларда диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишнинг борлигига оид илоҳиётшунослик тадқиқотлари ўтказилганлигини расман тасдиқловчи ёзма ҳужжат;

**диний мазмундаги материаллар** (кейинги ўринларда материаллар деб аталади) — дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мафкураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиш амалиётини акс эттирувчи китоблар, рисолалар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хентай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар);

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита;

**эксперт кенгаши** — ваколатли орган ҳузуридаги олимлар, эксперtlар ва диншунослик ҳамда илоҳиётшунослик соҳаси мутахассислари кенгаши.

4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга мўлжалланган материал, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, экспертизадан ўтказилиши керак.

5. Экспертиза Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ мурожаат этилган кундан бошлаб ўн иш куни давомида ваколатли орган томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ўтказилади.

6. Ваколатли орган ҳузурида олимлар, эксперtlар ва диншунослик ҳамда илоҳиётшунослик соҳаси мутахассисларидан иборат таркибда эксперт кенгаши тузилиши мумкин.

7. Экспертиза кўрсатиб ўтилган фаолиятнинг бирор турини амалга оширишдан олдин юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма

мурожаатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идораларининг мурожаатлари асосида ўтказилади.

8. Юридик ёки жисмоний шахслар ёки манфаатдор вазирлик ёхуд идора ваколатли органга қуидагилар учун зарур ҳужжатларни тақдим этади:

а) материалларни тайёрлаш учун:

рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

нашр этилиши режалаштирилган материаллар ҳақидаги маълумот;

б) материалларни олиб кириш учун:

рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

мулк эгаси ёки муайян материални Ўзбекистон Республикаси ҳудудига етказиб бериш мажбуриятини оловчи ҳуқуқ эгаси бўлган шахс билан тузилган шартнома нусхаси;

олиб кирилиши режалаштирилган материаллар ҳақида маълумот;

в) материалларни тарқатиш учун:

рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

тарқатилиши режалаштирилган материаллар ҳақидаги маълумот.

9. Экспертизани ўтказишда иштирок этувчи мутахассислар ўзлари ҳақида қуидагиларни: маълумоти, илмий даражаси, иш стажи ва диншунослик соҳасидаги салоҳиятига оид бошқа ахборотни кўрсатишлари, шунингдек тадқиқот жараёни, ўз хулосаларини диний қоидалар, талқинлар, қонунлар билан асослаб, батафсил тавсифлашлари, шахсий имзолари билан тасдиқлашлари лозим.

10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуидаги белгиларга эга материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди:

жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёки бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёхуд ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш;

Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш;

уруш, зўравонлик, тероризм, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб этиш;

миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш;

диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;

диндорларнинг диний туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;

фуқароларни ўз конституциявий мажбуриятларини бажармассликка чақириш;

давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва молмулкига тажовуз қилишга ундаш;

гиёхванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни тарғиб қилиш;

қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликни келтириб чиқарувчи хатти-харакатларни амалга оширишга даъват қилиш.

11. Ваколатли органга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва диний ташкилотлардан ўз юритишидаги масалалар бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда зарур ҳужжатлар ва ахборотларни сўраш ва олиш ҳуқуқи берилади, ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

12. Ваколатли орган белгиланган тартибда ташкилотларни, шу жумладан жамоат ва диний ташкилотларни бориб кўриш ҳуқуқига эга.

13. Экспертиза натижалари мажбурий ҳисбот ҳужжати ҳисобланади ва хulosса сифатида расмийлаштирилади ҳамда индивидуал рақамга эга бўлади.

Экспертизанинг ижобий хulosаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муайян материал турини тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга ёки шундай фаолиятни амалга оширишни рад этишга асос бўлиб хизмат қиласди.

14. Материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга оид эксперт хulosаси ваколатли орган раиси, у бўлмаган тақдирда унинг ўрнини босувчи шахс томонидан имзоланади.

15. Ваколатли органда Экспертиза хulosаларининг ягона реестри юритилади.

16. Ваколатли орган йилига камида икки марта манфаатдор вазирликлар ва идораларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш тақиқланган материаллар рўйхатини тақдим этади.

17. Эксперт хulosасига кўра тайёрлашга тақдим этилган материал ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ ваколатли органнинг маҳсус голограммаси билан тамғаланади.

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

19. Ушбу Низом нормаларини бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан рухсат этилган диний мазмундаги материалларга бериладиган ГОЛОГРАММА**



(Айлана бўйлаб: «\*O'zbekiston\* Din ishlari bo'yicha qo'mita \* Committee of the Religion Affairs»)

(Ичида: Din ishlari bo'yicha qo'mita \* Committee of the Religion Affairs» ёзуви туширилган китоб эмблемаси)

## **МУТААССИБ ШАХСНИ АНИҚЛАШ УЧУН САВОЛЛАР**

- 1. Халифалик давлатида яшаш фарзми?**
- 2. Халифалик давлатини қуришга Қуръон ёки суннатда аниқ далил борми?**
- 3. Аллоҳ мусулмон кишининг имон келтиришда ислом давлатида бўлишини хоҳлайдими?**
- 4. Аллоҳнинг муроди кишига диний-сиёсий масалалар билан шуғулланишидами ёки имон келтириш ва гўзал амаллар қилишидами?**
- 5. Аллоҳ бандаларни диний-сиёсий масалалар билан шуғулланиш учун яратганми?**
- 6. Ислом руқнлари нечта?**
- 7. Имон келтириб, ибодатларнинг фарз эканини тан олган, лекин бажармайдиган инсон мусулмон ҳисобланадими?**
- 8. Киши имон келтирганидан сўнг бирор амал ёки ибодатни бажармагани учун кофир бўлиб қолишига аниқ далил борми?**
- 9. Шариат бўйича бир инсонни бошқа бир киши томонидан кофир дейиши қатъий қайтарилганини биласизми?**
- 10. Жиҳодни исломнинг 6-рукни дейиш учун далил келтиринг.**
- 11. Куръонда жиҳодни «муқаддас уруш» деб номлаган оятлар борми?**
- 12. Халифалик ўрнатилмаган давлатдан бошқа юртларга ҳижрат қилишнинг ҳукми қандай?**
- 13. Ислом манбаларида ўз жонига қасд қилиш ёки ўзгаларни ўлдириш борасида нима дейилган?**
- 14. Мусулмон одамнинг замонавий қонунларга амал қилиши Қуръон ёки ҳадисда тақиқланганми?**
- 15. Диний олим деб кимларга айтилади?**
- 16. Мұхаммад (а.с.) давридаги мушриклар билан бугунги кундаги ғайридинларнинг мақоми tengми?**
- 17. Макка мушриклари ҳақида нозил бўлган оятларни дин олимлари бошқа дин вакилларига татбиқ этганига далиллар борми?**
- 18. Исломнинг бошқа дин вакилларига муносабати қандай?**
- 19. «Дорул ислом» деганда нимани тушунасиз?**
- 20. Ўзбекистон «дорул ислом» диёрига кирадими?**
- 21. Сиз аъзо бўлган жамоага қўшилмаган бошқа мусулмонларнинг Аллоҳнинг олдидаги ҳолати қандай бўлади?**

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Норматив-хуқуқий хужжатлар**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири). – Т.: Адолат, 1998.

Терроризмга қарши кураш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Т.: Адолат, 2000.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг мавзуга доир асарлари**

Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2007. – 25 октябрь.

Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

Каримов И. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги // Халқ сўзи. – 2015. – 14 янв.

Каримов И. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – 304 б.

### **Асосий адабиётлар**

Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – 624 б.

Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга – юз жавоб) / Масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 156 б.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир А.С.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 246 б.

Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А. Ҳасанов, О. Юсупов, К. Шермуҳамедов ва бошқ. – Т.: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.

Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар: Ўқув қўлланма. – Т., 2000. – Б. 28.

Закурлаев А. Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар ва бу ташкилотларни аниқлашда хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик: Услубий қўлланма. – Т., 2007.

Закурлаев А. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010. – 134 б.

Закурлаев А., Ахунов Б. Диний экстремизм ва террорчилик. – Т., Янги аср авлоди, 2004. – Б. 66.

Ислом ниқоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) / Шермуҳамедов К., Каримов Ж. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – 160 б.

Исмаилов И., Мамадалиев У. Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – 2003. 4-сон. – Б. 50-53.

Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н. Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид: Маърифий-услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009.

Кремер Г. Ислом – дин ва давлат: исломда дин, хуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 60.

Муҳаммадиев Н.Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. – Т., 2005. – Б. 102.

Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга – юз жавоб). – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 200 б.

Тинчликни асраш – муқаддас бурч / У.Қўшаев, А.Аҳмедов, Ш.Жўраев ва б.; / Масъул муҳаррир А.Очилдиев. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 32 б.

Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр /  
Масъул мухаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Шарқ, 2014. – 536 б.

Тулепов А. Интернетга ин қурган «ўргимчаклар». – Т.:  
Мовароуннаҳр, 2014. – 80 б.

Тураев Б.О., Закурлаев А.К. Ёшларни ақидапарастлар таъсиридан  
ҳимоялаш усуллари: Услубий қўлланма. – Самарқанд: Имом Бухорий  
халқаро маркази, 2010.

Қодиров А. Диний экстремизм – сиёсий ҳодиса. Экстремизм,  
терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш  
муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: Ўзбекистон  
Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – Б. 9.

Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний  
ташқилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналиш-  
лари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – 552 б.

Ҳасанов А. Илк ислом жамияти: динийликдан дунёвийликка ўтиш  
// Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Т.: Имом ал-Бухорий халқаро  
жамғармаси, 2003. – Б. 28-29.

### **Қўшимча адабиётлар**

Абдулазиз Мансур. Диний ақидапарастликнинг зарарлари //  
Адолат. – 2009. – 22 май.

Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Т.:  
Маънавият, 2000. Б. 8.

Абу Лайс Самарқандий. Тафсири Самарқандий / Али Мұхаммад  
Муаввад нашрга тайёрлаган. Т.2. – Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя,  
1993. – Б.527.

Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Т.: Тошкент ислом университети,  
2009. – Б. 32.

Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.: Тошкент  
ислом университети, 2007. – 122 б.

Большаков О. История халифата. Т.1. – М.: Восточная  
литература, 2002.– С. 94.

Виланд Р. Давлат ва дин бирлиги исломнинг қатъий талабими? //  
Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро  
жамғармаси, 2003. – Б. 73.

Горниченко И.И., Хакимов Ш.Ш., Закирходжаев Ш.А.  
Откровенно о сокровенном. – Т., 1991. – С. 57.

Жўраев Ш. Бузғунчи даъватчилар. – Т.: Тошкент ислом  
университети, 2010. – 40 б.

Закурлаев А.К., Ҳусниддинов Ш. Буддавийлик ниқоби остидаги диний- экстремистик гурухлар: Ўқув-услубий қўлланма // Тошкент ислом университети, 2010. – Б.34.

Зарипов З.С. Вояга етмаганларнинг гуруҳий жиноятчилиги ва унинг олдини олишга қаратилган айрим чоралар // Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2001. – Б. 18-21.

Ислом зиёси ўзбегим сиймосида (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри). – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – Б. 360.

Ислом маърифати: аслият ва талқин: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 160.

Ислом: Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 313

Исмаилов И. Терроризмга қарши кураш // Қонун ҳимоясида. – № 7. – Т., 2004. – Б.30.

Усмоналиев М., Каракетов Й.. Криминология. – Т.: Тошкент Давлат юридик институти, – 2001. – Б. 338.

Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоги. – Т.: Тошкент ислом университети, 2013. – Б. 32.

Маърифат гулшани / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – Б. 200.

Маърифат зиёси / Муаллифлар жамоаси – Т.: Тошкент ислом университети, 2015. – Б. 312.

Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасида янги нисбатнинг шаклланиши // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б.140-141.

Мустафо X. Сиёсий ислом: исломий сиёсий андоза ҳақидаги масала бўйича айрим мулоҳазалар // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. – Б. 104.

Муҳаммад Имора. Ал-ислам вал ақаллият // Фикр ал-муслим ал-муасир. – Қоҳира: Марказ ал-Аҳром, 1992. – Б. 76-80.

Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-Ақоид ан-Насафийя / Аҳмад Ҳижозий нашрга тайёрлаган. – Қоҳира: Мактаба Азҳарийя, 1988. – Б. 66.

Ўзбекистон Республикаси конституциясига шарҳ / А.Азизхўжаев ва бошқ. Т.: Ўзбекистон, 2008. – Б. 242.

Хуршид Даврон. Алпомишнинг уйғониши // Тафаккур. – 1994. – № 1. – Б. 16.

Хусниндинов З. Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши // Халқ сўзи – 1999. – 22 сент.

Шермуҳамедов К. Жаҳолат тўри. – Т.: Тошкент ислом университети, 2010. – Б. 48.

Энциклопедия молодой женщины / Перевод с чешского. Т. Энциклопедия, – 1992. С. 184.

### ***Интернетдаги веб-саҳифалар***

http: [www.religions.uz](http://www.religions.uz) – Вазирлар Махкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита сайти

http: [www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) – Тошкент ислом университети веб-сайти.

http: [www.markaz.tiu.uz](http://www.markaz.tiu.uz) – Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази веб-саҳифаси.

http://akadmvd.uz – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси.

http: [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Ахборот таълим тармоғи.

http: [www.muslim.uz](http://www.muslim.uz) – Ўзбекистон мусулмонлари идораси веб-сайти.

http: [www.buxoriy.uz](http://www.buxoriy.uz) – Тошкент ислом институти веб-сайти.

http: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz) – «Мовароуннаҳр» нашриёти веб-сайти.

## **МУНДАРИЖА**

**Кириш (ТИУ, ИИВ Академияси) ..... 3**

### **I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

*Ш.Жўраев.* Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий  
ва ҳуқуқий асослари..... 8

*Ш.Жўраев.* Диний адабиётларни нашр этиш ва экспертиза қилиш  
соҳасидаги Ўзбекистон тажрибасининг афзалликлари ..... 14

*Ж.Нажмиддинов.* Миссионерлик ва прозелитизм таҳдиidi  
ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ..... 18

### **II боб. ИСЛОМ ДИНИ ҲАМДА УНДАГИ ЙЎНАЛИШ ВА МАЗҲАБЛАР. ДИНИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ БУЗИБ ТАЛҚИН ҚИЛИНИШИННИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

*Н.Тўйчиева.* Ислом – тинчлик дини ..... 26

*Ш.Жўраев.* Исломдаги ақидавий йўналишлар ва фиқхий мазҳаблар ..... 29

*Ж.Каримов.* Ислом асосларини ғаразли мақсадларда бузиб талқин қилишнинг  
моҳияти ва шакллари ..... 36

*Ш.Жўраев, А.Қаюмов, А.Бабаев.* Ватанга хизмат – юксак фазилат ..... 43

*И.Усмонов, Д.Разаков.* Дунёвийлик – даҳрийлик эмас ..... 48

*Б.Сирлиев, З.Набиев.* Кишиларни мутаассиб шахслар томонидан  
психологик таъсирга солаётган омиллар ..... 56

### **III боб. ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ШАКЛЛАНИШИ. ФУҚАРОЛАРНИ ЭКСТРЕМИСТИК ОҚИМЛАР ТАЪСИРИДАН АСРАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

*К.Шермуҳамедов.* Экстремизм, терроризм ва ахборот хуружларининг  
намоён бўлиш шакллари ..... 64

*К.Шермуҳамедов.* Марказий Осиё минтақасида фаолият олиб боришга  
интилаётган диний-экстремистик ҳаракатларнинг хусусиятлари ..... 72

*Ж.Мухторов, А.Закурлаев.* Профилактика (катта) инспекторларининг  
хорижга ишлашга бораётган ва қайтиб келган шахслар билан ишлаш  
фаолияти ..... 84

<i>P.Абдуманнапов, У.Гафуров.</i> Мутаассибликка қарши курашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни .....	90
<i>Д.Турдиева.</i> Аёлларни мутаассиб шахслар таъсирига тушираётган омиллар.....	96
<i>Ж.Мухторов, А.Закурлаев.</i> Маҳаллаларда диний-экстремистик оқимга мойиллиги бўлган оиласлар билан ишлаш бўйича тавсиялар .....	103
Хулоса .....	115

## ИЛОВАЛАР

Глоссарий .....	117
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан .....	136
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидан .....	139
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида низом .....	147
Диний мазмундаги материалларни давлат диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида низом .....	151
Мутаассиб шахсни аниqlаш учун саволлар .....	156
Фойдаланилган адабиётлар .....	157

# **ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ**

*Ички ишлар тизими ходимлари  
(профилактика инспекторлари) учун  
ўқув-амалий қўлланма*

**Муҳаррир С. А. Рассоқов  
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов**

---

Босишига рухсат этилди 18.12.2015 й. Нашриёт-хисоб табағи 9,0.  
Адади 20 нусха. Буюртма №\_\_\_\_\_. Нархи шартнома асосида.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,  
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68